

Ғ.Ҳайдаров, М.Иномов

Ўзбекистон

халқ фожияси
ва дард-алами

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКISTОН"
1993

Таҳлилчи мутахассислар томонидан тайёрланган ушбу китобда ёш суверен республика бўлган бугунги Тожикистондаги аҳвол, кимларнингдир айби билан фуқаролар урушининг қонли даҳшатларини ўз бошидан кечирган халқнинг дарду аламлари гоят зўр масъулият билан, далиллар асосида ёритилади.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

МУҲТАРАМ КИТОБХОН!

Сизнинг қўлингиздаги ушбу китоб яқиндагина Тожикистонда бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида ҳикоя қилади. Уни яратишда шу республикада яшаб турган кишиларнинг ўзлари, тарихчи олимлар иштирок этишган. Тожикистон фожиаси — бу бутун минтақанинг, собиқ Совет мамлакати таркибидаги республикалар — эндиликда суверен бўлган давлатларнинг фожиасидир. Кўп асрлик кўҳна тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, бу ерларда бирон бир районда бошланиб кетган уруш худди вабо сингари қўшниларга ҳам тарқалган. Ана ўшанда минг-минглаб уруш қурбонлари бўлган, аجدодларимиз ўтган муқаддас замин қора қонга бўялган...

Тоғли ўлкада бўлиб ўтган воқеалар бунга яққол далил бўла олади. Фақат соғлом кучларнинг, ақл-идрокнинг тантанасигина узоқ йиллардан бери мустақилликни орзу қилиб келган Ҳамдўстликдаги кўпгина мамлакатларнинг кучларини бирлаштириш имконини берди. Ислоҳ ақида-парастлари ва уларнинг ҳомийлари томонидан Тожикистонда бошлаб юборилган қонли қирғинбарот уруши она еримиздаги бебаҳо тинчлик ва осойишталик нечоғли ишончсиз эканлигини, биз ҳаммамиз уни бениҳоя қадрлашимиз зарурлигини кўрсатди!

Тожикистон — тоғли мамлакат. Водий аҳолиси хотир-жам ишлаб, анча яхши ҳаёт кечирмоқда эди. Помирликлар маърифий дунёнинг неъматларидан узиб қўйилган, ўзига хос ҳаёт тарзига эга эди. Республиканинг шимоли билан жануби — маданият, ижтимоий онг даражаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қиларди. Масалан, Гармда маданият ўчоқлари ниҳоятда кам. Ақидапарастлар аини шу нарсадан фойдаландилар — улар одамларни бир-бирларига

ISBN 5-640-01488-1

Т 5030209012-42 93
М 351 (04) 93

© Акционерное общество ЛИНКО, 1993.

© Русчадан таржима,

“ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 1993.

қарши гиж-гижладилар, уларга олтин тоғлар ваъда қилдилар, уларни қон тўкиш ва талон-тарож йўлига бошладилар. Худди ўша Гармда ҳозир уйлардан ўнлаб эрон гиламлари, япон телевизорлари, Фарбда ясалган қуроллар топилмоқда.

Одамларнинг энг нозик ҳис-туйғуларини қўзғаб, уларнинг қўлига арзимас бойлик тутқазиб, кўп нарсаларни ваъда қилиб жанубни шимолга қарши, тоғликларни деҳқонларга қарши қайрадилар. Бунинг оқибати маълум — минг-минглаб кишилар ҳалок бўлди, ўн минглаб одамлар бошпанасиз қолди, уй-жойлар ва бутун-бутун қишлоқлар ёндирилди. Тожикистон аҳолисининг турмуш даражасидаги кескин фарқдан, одамларнинг фикрлаш даражаси пастлигидан, бу ерларда тарихан таркиб топган ўзига хос маънавий муҳитдан ақидапарастлар ҳокимиятни эгаллаб олиш учун усталик билан фойдаландилар.

Ушбу китоб барча соф виждонли кишиларни огоҳлантирувчи бир дастур бўлмоғи керак. Одамларни тинчликпарварликка ва осойишталикка, юксак ахлоқий идеалларга даъват этувчи мусулмон динининг ислом ақидапарастларига ҳеч бир алоқаси йўқдир. Чунки ақидапарастларнинг энг характерли белгиси — бу тўкилган қонлар, кўз ёшлари ва бегуноҳ кишиларнинг изтиробларидир. Уларнинг энг асосий ишонтириш усули — ўз қарашларини зўрлик билан ўзгаларга тиқиштиришдир, яъни илгариги большевизмнинг янгича бир кўринишидир. Улар томонидан қўлланилаётган инқилобий мақсадга мувофиқлик давлатни қайта қуриш ниқобига ўралган бўлиб, у худди отган ўқи ўша одамнинг ўзига қайтиб келиб унинг ўзини ҳалок қиладиган "бумеранг" хусусиятига эгадир. Ақидапарастлик эса — бунинг яққол кўринишидир. У одамларни "навларга" — паст-баландга ажратади... Шунинг учун ҳам дунёвий тараққиёт йўлини танлаб олган ислом мамлакатларининг аксариятида ақидапарастлик конституция йўли билан ман этилганлиги тасодирий эмас.

Ҳа, муҳтарам китобхон, ҳозир сиз ўқийдиган китобни мутолаа қилиш осон кечмайди. Бу ерда тасвирланган воқеалар хроникаси бизни янги пайдо бўлган "демократлар"нинг чучмал шиорлари нималарга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида ўйлашга мажбур қилади. Уларга эрк бериб, улар олдида бир қадам орқага чекиниб кўринг-а — улар дарҳол тўс-тўполон бошлайдилар ва юзтубан кета-

дилар, халқнинг қони тўкилади, унинг бошига оғир кунлар тушади.

Ушбу китоб яқиндагина бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилишга бир уринишдир. Чунки, афсус-надоматлар бўлсинки, ҳали ушбу фожиа тўғрисидаги, унга сабаб бўлган омиллар, уни ҳаракатга келтирган кучлар, яширин таянчлар, асосий айбдорлари тўғрисидаги ҳақиқатни камдан-кам киши билади. Биз бу ерда энг сўнгги ҳақиқатгача бизга маълум деган даъвони қилмаймиз. Биз фақат фактларнигина айтиб ўтамиз холос. Хулосани эса ҳар кимнинг ўзи чиқариб олсин. Лекин бундай даҳшатли фожианинг бундан буён ҳеч қаерда бўлишига йўл қўймаслик учун, бундай воқеалар Марказий Осиёдаги бошқа давлатларда, Россияда содир бўлмаслиги учун ҳақиқат нимадалигини билиб олишга, бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилишга ҳаракат қилиш ва ушбу воқеалардан келажак учун тўғри сабоқлар чиқариб олиш керак, деб ўйлаймиз.

Биз учун ушбу китобни ёзиш осон бўлмади. Ҳужжатларни ўқиш, қонли воқеаларнинг гувоҳи бўлган кишилар сўзини тинглаш даҳшатли эди. Чунки бу воқеалардан ўрта асрлардаги инквизиторларнинг хатти-ҳаракатлари кўз олдингизда намоён бўлади. Лекин республикамиздаги миллион-миллион кишилар бошига тушган дард-алам ва қайғу ғамлар бизни қўлга қалам олишга мажбур қилди. Мана шу фожиа юз берган даврда ивгоарларнинг сиёсий ўйинлари қурбони бўлган Тожикистон халқининг бошига тушган кулфат бизни қалам олишга ва ушбу сатрларни ёзишга мажбур қилди. Узоқроқ ерда, шинам кабинетларда ўрнашиб олиб, иссиқ кофелар ичиб, одамларни уруштириб қўйган, қўғирчоқ ҳокимларнинг ҳаракатларини зимдан кузатиб, арзимаган чақага ўз халқининг қонини дарёдай тўкишга тайёр турган малайларни ишга солиб турган кишиларга қарши қалбимиздаги нафрат бизни ушбу сатрларни битишга ундади. Узоқ кутилган давлат мустақиллигини қўлга киритган халқимизга, унинг ўз бошига тушган қийинчиликларни албатта енгиб ўтажигига бўлган ишонч бизни ёзишга ундади. Биз шуни яхши биламизки, бошидан кўп ғам-аламларни кечирган жафокаш халқимизнинг озодлик ва тараққиёт учун танлаган йўли ҳақ йўл ва олижаноб йўлдир. Биз шуни яхши биламизки, халқ-

нинг ўз олдига қўйган мақсади аниқ ва уни ҳеч ким бу йўлдан тойдиришга қодир эмас.

Афсуски, ҳали олдинда яна қийинчиликлар бўлади. Озодлик ҳеч қачон курашларсиз осонликча қўлга киритилган эмас. Тожикистон Республикасининг истиқлоли ва тараққиёти душманлари мағлуб бўлганларини ҳали тан олганлари йўқ.

Улар ўз ҳомийлари кўмагида ҳамон ўч олиш умидидалар.

Бироқ озодлик таъмини тотиб кўрган халқни ҳеч ким тиз чўктиролмайди. Зеро унинг ёнида ишончли дўстлари ва сафдошлари бор.

ҚАРАМА-ҚАРШИ ТУРИШ: ТАСОДИФМИ ЁКИ ҚОНУНИЯТМИ?..

Ўн минглаб кишилар бегуноҳ ҳалок бўлдилар. Юз минглаб кишилар уй-жойларидан айрилиб бошпанасиз қолдилар...

Уларнинг бошига тушган фожиа ва қайғу-алам ҳали кўп йиллар юракларни ларзага солади. Буларнинг ҳаммаси Тожикистонда рўй берди. Давлатнинг фожиаси, халқнинг фожиаси бу. Ахир яқиндагина бу гуллаб-яшнаб турган ва халқи фаровон ҳаёт кечираётган республика эди. Лекин бу сиртдан қарагандагина шундай хотиржамлик бўлиб кўринар, унинг ортида эса жаҳаннам, дўзах азоблари яширинганди. Бу ер нега энди Аллоҳнинг ғазабига учради, деб ўйлаб қоласан киши. Фуқаролар уруши... Башарият тарихида бундай урушдан кўра даҳшатлироқ фожиа йўқдир. Чунки бунда ақа укага, ота болага, қўшни ўз қўшнисига қарши қонли жангга киради. Бунда сен билан ҳамюрт бўлган фуқаролар худди сенга ўхшаган кишиларни ҳалок қилишнинг энг даҳшатли усуллари ишга соладилар.

Қўрғонтепа атрофида, қирғинбарот урушдан кейин уй-жойлари ҳали қайта тикланмаган қишлоқлар яқинида одамлар яримянғоч, оч-наҳор юрган бир болани тез-тез учратишади. Бу бола бўлиб ўтган фожиалардан эс-ҳушини йўқотган. Унинг ақл-идроки энди ҳеч қачон тикланмайди. Негаки унинг кўз ўнгида отасини ва онасини ўлдирдилар, вояга етмаган опасини зўрладилар. Шундай қисмат унинг бошига ҳам тушиши мумкин эди. Лекин у қочиб улгурди. Ўша даҳшатли воқеадан буён ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ўн уч ёшли бу бола эса бир умр мажруҳ бўлиб қолди. Энг даҳшатли ҳодиса юз берди — у ақлдан озди. Фақат одамларнинг, тожиклар, руслар, ўзбеклар, қирғизларнинг меҳрибонлиги ва саховатигина уни очдан ўлиш

дашатидан қутқаради. Бу бебахт бола ҳақидаги гаплар нечоғли дашшатли бўлмасин, бу ёш навниҳол қалбини эзиб келаётган дарднинг қайси бири дашшатлироқ — бир бурда нон илинжида қишлоқма-қишлоқ дайдиб юриш дашшатлими, ёки ўз ота-онасининг қисмати дашшатлими? деган саволга ҳеч бир кимса жавоб беролмас керак. У, бошқа минглаб тожиклар сингари, мутаассиблик қурбони бўлди. Бунга эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди!

Бўлиб ўтган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган "Известия" рўзномасининг журналистлари шундай гувоҳлик бердилар:

— "...Қўрғонтепада Айний номли кўча бор. Бу кўчанинг бир томонида Россия армияси мото-ўқчи полкининг рухсатномаларни назорат қилиш пункти жойлашган. Кўчанинг нариги томонида эса тураржой бинолари қад кўтарган. Пешин пайти, кўчада ҳеч зот йўқ. Ҳарбий қисм деворининг нариги томонида, кўчанинг ўнг томонида икки кундан бери бир мурда ётибди. Сал нарида яна бир киши ўлиб ётибди. Уларнинг олдига ҳеч ким йўлмайди. Кўчани муттасил мерганлар нишонга олиб турибди. Иссиқдан довдираб қолган бир кучукча муйилишдан шу кўчага чиқиб қолган эди, ўша замоноқ кўзга кўринмас мерган ўқига дучор бўлди.

Душанбе шаҳрида ҳозирча осойишталик. Гарчи Тожикистон Президенти қочиб юрган бўлсада, бозорларда илгаригидек одам кўп, кўчалар ҳам ўтган-кетган кишилар билан гавжум. Бу ердан 80 километрча нарида — қўшни Қўрғонтепада нималар бўлаётганлигидан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Бироқ ҳокимият тепасида турган кишилар у ерга фақат вертолетда ёки зирҳланган машиналарда бориш мумкинлиги ҳақида бизни огоҳлантирдилар... Автовокзалда бир шофер жонидан кечиб икки ярим минг сўм эвазига бизни ўзининг урилган-сурилган "Жигули"сида элтиб қўйишга юрак ютиб рози бўлди. У ҳам бизни айтган манзилимизгача етказиб бора олмади. ДАИ постидида шаҳарга 20 километрлар чамаси масофа қолганда Душанбе шаҳри номерли биз тушган машинани орқасига қайтардилар. Ундан уёғига ўша томонга кетаётган учта "Икарус" машинасидан бирига ўрнашиб олишга муваффақ бўлдик. Машинадаги каттароқ кимса бизни ўзига чорлади. Йўл-йўлакай гаплашиб кетдик.

— Мен Қўрғонтепада ўз оиламни олиб кетгани кетаяпман. У ерлардаги қирғинбаротдан кейин тирик қолган хотин-халажлар ва болаларни ҳам олиб келиш учун мана шу автобусларни ўз пулимга кира қилиб кетаяпман. Мана ҳужжатларим — 11 минг 760 сўмга тузилган. Менга ҳеч ким ёрдам беришни истамади. Шу боис мана учаламиз: шофер, мен ва укам йўлга отландик. Қўриқчимиз ҳам йўқ, шунингдек ишимиз ўнгидан келишига ишончимиз ҳам йўқ.

Аввалига шаҳар анча осойишта кўринди. Бироқ, ордан сал вақт ўтган ҳувиллаб қолган кўчаларда бирдан бошланиб кетган қасир-қусур ўқ овозлари ҳаммаёқни тутиб, барча шак-шубҳаларни тарқатиб юборди.

Бу ерда ҳамма нарса бир неча кундан бери давом этаётган урушни эслатиб турарди. Ҳаммаёғида ўқ ва осколалар изи қолган БТР машиналари, ҳарбий кийим кийган қуролли кишилар ҳам кўзга ташланиб қолар эди. Улар кўринишдан бир-бирларига жуда ўхшасалар ҳам, маълум бўлишича, икки қисмга: маҳаллий милицияга ҳамда алоҳида топшириқни бажарувчи республика батальонига бўлинар экан. Қонли воқеалар бошланиши билан Қўрғонтепа милицияси иккига бўлиниб кетибди. Президент тарафдори бўлган кишилар — асосан асли кўлобликлар ички ишлар бошқармаси биносини тарк этибдилар. Қолганлари эса шу бинони ўзидан қолиб, бетараф эканликларини айтганлар. Милиционерлар ва алоҳида топшириқларни бажарувчи батальон жангчилари бир-бирларига ишонмасдилар. Ҳамкасб, бир идоранинг одамлари бўлишларига қарамай, бир-бирларига панд беришдан, хоинлик қилишдан ва орқадан туриб ўқ узиб қолишларидан қўрқадилар. Шу кун эрталаб бўлиб ўтган ҳодисадан ҳаммалари дашшатга тушишди. Канал суви тўхтатилганидан кейин шу ерга яқин жойда 15 нафар қийноққа солинган ва қўл оёқлари сим билан маҳкам боғлаб ташланган кишилар жасадини кўриб қолдилар. Улардан тўрт нафари ички ишлар бошқармасининг ходимлари эканини таниб қолишди.

Бу жойларда урушнинг янги босқичи чоршанба — 2 сентябрь кунини бошланиб кетди. Шу кунини Президент тарафдорлари вилоят ижроия комитети биноси олдига майдонга тўпландилар. Уларнинг кўпчилиги Кўлобдан чиққан кишилар эди. Шундан кейинги воқеалар эса қўйидагича тарзда давом этди.

Кўлоб бошлиқларидан бири бўлган Сангак Сафаров нутқ сўзлаб турган пайтида мухолафатдаги қуроли отрядлар митингга тўпланганларни ўраб олдилар ҳамда уларга қарата ўт очдилар. Шу воқеани ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг таъкидлашларига қараганда, бунга жуда пухта тайёргарлик кўрилган. Айни бир вақтда мухолафатчилар зирҳланган машина кўмагида шаҳардаги энг асосий жойларни ишғол қилдилар. Мерганлар эса кўп қаватли иморатларнинг тепасига ва тураржойларнинг деразалари ортига ўрнашиб олдилар. Бу ерга тўпланган кишиларнинг бир қисми майдондан қочиб вилоят ижроия кўмитасининг биносига яширинди, одамларнинг қолган қисмини бошқа томонга ҳайдаб кетдилар. Қишлоқ кўчаларида отишма бошланиб кетди. Шундан кейин ўз-ўзини ҳимоя қилиш учун тузилган отряд жангга киришга мажбур бўлиб қолди. Орадан кўп вақт ўтмай унга худди шундай яна бир кичик гуруҳ келиб қўшилди. Лекин бари бир кучлар тенг эмаслиги шундоқ кўриниб турарди. Ургутни қўлда сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Минглаб қочоқлар Россия полкидан ҳимоя истаб, шу полк жойлашган манзилга туташиб кетган Ломоносов қишлоғи томон йўл олдилар. Бу ерда бошпанасиз қолган ўн мингдан зиёд киши тўпланди. Улар орасида тожиклар, ўзбеклар, татарлар, қирғизлар ва руслар бор эди. Қишлоққа кириладиган йўлни рус офицерлари қўриқлаб турдилар.

Аҳвол ниҳоятда оғир эди. Ўша кунлари шаҳарда тўхтовсиз жанглар давом этиб турарди. Мухолиф отрядлар ўз муваффақиятларини мустаҳкамлаб олмоқда эдилар. Шаҳар бир қанча районларга бўлиниб, уларнинг ҳар бирида "тозалаш" тадбирлари ўтказилди. Аввалига биз кичик-кичик автоматчилар гуруҳлари пайдо бўлганини, ундан кейин эса атрофи зирҳ билан қопланган КАМАЗ машиналарини кўрдик. Машиналарга ўрнатилган пулемётлардан аллақадарга қараб ўқ отиб туриларди. Улардан кейин қуролланган кишилар саф бўлиб кела бошлади. Улар уйларга кириб, хоналарни тинтишар ва одамларни "ўзлариники" ва "бегоналарга" ажратишарди. Полк офицерлари билан аскарлар белгиланган позицияни эгаллаб, уларни кузатиб турдилар. Лекин можарога ара-лашмадилар. Қисми мерганлар тобора кўпроқ қисувга ола бошлади. Кейинчалик маълум бўлишича улар тунги кўриш мосламалари билан ҳам таъминланган эканлар.

Лекин бари бир ҳар нарса бўлганда ҳам полк томонидан жавоб тариқасида бир марта ҳам ўқ отилмади.

Мухолафатчиларнинг отрядлари кириб келмаган биргина жой қолганди, у ҳам бўлса ана шу Ломоносов қишлоғи эди. Россия БТРлари мухолифчиларни бу ерга киришдан тўхтатиб турарди. Қишлоқда эса офицерларнинг оилалари ва қочоқлар бор эди. Бугун бу ерда ҳар бир квартирада 30—40 киши яшаб турибди. Хоналар ниҳоятда тиқилинчлиги устига-устак, уларда доим истиқомат қилувчилар қўрқув остида, ўзларини эртага нималар кутаётганини билишмайди. У ер-бу ерда турган қўриқчилар ҳам уларни тўла ҳимоя қилишга кафолат бермайди. Биз келган кунимиз номаълум кишилар прапоршик Қосимовнинг оиласини сўйиб кетишиди.

Бу ҳақда бизга унинг амакиси, у ҳам шу ердаги ракета дивизионининг прапоршиги, Мирзо Гулов шундай ҳикоя қилиб берди:

— Тўққиз нафар кишини ўлдирдилар, хотинимни, хотинимнинг отасини, ўғлимни, ака-укаларимни, куёвларимни сўйиб кетишди. Энг кичик гўдагимизнинг бош терисини шилиб олишпти. Биз кирганда ҳамма қора қонига беланиб ётарди. Кеч кириб қоронғу тушгунга қадар мен жасадларни олиб чиқиб кета олмадим. Чунки мерганлар уйни нишонга олиб туришган эди. Фақат кеч киргач бронетранспортерлар панасида уйга киришга муваффақ бўлдим. Энг даҳшатлиси шундаки, бу воқеалардан жияним ҳали мутлақо беҳабар. У ўзи хизмат қилаётган жойдан — Германиядан бугун-эрта қайтиб келадиган...

Кечқурун эса ўзини халоскорлик Иттифоқи вакили деб таништирган бир номаълум кимса полк командирига қўнғироқ қилиб бундай деди: "Сизнинг ҳарбийларингиз БТР билан келиб бутун бир оилани қириб кетдилар. Бу ҳақда биз ҳаммага сўзлаб бердик. Энди қилган ишингиздан пушаймон бўлишингиз турган га".

Бугунги кунда шаҳарда на ҳокимият бор ва на адолатли суд бор. Қурбон бўлган кишиларнинг аниқ сонини ҳеч ким айтиб бера олмайди. Кўчаларда ётган кўп жасадлар ҳали йиғиб олинмаган. Кўчаларда ва ариқларда мурдалар ётибди. Улар кишиларнинг шундоқ кўз ўнгиде жазирама иссиқдан айниқ бошлаган. Юзлаб кишилар бедарак йўқолган. Улар ўлдирилган ёки гаровга олиб кетилганми, ё бўлмаса талаб ишпийдам қилиб кетилган

уйларнинг ертўлаларида яшириниб ётибдими, буниси номаълум. Шаҳарда ёнғин, талон-торож авж олган.

Вилоятда ҳам аҳвол яхши эмас. Бир вақтлар серунум, серҳосил гўзал Вахи водийси бугунги кунда хароб қилинган дейиш мумкин. Бу ерда тўхтовсиз жанг кетмоқда. Узумзорлар пайҳон қилинган, уй-жойлар таланган, қишлоқлар ёнғин остида қолган. Бу ерда ҳам қийнаб-азоблар ўлдирилган, таниб бўлмас ҳолга келиб қолган кишиларнинг жасадлари юзлаб топилади. Ҳаммаёқда қуроолланган, кимга бўйсунушининг тайини йўқ кишиларни учратамиз. Биз мана шу водий бўйлаб Ломоносов қишлоғини ташқи олам билан боғлаб турган энг сўнги йўл ҳисобланган торгина бир йўл билан Калининобод шаҳаридаги бирлашган касалхона томон боряпмиз.

Кеча бу касалхонага 23 нафар, бугун 14 нафар оғир ярадорни олиб келишган. Жарроҳ Юсуп Мизиров бизга жарроҳхонани кўрсатди. Уч беморни операция қилишяпти, яна икки беморнинг оёғи кесиладиган. Бу ёқдан тўхтовсиз янги-янги ярадорларни олиб келишмоқда. Жарроҳлик столларининг бирида бизни кузатиб келган Жумахон Эргашев дафъатан ўз акаси Кабирни таниб қолади. Унинг яраси жуда оғир ва энг даҳшатлисиди — ўқ унинг кўзига теккан. Ёшигина ҳамшира қиз бизнинг қўлимиздан тутиб палаткага бошлайди. Бу ердаги қара-вотлардан бирида бир йигитча ётибди.

— Бу менинг ўғлим, — дейди у ва чойшабни кўтаради.

Ётган боланинг ўнг қўли кесиб ташланган. Уч яшар Ингон Давронов эшикни очган пайтида эшикни тақиллатган кишилар автоматдан ўқ узадилар. Унинг ёнида ҳаммаёғи тилка-пора бир ўсмир ётарди. Уни йўлдан олиб келтиришди.

Бу ерларда мисли кўрилмаган жаҳолат изларини ҳар қадамда кўриш мумкин эди. Шундай тасаввур ҳосил бўлардики кишида, гўё бу ерда тирик одамларни қийнаб ўлдиришга устаси фаранг кишилар иш кўрарди. Улар одамларнинг бош терисини шиладилар, уларни бичадилар, энсасидан тешик очиб тирик одамнинг мия қатигини тортиб оладилар, тирноқларини суғурадилар. Хуллас, жанговар ҳаракатларда ҳарбий ишга яхши тайёргарлик кўрган ёлланма аскарлар иштирок этмоқдалар. Афғон отрядлари ҳам жанг қилмоқда. Улардан жангда ўлдирилган жангчилардан бирининг ҳужжатларини қўлга кири-тишига муваффақ бўлдик..."

Юқорида келтирилган бу гаплар сентябрь ойининг бошларида "Известия" газетаси мухбирлари репортажидан олинган парчалардир. Ўзтибор беринг-а, ўша қонли воқеалар бўлиб ўтган кунлардан буён орадан тўрт ой вақт ўтди, жуда кўп нашрларнинг саҳифаларида Тожикистондаги фуқаролар уруши тўғрисида у ёки бу даражада аниқ маълумотлар берадиган дастлабки материллар босилиб чиқди. Лекин уларнинг ҳеч бирида бу урушда ким — кимга қарши урушяпти, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрилмаган.

Шунинг учун миллий ҳалокатнинг сабабларини тушуниб олиш унинг моҳияти нимада эканлигини билиб олиш мақсадида бир оз орқага қайтишга, яқин тарихий ўтмиш-ни эслашга тўғри келади.

Тоғли ўлкада бўлиб ўтган қонли воқеаларнинг бошланishi Душанбе шаҳрининг марказидаги Шаҳидон майдо-нида 1992 йил апрель ойида бошланган митингдан деб ҳисоблаш расм бўлган. Расман олганда шундай. Лекин Тожикистон фожиасининг заҳарли ва даҳшатли уруғлари унинг тупроғига бу воқеалардан анча илгари ташланган эди. Ун минглаб кишиларнинг ҳаётини қурбон қилган фуқаролар уруши уруғлар ва гуруҳлар ўртасида анча олдинроқ бошланган бир-бирига қарши туришнинг, кейинроқ эса ислом ақидапарастларининг қонуний сайланган ҳукуматга қарши олиб борган курашларининг оқибати бўлди. Бу уруш ҳаёт-мамот уруши бўлди. Унда мисли кўрилмаган даҳшатли ва ваҳшиёна усуллар қўлланди — буни ҳокимият учун олиб борилган курашнинг мантиқий якуни дейиш мумкин.

Агар гап Тожикистондаги фуқаролар урушининг ҳақиқий сабаблари тўғрисида борадиган бўлса, бу ерда фақат битта хулоса чиқариш мумкин — бу икки мафкура ўртасидаги кураш эди. Бу ерда ақидапарастлик мафкураси билан дунёвий давлат мафкураси ўртасида кураш борди. Унинг қонуний натижаси шундан иборат бўлдики, республика халқи 70 йил мобайнида тараққиётнинг дунёвий йўлига хос бўлган барча афзалликларини баҳолади ва шу йўлни ҳимоя қилди. У орқага, ўртаасрчилик жаҳолат-парастлигига қайтишга ундаб ниҳоятда бешафқат ва ваҳшиёна усуллар қўлланилганига қарамай, мана шу йўлни ҳимоя қилиб қолди. Шу гапларнинг ҳаммасини умумлаштириб айтадиган бўлсак, Тожикистон ўзига хос синов

майдони бўлди, ўз йўлини ўзи белгилаб олаётган Марказий Осиёдаги ёш давлатлар нечоғли мустақамлигига бир синов бўлди.

Аввалги тузум даврида Тожикистонни ҳамisha "бир чеккадаги тинч ўлка" деб ҳисоблаб келинар эди. Бу ерда чиндан ҳам миллатлараро ва иқтисодий соҳаларда жиддий муаммолар мавжуд эмас эди. Собиқ марказда мана шундай манзарани кўз олдига келтиришга ҳаракат қилишар эди. Ушбу манзарани вужудга келтириш учун бу томонларга марказлашган тартибда маблағлар, мутахассислар юборилар, улар асосан энергетика гигантларини қуриш билан машғул бўлар эдилар. Бироқ 80-йилларнинг ўрталарига келиб биринчи ташвишли сигнал эшитилди. Ўшанда республика иқтисодиётида бўҳронли ҳодисалар кучая бошлади, бюджетдаги камомад эса тобора ортиб бормоқда эди.

Бунинг сабаблари кўп жиҳатдан ушбу минтақадаги бошқа республикаларда бораётган жараёнларга ўхшаб кетар эди: мол етказиб берувчилар билан иқтисодий алоқалар тобора кўпроқ узилиб бормоқда, барбод бўла бошлаган СССРда бошланган сиёсий бўҳроннинг аломатлари аниқ кўриниб қолган эди. Буларнинг ҳаммаси оддий кишиларнинг ҳаётига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатар эди. Турмуш даражаси кескин даражада пасайиб кетди, ишсизлар пайдо бўлди. Адолат юзасидан шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бундай ишсизлар Тожикистонда илгари ҳам доим кўп бўлиб келган. Аҳолининг ҳаддан ташқари зич жойлашганлиги, унумдор ерларнинг ниҳоят даражада етишмаслиги, Помирда, Кўлоб, Қўрғонтепа вилоятларида ва Гармдаги районлар группасида саноатнинг амалда мутлақо йўқлиги минг-минглаб ёш йигит-қизларга ўз куч-ғайратларини ишга солишга имкон бермас эди.

Буларнинг ҳаммаси омма ўртасида норозилик келтириб чиқариши табиий эди. Турли объектив ва субъектив сабабларга кўра республика раҳбарияти ҳам бу муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас эди. Ўша кезларда Тожикистон Компартиясининг биринчи секретари К. Маҳкамов эди.

У асли Ленинобод вилоятидан бўлиб, анча билимдон иқтисодчи, табиатан юмшоқ ва кўнгулчан одам эди. Унинг атрофидаги кишилар бундан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Москвадан жуда катта ваколатлар билан ушбу

тоғли ўлкага юборилган республика Марказий Комитетининг иккинчи секретари П. Лучинский ҳам бу ерда бўҳронли тамойиллар ортиб боришига ўз "улушини" қўшди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш унинг ваколатларига кирар эди. Уруғчилик удумлари кенг қулоч ёзган Тожикистонда эса юқори лавозимларга одамларни тайинлаш, реал ҳокимиятга эга бўлиш жуда юқори баҳоланар эди. Бундан беҳабар, маҳаллий анъаналар билан яхши таниш бўлмаган ва бу ернинг ўзига хос хусусиятларини билмайдиган москвалик вакил анчайин ноҳўя ишлар қилиб қўйди.

Лекин адолат юзасидан шуни таъкидлаб ўтиш керакки, у қўшни Ўзбекистонда бўлгани сингари бу республикада "пахта иши" сингари шов-шувга сабаб бўлган жараёнларга йўл қўймади. Буни эътиборга олмай бўлмайди.

Маълумки, Шарқнинг ўзига хос нозик томонлари бор, Лучинский эса ҳокимият учун курашнинг барча машмашаларини яхши тушуниб олмади. У ўзи билиб-билмай кадрлар танлашдаги қарор топган мувозанатни бузиб қўйди, бу эса сиёсий курашнинг кучайиб кетишига олиб келди, республиканинг жанубида ҳам, шимолида ҳам норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлди. К. Маҳкамов эса иккинчи секретарнинг қилаётган ишларига қаршилик кўрсата олмади. Худди ана шу муросасозлик позицияси ва "марказ"дан келган вакилга қарши туришдан чўчиш тобора кучга тўлиб бораётган мухолафатга Кремлнинг Тожикистонга раҳбарлик қилишга қодир эмаслиги тўғрисидаги баёнот билан чиқиш учун баҳона бўлди.

Охир-оқибатда бу чуқур сиёсий ҳокимият бўҳронига олиб келди. Бошқарувнинг энг юқори эшелонларида бир-бирига бўлган шахсий адоват, орани бузиш ҳоллари авж олиб кетди, раҳбарлар бир-бирларини мутлақо тушунмайдиган бўлиб қолдилар. Ўн йиллар мобайнида вужудга келтирилган давлат тизими 1990 йил февраль ойида Душанбе шаҳрида кучли зарбага учраб зил кетди.

Сиёсий ҳаётда бўшлиқнинг бўлиши эса амалда мумкин эмас. Республикада асосан зиёлилардан ташкил топган мухолафат фаоллик билан шакллана бошлади. Унинг асосий марказларидан бири Кўлобдаги "Юзма-юз" деб аталган Сиёсий клуб бўлди. Бу ерга партия ва комсомол ходимлари, кўзга кўринган функционерлар келиб туришарди. Улар оммавий ахборот воситаларига катта таъсир

кўрсатиш кучига эга бўлганликлари сабабли, ўз қўлларида мавжуд бўлган фош қилувчи ҳар хил материалларни дастак қилиб "инқирозга учраган" раҳбариятни олиб ташлашга очикдан-очик даъват эта бошладилар.

Бошқа жойларда бўлгани сингари, бу ерда ҳам янги шароитда тожик халқининг миллий ўзлигини англаши кучайиб борди. Партия ва совет органлари, гарчи айрим тавсиялар берилган бўлсада, бу вазиятдан фойдалана билмадилар ва халқнинг эркинликка чиқиб олган ана шу куч-ғайратини бунёдкорлик сари йўллай билмадилар. Омма фаоллигининг уйғонишини мухолафат ўз хизмати қилиб кўрсата бошлади, республика раҳбариятини омма олдида Россия ва Кремль манфаатларининг ифодачиси сифатида кўрсатди ва бошқа шу сингари ишларни амалга ошира бошлади. Ҳокимият тизимларини она тилини, тарихни ва маданиятни яхши билмасликда айбловчи мақолалар пайдо бўла бошлади. Раҳбарият вакиллари мухолафат етакчилари билан кескин баҳс-мунозарага киришишдан ҳайиқдилар ва бу билан жангга кирмасдан туриб жангда ютқизиш қўйдилар.

• Тожикистонда демократик ўзгаришларнинг энг фаоллари орасида Рустам Абдураҳимов ҳам бор эди. У Сиёсий клуб ташкилотчиларидан бири ҳисобланарди. Ундаги озодлик туфайли қўлга киритилган тантанавор қайфият тезда ўтиб кетди. У энди ислом ақидапарастлари учун демократик партиялар ва ҳаракатлар ғаразли мақсадларга эришиш йўлида бир восита бўлиб қолганлигини аниқ англай бошлади. Кейинчалик Абдураҳимов бундай деди: "Мухолафат Тожикистонда террорга 1978 йилдан бошлаб тайёргарлик кўра бошлаган. Қозикалон ҳамма масжидларга ўз тарафдорлари бўлган ваҳобийларни ўтқазиб, уларнинг аксариятини ақидапарастларнинг таянч пунктларига айлантириб олди. Масалан, фақат биргина масжидда икки юз шиша ёндирувчи суюқлик, автомат қурол, жуда кўп миқдорда валюта сақланаётганлиги аниқланган. Мисол учун мулла Абдуғаффор қотиллар ва гиёҳвандларни тарбия қилган".

Рустам Абдураҳимовнинг ўзи 1992 йил октябрида масжид ичида ваҳшийларча ўлдирилган. Ақидапарастлар ўзларининг ғоявий рақибларидан шу тариқа ваҳшиёна ўч оладилар.

Уни анча вақтгача кузатиб юрадилар. Жуда кўп эҳтиёт чоралари кўрилган бўлишига қарамасдан, Абдураҳимов бари бир ақидапарастлар чангалига тушиб қолди. Уни масжидга олиб келдилар. Аввал қўлларини кесиш олдилар. Чиққан қонни тоғорага оқизиб турдилар, сўнгра уни ичишга мажбур қилдилар. Шундан кейин унинг кўзларини ўйиб олдилар. Сўнгра автоматдан ўт очиб, ўқлар билан унинг баданида хоч ясадилар ва: "Сен русларга сотилдинг. Мана сенга уларнинг хочи!"— деб бақирдилар. Улар ўзларига қарши бош кўтарган кишилардан шундай ўч олардилар.

...Анъана бўйича Б. Ғафуровдан бошлаб республика биринчи раҳбари қилиб ривожланган Ленинобод вилоятининг вакили сайланиб келинарди. Чунончи сўнги 30—40 йил ичида Хўжанддан чиққан кишилар Марказий Комитетнинг биринчи котиби бўлган эдилар. Бундай анъана бошқа яна бир қатор юқори лавозимларга ҳам тааллуқли эди. Жанубнинг вакиллари раҳбарлик тизимларида бу қадар кўп ўринларни эгалламас эдилар. Маълум вақт ўтгунга қадар улар бундай аҳволга чидаб келдилар. Бунинг устига ҳали уларнинг орасида бир оз бўлса ҳам кўзга ташланадиган шахслар амалда ҳали етишиб чиқмаган эди. Бироқ 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошига келиб Тожикистон жанубидаги аҳоли ўртасида ўн йиллар мобайнида таркиб топган бундай аҳволдан норозилик тамойиллари кучайиб борди. Бу тамойиллар айниқса зиёлилар ўртасида авж олиб кетди. Ҳокимиятнинг юқори поғоналарига чиқиб ўрнашиб олган ҳамюртлари уларнинг бу интилишларини доимий равишда қўллаб-қувватлаб турдилар. Бу билан улар ўзларининг ҳам позицияларини мустаҳкамлаб олиш умидида эдилар. К. Маҳкамовнинг кадрларни бир лавозимдан иккинчи лавозимга ўтказиш орқали бундай тазйиқни бўшаштириш йўлидаги суст уринишлари кутилган натижани бермади. Аксинча ўзларини камситилган деб ҳис қилган жанубликлар бундай доимий адолатсизликдан норози бўла бошладилар. Натижада шимол билан жануб ўртасидаги қарама-қаршилик камайиш ўрнига тобора кучайиб борди. Ўшанда, тўқсонинчи йилнинг феврида қонли тўқнашувларнинг олдини олиб қолишга муваффақ бўлинган эди. Бироқ мухолафат маҳфий ишлаш шароитига кўчди, ўз сафларини қайтадан

тузди, янги стратегия ишлаб чиқди. Бунда аниқ мақсад — ҳокимиятни эгаллаб олиш мақсади белгилаб олинган эди!

Бу даврга келиб Тожикистонда бир қанча қудратли сиёсий партиялар ва ҳаракатлар шаклланиб қолди. "Рас-тохез" деб аталган миллий маданият, тил ва анъаналарни қайта тиклашни ўзига шиор қилиб олган ҳаракат ана шуларнинг бири эди. У асосан ёш зиёлиларни ўз сафларида бирлаштирганди. Худди мана шу ҳаракатнинг етакчилари Бухоро ва Самарқанд ҳудудлари кимга қарашли эканлиги тўғрисидаги масалани фаол кўтариб чиқа бошладилар, улар бу шаҳарлар аслида тожикларга тегишли жойлар бўлиши керак деган фикрни билдирдилар. Тожикистон демократик партияси ҳуқуқий демократик дунёвий давлатни тузиш шиори остида чиқди. Ўз сиёсий мақсадларига эришиш учун бу партия қаттиққўллик ва зўравонлик сиёсатини қўллашни рад этди. Тоғли Бадахшон мухтор вилоятида яшайдиган аҳоли "Лаъли-Бадахшон" деган ҳаракат байроғи остида чиқди. Уларнинг сиёсий мақсадлари жуда аниқ бўлиб, Тожикистон раҳбариятида юқори лавозимларни эгаллаш учун кураш олиб боришдан иборат эди. Мана шу партиялар ва ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳам давлат томонидан расмий мақомга эга бўлганди. Бироқ ана шу сиёсий ташкилотларнинг ҳар бири Ислом уйғониш партияси (ИУП)нинг кучли таъсири остида эди. Ислом уйғониш партиясининг рўйхатдан ўтказилишига К. Маҳкамов ўз вақтида қатъиян қарши чиққанди. Кўп сонли аъзоларига ва жуда катта молиявий маблағга эга бўлган ИУП ўз олдига фақат битта вазифа — Эрон тимсолидаги ислом давлатини тузиш вазифасини қўйган эди.

СССРнинг парчаланиб кетиши Тожикистондаги сиёсий муҳитга айниқса кучли таъсир кўрсатди. 1991 йил август ойига келиб К. Маҳкамов ГКЧПни қўллаб-қувватлашда "айбланади" ва у Президент лавозимидан истеъфога чиқишга мажбур бўлади. Ана энди мухолафатда ҳокимиятни эгаллаб олиш учун реал имкониятлар пайдо бўлади. Лекин уларга энди етакчи зарур эди. Бу етакчи бетараф одам бўлиши керак эди. Бундан ташқари, бошқа яна бир муҳим шартга ҳам риоя қилиш керак бўларди — ҳокимиятнинг энг юқори лавозимини республика шимолидан чиққан киши анъана бўйича эгаллаши зарур эди. Улар бу лавозимга Раҳмон Набиевни танлайдилар. Етакчи партия

ва ҳаракатларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли у республика Олий Кенгаши ноибни этиб сайланади. Оммавий ахборот воситалари уни Тожикистоннинг тўла мустақиллиги учун, унинг халқи фаровонлиги учун кураш олиб бораётган шахс қиёфасини яратишга фаол киришиб кетдилар. Барча мақолаларда иродасиз К. Маҳкамовнинг ўрнига кучли Р. Набиев раҳбар бўлиши керак деган аниқ бир фикр ифода этилар эди. Шубҳасиз, қозият ва Ислом уйғониш партияси Набиевга жиддий мадад бериб, уни қўллаб-қувватлаб турдилар. Ўтиш даврида Р. Набиев бу партияларга маъқул келарди. Ўша вақтдаёқ бир нарсга ҳаммага аён эди: Набиев Тожикистонни қайтадан қуришга киришган кишилар учун бир восита холос. У фақат ўтиш давридагина раҳбар киши ролини ўйнаши ва ундан кейин раҳбарликдан кетиши керак эди.

Бироқ мақсад қўлга киритилган заҳоти ва К. Маҳкамов Президент ваколатларини ўзидан соқит қилиши билан мухолафат Р. Набиевдан ҳам юз ўгирди. Бу билан у гўё "бу ерда ким хўжайинлигини", ҳақиқатда ҳокимиятга ким бошчилик қилаётганлигини унга кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Ислом уйғониш партиясини рўйхатдан ўтказишга ёрдам кўрсатиб, Р. Набиев ўз ролини бажариб бўлган эди. Энди сиёсий чўққига чиқиб олиш учун йўл очиқ эди. Лекин бари бир ақидапарастлар парламентни "енгиш"га муваффақ бўла олмадилар. Ўшанда парламентга раҳбарлик ўрнини Раҳмон Набиев эгаллади. Ўша заҳоти Душанбе шаҳрининг майдонларида митинглар ташкил этилади. Бунинг устига худди команда берилгандек, аслида ҳам шундай бўлган эди, шаҳарда олис қишлоқлардан олиб келинган одамларни жойлаштириш учун палатка тикиб шаҳарчалар вужудга келтирилади. Бу иш қанчалик яхши уюштирилганлигини қўйидаги фактдан ҳам аниқ кўрса бўлади: ҳар бир районнинг "командалари" майдонда фақат ўзлари учун белгилаб қўйилган аниқ жойни эгаллагандилар.

Р. Набиев нима учун мухолафатга ёқмай қолдийкин? — деган савол туғилади. Бу саволнинг жавоби сиёсий кучларнинг жойлашишида яширинган эди.

У — шимоллик эди, у ерда эса ақидапарастлик ғояларининг таъсири унчалик кучли эмасди. Тараққиётнинг эронча йўлидан бориш истиқболлари, Афғонистон, Эрон билан иттифоққа кириш ленинободликларда асосли ра-

вишда ташвиш туғдирмоқда эди. Бу ерда худди шахматдаги потга ўхшаш бир вазият вужудга келиб қолган эди. Ушбу вазиятни бартараф қилиш учун Россия раҳбариятининг топшириғига биноан А. Собчак билан Е. Велихов тоғли республика пойтахтига келадилар. Ҳозир, орадан бирмунча вақт ўтганидан кейин, беҳато айтиш мумкинки, уларнинг "тинчликсеварлик сафари" акс таъсир кўрсатди, улар бу ерда рўй берган вазиятни тушуниб етмадилар ва уни ҳал қила олмадилар. Россия Президентининг вакиллари асосан мухолафатни қўллаб-қувватлаб чиқдилар, уни коммунистларга қарши курашда фаол демократик ҳаракат деб билдилар. Ақидапарастларнинг тарафдорлари бундан тезда фойдаландилар. Улар А. Собчак ва Е. Велиховнинг баёнотларидан ўзларига керакли бўлган, ўз позицияларини мустаҳкамлайдиган жойларини "юлиб олиб", фаол тарғибот ишларини авжга миндирдилар. Бу тарғибот: Россия бизнинг тарафимизда!— деган бирдан-бир маънони англатарди.

Бу сафар олий лавозимга Олий Кенгаш раисининг ўринбосари, Тоғли Бадахшон мухтор вилояти кенгашининг раиси Акбаршо Искандаровни сайлаш мўлжалланди. Ақидапарастлар эса бу билан мағрур жангари помирликлар сиймосида келажакда ўзлари учун ишончли таянчга эга бўлиш истагида эдилар.

Тожикистон Президенти сайловлари олдидан кучлар тақсимоли мана шу тахлитда эди.

Олий сиёсий ҳокимият учун кураш марафонида Тожикистонда анча номи чиққан яна бир киши — Давлат Худоназаровга ҳам сезиларли роль ажратилган эди. Таниқли кинорежиссёр, собиқ СССР халқ ноиб, Россиянинг ҳозирги жуда кўп раҳбарлари бир вақтлар аъзо бўлган минтақалараро ноиблар гуруҳининг аъзоси бўлган бу киши ўз ватанида принципиал ва куч-ғайратли жамоат арбоби қиёфасида кўринишга ҳаракат қилар эди. Марказий, кейинчалик Россия оммавий ахборот воситалари ҳам бу ишда унга кўп жиҳатдан кўмаклашдилар. Бўлиб ўтган воқеалар тафсилотига қараганда, бунда унинг СССР кинематографчилар Уюшмасининг Раиси лавозимига сайланиши ҳам катта роль ўйнаган. Тожикистондаги сайлов олди кампанияси давомида бу арбоб илгари каттагина "коммунистик тажриба"га эга бўлган Р. Набиевга доимий равишда қарама-қарши қўйиб келинди.

Хўш, Д. Худоназаров Тожикистон раҳбари бўла олар эдими? Бунга ишониш қийин! Чунки у бир қанча тактик хатоларга йўл қўйди. Асли Помирдан чиққан Худоназаров Ислому йўғониш партиясининг раҳнамолигидан фойдаланди, бинобарин жанубликларнинг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланиб турди. Ундаги ўз кучига ортиқ даражада ишонч, шимолнинг таъсирига етарлича баҳо бера билмаслик, кўзга кўринган раҳбар шахсларга ишониб ўрганган асосий тожиклар оммасининг фикри билан ҳисоблашмаслик 1991 йил 24 ноябрида унинг Тожикистон Президенти кабинетини эгаллашига имкон бермади. Мустақил давлатнинг бошлиғи бўлиш учун унинг ўтган йилги иккинчи бор уриниши ҳам муваффақиятсиз чиқди. Июль ойида Д. Худоназаровнинг ҳаётига суиқасд қилинади. Юк автомобили унинг енгил машинасига келиб урилади. Лекин бахтли тасодиф туфайли у ўша куни машина ичида йўқ эди.

Ушбу суиқасд тўғрисида икки хил тахмин бор. Биринчиси — бу ишни ИУПнинг жангарилари уюштирган деган тахмин, чунки улар учун демократик кайфиятдаги иттифоқдошлари ўз ролини ўйнаб бўлган ва энди ортиқча юк бўлиб қолганди. Иккинчиси — бу фалокат Худоназаровнинг тарафдорлари томонидан уюштирилган, чунки сайлов олди кураши мобайнида улар бу ишни Худоназаровнинг сиёсий обрўйини кўтариш мақсадида кўзлаб қилганлар, деган тахмин ҳам бор. Сирасини айтганда бу Россияда ва ундан бошқа жойларда ҳам жуда пухта ишлаб чиқилган усул эди...

Шундай қилиб, мухолиф кучларнинг қаттиқ қаршилиқ қилишига қарамасдан, ноябрь ойининг охирида Раҳмон Набиев Тожикистон Республикасининг қонуний равишда сайланган Президенти бўлади. Кўзланган мақсадга эришилганди. Энди ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарор қилиш тадбирларини кўриш лозим эди. Бироқ худди шу масалани ҳал қилишга келганда янги тожик раҳбарининг ҳақиқий қиёфаси рўйирост намоён бўлди. У ҳокимиятни қўлга олганидан кейин илгари ўзи бир неча бор синаб кўрган усул, яъни "биринчи"нинг иродасига сўзсиз бўйсунуш усулига амал қилишини кўзлади. Чунки у замонларда тузумнинг ўзи Республика ҳаётининг турли соҳаларида ишнинг боришини ишончли равишда таъминлаб берар эди. Бундай ширин хаёлларни теварак-атрофда

содир бўлаётган воқеалар кун-паякун қилиб ташлади. Вазият тубдан ўзгарган эди. Энди ҳаёт раҳбарлик постида шу ўринга муносиб бўлган ақлли, қаттиққўл, бутун вазиятни ўз қўлига олиб, маҳкам ушлаб туришга қодир киши бўлишини талаб қиларди. Набиев ўз характерига кўра ҳам, билими ва ташкилотчилик қобилиятига кўра ҳам мана шундай янги шароитларда ишлаш учун тайёр эмас эди.

Ҳар доим ўз фикрини ўзгартириб турадиган, теварак-атрофидаги одамларнинг ўзига садоқат кўрсатишини ҳаммадан юқори қўядиган бу одам ишни лавозимларга ўз қариндош-уруғларини ва ошна-оғайниларини тайинлашдан бошлади. Барча даражадаги йиғинларда у ҳар доим Тожикистонда бир-бирига қарама-қарши кучлар пайдо бўлиши учун ҳеч қандай асос йўқ, Республикадаги ҳаёт нормал равишда бир маромда кечмоқда деб таъкидларди. Гапиришга гапирардию, бироқ республикадаги вазият ниҳоятда кескинлашиб бораётганлигини, мухолафат тўхтовсиз "очко"лар тўплаётганлигини, мачитларда қурол йиғилаётганини, жангарилар тайёрлаш учун шитоб билан ҳозирлик кўриляётганини, Афғонистондан, Эрондан, Саудия Арабистонидан турли хил "ёрдам": автоматлар, граната ирғитгичлар, пуллар, йўриқномалар тинимсиз равишда келиб турганлигини ҳам яхши билар эди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари унга бир неча бор мурожаат этиб, Душанбени ва республика жанубидаги бошқа шаҳарларни Эрон ва Афғонистондан келган шубҳали тижоратчилар босиб кетганлигини хабар қилган эдилар. Уларнинг қўлида жуда кўп миқдорда моддий маблағ ва бошқа воситалар тўпланган эди. Ҳар бир китоб дўконидан, тоғли ўлканинг ҳар бир савдо нуқтасидан арзон баҳода оятилло Хумайнийнинг суратини, унинг "доно насиҳатлари"ни сотиб олиш мумкин эди. Умуман эронпарастлик кайфияти жамиятнинг барча қатламларига сингиб бормоқда эди. Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинганидан кейин зиёлилар ўртасида бир оз эронча-форсча лағчада гапириш удум бўлиб қолди.

Яққол кўзга ташланиб турган миллатчилик кайфиятлари ҳам, келиб чиқиши ва уруғга мансублигига қараб табақаланиш кучайиб бораётганлиги ҳам бефарқ раҳбарни ташвишга солмади. Гармликлар, помирликлар республикада катта мавқени ўзлари мутлақ эгаллашга даъвогар

бўлиб чиқа бошладилар. Улар пойтахтда, Қўрғонтепа, Кўлоб вилоятларида шимолдан бўлган кишиларни сезиларли даражада сиқиб чиқара бошладилар, одатдагидек, савдо соҳасида, тақсимлаш тизимларида муҳим лавозимларни эгаллаб ола бошладилар. Жанубий туманлардан келган тожикларнинг алоҳида роли тўғрисидаги баёнотлар тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди. Уларни сал бўлмаса бутун миллатнинг халоскорлари деб аташгача бориб етдилар. Юқори малакали мутахассислар ҳисобланган шимоллик тожикларга, одатда, келгиндилар, худди "бегона юртлардан келган" кишилар деб қарала бошланди. Ваҳолонки, авваллари айни шу шимолликлар ҳокимият тизимидаги азалдан таянч ҳисобланиб келган лавозимларда ишлаб келганлар.

Душанбе шаҳрида шаҳар транспортида кетаётганда шимолликлар учраб қолгудек бўлса, уларга очикдан-очик атилган: "Довон ошиб ўз юртинга жўнаб қол!" деган сўзларни эшитиш мумкин эди. Тожиклар тожикларни сиқиб чиқармоқда эди. "Миллатнинг софлиги" тўғрисидаги гаплар тобора кучлироқ эшитила бошлади.

Сиёсатдонлар миллатни тобора кучлироқ гиж-гижлай бошладилар. Бундай ғаламисликларда ким ҳақ, ким ноҳақлигини билолмай хуноб бўлган халқ эса сукут сақлар эди.

Лекин бу янги гап эмас эди. Шимолдаги қўшни бўлган Ўзбекистоннинг "экспансиячилик сиёсати" тўғрисида бу ерда аллақачонлардан бери гапира бошлаган эдилар. Саксонинчи йилларнинг охирида Тошкент шаҳрида миллатлараро муносабатларга бағишланган минтақавий илмий конференция бўлиб ўтган эди. Унинг ишларида қатнашиш учун Душанбе шаҳридан нуфузли олимлар делегацияси келди. Ўша кезлардаёқ улар биринчи "жанг"ни бошлашга уринишган ва бу билан анжуманнинг барча иштирокчиларини ҳайратда қолдиришган эдилар. Уларнинг илгари сурган даъволарининг маъноси шундан иборат эдики, уларнинг фикрича 1924—1925 йилларда ўтказилган миллий-давлат чегараланиши адолатсиз бўлган эмиш.

Орадан йиллар ўтган сари даъволар ҳам кўпайиб борди. 1991 йилнинг охирига келиб Душанбе шаҳрида Раҳим Масовнинг "Калтафаҳмларча чегара ўтказиш тарихи" деган китоби катта тираж билан босилиб чиқади. Муаллиф бу китобда ниҳоятда ғаразли даъволар билан чиқади.

Муаллиф ана шундай ғаразли позициядан туриб таъкидлашича, гўё Ўзбекистон ҳудудида яшаётган тожиклар илгари ҳам сиқувга олиб келинган ва ҳозир ҳам камситиб келинаётган эмиш. Бу китоб тожик зиёлилари ўртасида жуда катта қизиқиш билан ўқилганлигига ва унга талаб катта бўлганлигига таажжубланмаса ҳам бўлади. Бундай асарни фақат Тожикистонда эмас, бошқа жойларда ҳам аллақачондан бери кутаётган кишилар бор эди. Хуллас буларнинг ҳаммаси битта занжирнинг ҳалқалари эди.

Хўш, тожикларнинг ўзларичи, улар нима дейдилар? Нима сабабдан мухолафатнинг етакчилари тожикларнинг алоҳида мавқелари тўғрисида, аллақандай аслзодаларга мансубликлари тўғрисидаги гапларни исботлашга уриниб ётибдилар? Ушбу саволга жавоб бермай туриб, республиканинг тараққиётини бир неча ўн йиллар орқага суриб юборган қонли фуқаролар урушининг сабабларини ҳар томонлама тўғри баҳолаш мумкин эмас.

Қолбуки, юқорида айтиб ўтилган гаплар мухолафат етакчиларига фақат ғирт тарғибот мақсадларида зарур бўлиб қолганлигини бу ерда айтиб ўтиш ўринли бўлув эди. Уларнинг ўзлари эса аслида бошқача фикр қиладилар. Кунлардан бир кун Шодмон Юсуфнинг оғзидан, тожик халқи деган гап йўқ, балки форс тилида сўзлашувчи аҳоли бор, деган гап чиқиб кетди...

Асосан Тожикистоннинг тоғли районлари ҳамда Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги жойлар ялписига тожик аҳоли яшайдиган вилоятлар ҳисобланади. Республиканинг қолган ҳудудларида тожиклар бошқа халқлар (ўзбеклар, қирғизлар, руслар) билан биргаликда яшайдилар. Республиканинг жануби-ғарбий қисмидаги пасттекисликларда ва тоғ этаклариди, Қоратегиннинг шарқида, шунингдек мамлакатнинг шимолида ўзга қабиаларга мансуб аҳоли сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этади. Тожикларнинг каттагина қисми Афғонистонда ҳаёт кечиради. Тожиклар Эронда, Шимолий Покистонда, Хитойда ҳам бор. Тожикистондаги этник ҳолатни тушуниш учун ана шу умумий миқдордан тоғли тожикларни азалдан ажратиб кўрсатилиши муҳим ҳисобланади. Улар ўз тили, дини, маиший турмуш шароитлари жиҳатидан пасттекисликда яшовчи тожиклардан анча фарқ қиладилар. Энг муҳими, помирликлар — исмоилийлар, қолган барча тожиклар эса суннийлар ҳисобланадилар. Ҳозирги Тожикистон доирасида бир

вақтлар Ўрта Осиёда ўзбек династиялари ҳукмронлик қилган даврларда бир қанча феодал мулклари — ўзбек ҳам тожик хонликлари ёки князликлари мавжуд бўлган. Ўтган асрнинг охирларига келиб Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганидан кейин тожик аҳолиси яшайдиган вилоятларнинг бир қисми (Ўртатепи, Хўжанд, Матчо, Фальгар) Тожикистонга ўтди, бошқа қисми (Кўлоб, Ҳисор, Қоратегин, Дорвоз) эса подшо ҳукуматининг кўмаги билан Бухоро амирлигига бўйсундирилади ҳамда 1921 йилга қадар мавжуд бўлган Бухоро хонлигининг алоҳида бир музофотини ташкил этади.

Бу вақтга келиб Помир яқинидаги районлар бирмунча бошқачароқ мавқени эгаллайди. Масалан, Ғарбий Помир ярим қарам бир қанча князликларга бўлинган эди. Ушбу ҳудудларни қўлга киритиш учун олиб борилган қаттиқ кураш бу ерда Россиянинг ҳукмронлигини ўрнатиш билан ниҳоясига етганидан кейин Россия билан Англия ўртасида узоқ вақт давом этган музокаралар бошланади. 1895 йилда Афғонистон ва Россиянинг Помирдаги чегарасини белгилаш тўғрисида Россия — Англия шартномаси тузилади. Ушбу шартномага кўра жуда катта масофада чегара Панж дарёси бўйлаб ўтади. Шу тариқа бир-бирига яқин қариндош-уруғ бўлганлар дарёнинг икки томонида, турли давлатлар ҳудудида қоладилар.

Тарих мана шундан иборат. Лекин ана шу тарихга баъзи саҳифаларни қўшиб ёзиш ҳеч қачон яхши натижаларга олиб келган эмас. Аксинча, миллий ўзлигини англаш туйғусини уйғотиш ниқоби остида ашаддий миллатчилик уруғлари сепилган, ўлкада жуда қалтис, фожиали вазият вужудга келтирилган, бундай вақтларда бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилган.

Шундай қилиб жанубдаги тожикларнинг аллақандай "алоҳида тоза ирққа" мансублиги, уларнинг ўзларини бошқалардан устун қўйишга уринишлари Тожикистондаги мухолафатчи партияларнинг аҳоли энг камбағал қатламларини ҳар хил мутаассиблик ғоялари билан заҳарлаб, ўз байроғи остига қўйишга, ўз раҳбарлари ундаган ваҳшиёна хатти-ҳаракатларга одамларни тайёрлашга интилишдан бошқа нарса эмас. Помирликлар азалдан пасттекисликдан иборат жойларда унчалик малака талаб қилмайдиган ишларни бажариб келганлар. Кун кечириш учун чойчақа ишлаб топиш мақсадида улар ҳар қандай ишни

қилаверишган: пахса девор урганлар, лой қориб ғишт қуйганлар, ер чопиб тирикчилик қилганлар. Тоғли районлар аҳолисининг энг камбағал қисми ва маълумоти нисбатан паст бўлганлар ўзларига яхши ҳаёт ваъда қилган ақидапарастларнинг шиорларига ҳаммадан кўра кўпроқ ишонганлар.

Шу ўринда тарихдан олинган баъзи бир фактларни эсга олиб ўтиш лозим бўлади. "Босмачи" номини олган тўдалар Помирда то 1936 йилга қадар ҳам мавжуд эди. Минг афсуски, Афғонистонда уруш бошлаб юборган собиқ Иттифоқ раҳбарияти учун мана шу мисолнинг ўзи ҳам сабоқ бўлиб хизмат қилиши керак эди. Бу ерда аҳвол бундан бошқача бўлиши мумкин эмасди. Ахир бир вақтлар бутун дунёнинг ва денгизларнинг ҳукмрони деб ҳисобланган Англия ҳам Помир тоғларида қақшатқич зарбага учраган эди.

Шу ерда рақамларга мурожаат қилиш ўринли бўлади. Бугунги кунда Тожикистон таркибидаги республика мақомини олган Тоғли Бадахшон мухтор вилояти саноат молларининг юз фоизини ва озиқ-овқат маҳсулотларининг саксон фоизга яқинини доимий равишда ташқаридан келтирган. Саноатнинг йўқлиги, инфраструктуранинг ниҳоятда суст ривожланганлиги тоғли минтақа аҳолисининг аксарият қисмини қашшоқлик ёқасига келтириб қўйди. Марказдан бериладигани кўп минг кишилик аҳоли эҳтиёжларини тўла қондириш учун старли эмас эди. Пул ишлаб топиш, доимий даромад манбаига эга бўлиш учун эса улар жуда қалтис, лекин ғоят кўп фойда берадиган иш — наркобизнес билан машғул бўлишларига тўғри келарди. Маълумки, ҳатто "ривожланган социализм" даврида ҳам бу ердан Россияга, Украинага ва Болтиқ бўйи республикаларига наркотик моддалар жўнатиб турилар эди. Уларни жўнатиш ҳам, умуман олганда, ҳеч қанақа муаммо туғдирмас эди. Кузги-қишқи даврда Дунё томига фақат вертолёт билан чиқиш мумкин эди. Лекин шу ерликларнинг ўзларигагина маълум бўлган, кўп марта синовдан ўтган маршрутлар — ёлғизоёқ йўллар ҳам мавжуд эди. Душанбе шаҳридан бу ерга келиб қандайдир текширишлар олиб бориш тўғрисида эса сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шимолдан чиққан раҳбарият ўжар ва ўз сўзлик тоғликлар қилаётган ишларни ҳар доим кўриб-кўрмасликка олишга ҳаракат қилишарди. Функционерлар-

нинг вазифаси эса битта: тоғли районларни турли моллар ва озиқ-овқат билан таъминлашдан иборат эди. Қолганига худо подшоий карим!

Лекин масалага бундай ёндашув помирликларнинг ўзларини қаноатлантирмай қўйди. Ижтимоий жиҳатдан камситилаётганликларини, фаол сиёсий ҳаётдан қандайдир ажралиб қолаётганликларини ҳис этиш уларда диний тусда яққол ифодаланган миллий ўзлигини англаш туйғусининг уйғонишига олиб келди. Хорог томондан Душанбедаги раҳбарият шаънига айтилган: "Башарти бизларнинг вакилларимизга юқори лавозимлар берилмас экан, бу ҳолда Тоғли Бадахшон қатъий чоралар кўришга мажбур бўлади!" — деган дўқ-пўписалар тез-тез эшитила бошлади.

Хўш, бундай дўқ-пўписалар билан нима дейишмоқчи эди ўзи? Помирликларда масалага ёндашишда, тактика ва стратегияда яқдиллик йўқ эди.

Тоғликлар куч-ғайратини бирлаштиришни, уларнинг вакилларини давлат ҳокимиятининг юқори поғоналарига олиб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган "Лаъли Бадахшон" ҳаракати мукамал ва ягона бир дастурни ишлаб чиқа олмади. Аслини олганда Дунё томининг сиёсатдонлари тараққиётнинг учта йўлини олға сурган эдилар. Бу — Тожикистон Республикаси таркибида тўла мухториятга эга бўлиш; Россия протекторатилигидан чиқиш (бу ерда улар яна тарихий далилларни келтириб найранг бошлаганлар ва унга ўтган асрнинг охирида тузилган Россия-Англия шартномасини асос қилиб олганлар); Эрон ва Афғонистонга ўхшаган давлат тузишни кўзлаб янги геополитик макондан жой олишдан иборат эди. Кучларнинг охириги жойлашуви тарафдорлари ҳаммадан ҳам кўпроқ бўлиб чиқди. Бу ерда ҳам ҳеч қандай тасодиф йўқдир. Ислом уйғониш партияси аллақачоноқ бу тоғли ўлкани танлаган, помирликлар ҳузурида ўз ғояларини фаоллик билан тарғиб қилар эди. Дунё томига ташланган заҳарли уруғлар жуда яхши самара берди. Хўш, улар бунга қандай эришдилар? Жуда ҳам оддий йўл билан олиб борилган тарғибот ишлари энг самарали бўлиб чиқди.

Бу иш қуйидагича тарзда олиб борилди: Фақат форс тилида сўзлашадиган кишиларгина ҳақиқий мусулмонлардир. Турк тилида сўзлашадиган мамлакатлар, бинобарин Тожикистоннинг шимолий районларида яшовчи кишилар

ҳам, ўзбеклар, қирғизлар гуж бўлиб яшайдиган шимолий районлари ҳам ярим даҳрий кишилар. Улар ғарб идеалларини ташувчилар бўлиб, буюк ислом таълимотига сотқинлик қилаётирлар. Шунинг учун Хўжанддан келган ҳукмдорларнинг кўп йиллик ҳукмронлигига барҳам бериш лозим. Бу ерларнинг ҳақиқий эгалари помирликлардир. Улар кўп йиллардан бери сизнинг Панж дарёсининг нариги томонида қолган қариндошларингиз билан учрашишингизга имкон бермаёптилар, сизларнинг қариндош уруғларингиздан, аждодларингиздан ажратиб қўйганлар, дейдилар. Бунда Душанбенинг Москванинг итоаткор малайига айланиб қолган коммунистлик раҳбарияти айбдордирлар. Россия чегарачилари сизларни қариндошларингизни кўриб келишингизга йўл бермаёптилар. Хўш, уларнинг ўзи ким? Улар бизнинг юртимизга қурол билан келган кофирлар-ку! Бизнинг умумий йўлимиз битта — форс тилида сўзлашувчи мамлакатлардаги қардошларимиз билан биргаликда "Ислом демократик иттифоқидир".

Бундан бошқа тарғибот усуллари ҳам ишга солинганлиги табиийдир. Хусусан иқтисодий мавзуларда фикр-мулоҳазалар илгари сурилар эди. Ахир сиз, помирликлар, қўлингизда пулингиз йўқ, сизлар жуда қашшоқ ҳаёт кечирасизлар. Ҳолбуки, Қўрғонтепадаги, Хўжанддаги, Душанбедаги кофирлар эса ўзларига катта-катта саройлар қуриб олмоқдалар, кўчаларда автомобилларга тушиб юрадилар, дунё-дунё бойликка кўмилиб, роҳат-фароғатда яшайдилар. Бас шундай экан, биз бунга йўл қўйишимиз мумкинми? Шариат қонунлари ҳукмронлик қилиши лозим бўлган бизнинг юртимизда келгиндилар хўжайинлик қилишига йўл қўйиб бўладими?— деган фикрларни айтиб одамларни йўлдан уришарди.

Бу ерда озгина изоҳ бериб ўтишга тўғри келади. Нима сабабдан айбномаларда айни мана шу учта шаҳар доим тилга олинаверади? Шунинг учунки, айни шу шаҳарларда саноат, илмий ва маданий муассасалар жамланган. Айни шу шаҳарлар ва вилоятлар миллий даромадни вужудга келтирадилар, улар қолоқ районларни, шу жумладан Тоғли Бадахшонни ҳам ҳаётий зарур нарсалар билан нисбатан таъмин этадилар.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Фожиали воқеалар бошланишидан анча олдин худди ўша Душанбе шаҳрининг ўзида яшайдиган аҳолининг 40 фоизга яқини рус тилида

сўзлашувчи кишилар, анчагина ўзбеклар ва ўлканинг шимолдан келган тожиклардан иборат эди. Қўрғонтепа вилоятига келганда шуни айтиш керакки, ҳозирги асримизнинг бошларида бу ерларда туркий тилда сўзлашадиган халқлар яшар эдилар, мана шу факт ақидапарастларга айниқса ёқмас эди. Маълумки, 30-йилларда Вахш водийсини жадал суратда ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилган эди. Бу ерга Фарғона водийсидаги қатор вилоятларда яшайдиган тожиклар ва ўзбеклар зўрлик билан кўчириб келтирилганди. Ушанда улар билан бирга бу ерга кўлобликлар, помирликлар ва бошқа этник гуруҳларнинг вакиллари ҳам кўчириб келтирилган эди. Шунинг учун Қўрғонтепа вилоятида кўпгина турли хил миллатлар яшарди.

Собиқ қатъий марказлаштирилган тузум ҳукмрон бўлган вақтларда бу ердаги ҳаёт анча осойишта кечарди. Бироқ ўша пайтдаёқ баъзи бир этник-уруғчилик ҳолатларига қараб бўлиниш тамойиллари кўзга ташлана бошлаган эди. Бу вилоятда, айниқса, Гарм районлар гуруҳи ва Помирдан келган кишилар кўп эди. Уларнинг сони ортиб бориши билан етакчилик ролига даъвогарлик овозлари ҳам тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди. Асосий раҳбарлик лавозимларини эгаллашга муваффақ бўла олмаганларидан кейин улар савдо ва транспорт соҳасидаги ишларга ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилдилар. Хуллас, улар оз куч сарф қилиб кўп фойда олинadиган ишлар билан машғул бўла бошладилар.

Шундай қилиб сиёсатдонлар ва мафияга мансуб тизимдаги кишиларнинг куч-ғайратлари орқасида уруғлар ўртасидаги қарама-қаршилик 1992 йилнинг бошларидаёқ аниқ кўзга ташланиб қолган эди.

Хўш, бундай воқеаларга Хўжандда қандай муносабат билдиришди? Савдо, саноат тармоқлари тўпланган, Тожикистоннинг бошқа минтақаларига қараганда одамларнинг турмуш даражаси анча юқори бўлган ушбу қадимий шаҳар бўлажак фожиаларда иштирок этмай қола олмас эди. Шимолликлар қонли воқеаларни олдиндан кўра билдилар, қўлларидан келганча бу воқеаларнинг олдини олишга ҳаракат қилдилар. Хўш, улар қандай йўллар билан ҳаракат қилдилар?

Ленинобод вилояти ва унинг маркази Тожикистоннинг бошқа минтақаларига нисбатан жуғрофий жиҳатдан жуда

қулай ерга жойлашган. Бу ерга фақат Анзоб довоми орқалигина етиб олиш мумкин. Демак, жуғрофий жиҳатдан олганда вилоят мухолафат кучларнинг оммавий равишда кириб келишидан яхши ҳимояланган. Бу ерда яшовчи аҳоли асосий оммасининг кайфияти ҳам ўлканинг жанубий ва тоғли районларидаги кишиларникига қараганда бўлакчароқ эди. Бу ерда 1989 йилда ўнлаб кишиларнинг қони тўкилган Фарғона воқеаларини жуда яхши эслайдилар ва бундан тегишли хулосалар чиқариб олгандилар. Қўқон, Фарғона, Марғилон билан ёнма-ён ҳудудда жойлашганликлари учун қонли воқеалар Хўжандга ҳам кўчиб ўтмасмикин деган хавотирга тушишларида асос бор эди. Бироқ Ўзбекистоннинг қўшни вилоятларида миллатлараро тўқнашув олови ўчирилди, қотиллик қилган кишилар топилди ва жазосини олди. Қўшнилар шошилинч тарзда бу фалокатнинг олдини олиб қолганликлари тинч ва хотиржам яшаш тарафдори бўлган Хўжандда қониқош билан кутиб олинди, қўшнилари кўрган тадбирни қўллаб-қувватлаб ва тушуниш билан кутиб олдилар.

Лекин ўшанда: бу жиноятларнинг ташкилотчиси ким бўлган?— деган асосий савол жавобсиз қолган эди. Бунга ҳар хил тахминлар мавжуд, лекин хўжандликларнинг кўпчилиги бу ислом ақидапарастларининг иши эканлигига ишончлари комил! Улар Фарғона вилоятини ўз режаларини амалга ошириш олдидан ўзига хос "синов майдони" сифатида танлаб олгандилар!

Фактлар мана шулардан иборат. Тожикистонга сиёсий таъсир кўрсатиш масаласига келганда эса шунини айтиш керакки, Ленинобод вилоятидан чиққан кишилар бу ердаги ҳокимиятнинг юқори бўғинларида етакчи ўринларни анъана бўйича эгаллаб келганлар ва бу ҳол ўзини оқлар ҳам эди: Хўжанд Душанбегга одатда сиёсатни нозик тушунадиган, эсли-хушли, мулоҳазали сиёсатчиларни юборар эди. Улар кучларнинг тақсимланишида алоҳида роль ўйнамаган бўлса-да, ўз қўшнилари бўлган ривожланган Ўзбекистондан узоқлашиб кетишни исташмасди. Улар Қирғизистон билан ҳам алоқани узишни исташмас эди. Шимолли кишилар Тожикистон пойтахтида ўз манфаатларининг камситилишига йўл қўя олмас эдилар.

Ислом уйғониш партиясининг раҳбарларидан иборат бўлган вакилларни ҳаммадан ҳам кўра "Растохез" ҳаракатининг, Демократик партиянинг шиорлари Ленинобод ви-

лоятида қўллаб-қувватланмаганлиги ислом ақидапарастларини айниқса ташвишга солмоқда эдики, бу ташкилотларнинг етакчиларига уларнинг таъсири катта эди. Шимолликлар худди тошбақадек ўзларининг ҳудудий доираларида биқиниб олган эдилар. Воқеалардан бир оз илгарилаб бўлса ҳам шу нарсани таъкидлаш керакки, уларнинг Хўжандда митинглар ташкил этиш йўлидаги уринишлари батамом барбод бўлди. Ақидапарастлик тарафдорларини шаҳар милициясигина эмас, ҳатто вилоят марказида яшовчи аҳолининг ўзи ҳам олдига солиб қувлаб юборди. "Ислоҳотчилар" бир нарсани — улар шимолга ўзларининг таъсири ўтмаслигини яхши англаб олдилар. Энди кучларни жанубда ва Тожикистоннинг марказида бирлаштиришга қарор қилдилар. Қиёс бир оз номатлуб бўлса-да, лекин ақидапарастлар: "Бир амаллаб бошни суқиб олайлик-чи, у ёғини эса кўраверамиз!" деган ленинча принципни асос қилиб олгандилар.

Ленинободликлар нима учун курашдилар, республиканинг келажагини қандай тасаввур қилдилар? Бунга бир мазмунда жавоб бериб бўлмайди. Муҳими — фуқаролар урушига йўл қўймастик! Шимолдаги сиёсий гуруҳларнинг барча вакиллари мана шунинг учун кураш олиб бордилар. Бироқ айримлари муросасозларча қарорни ёқладилар: яхшиси бир қатор юқори лавозимлардан воз кечиш, сиёсий аҳволдаги ўз таъсирини камайтириш; бошқалар, анча беқарорлари мухториятни қўлга киритиш, фаол равишда исломлашиб бораётган Тожикистон таркибидан чиқиш ёхуд иқтисодий жиҳатдан қудратли ва барқарор Ўзбекистонга қўшилиш.

Такрор бўлса ҳам қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш зарур. Тожикистондаги қонли воқеаларнинг асосий сабаби Гарм — Помир — Шимолнинг мухолафатда турганлиги эмас. Бу муҳим бўлса ҳам, ҳарҳолда йўл-йўлакай қўшилган омилдир. Халқ фожиасининг чинакам айбдорлари ҳокимиятга интилаётган ақидапарастлар билан қулай шароитдан фойдаланиб қолишни кўзлаган мафия тузилмалари эди.

Раҳмон Набиев масаласи-чи, у қўйган қадам шароит талабига мувофиқмиди?

У: "Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам" қабилида иш тутиб, кетма-кет хатога йўл қўя бошлади. Олий лавозимларни пайдар-пай тақдим қилиб, мухолафат билан ўйнашди.

1992 йил бошида Ички ишлар вазирлиги батамом барбод бўлганлиги унинг узоқни кўра билмаслигидан, вазиятни олдиндан пайқаб ололмастлигидан далолат берар эди. Унинг марҳамати билан Тожикистон ИИВга Помирда туғилган, эронпараст жамият қуришга хайрихоҳлигини яширмайдиган М. Навжувонов бошлиқ қилиб тайинланди. У кадрларни алмаштириб ташлади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини миллатига ва уруғига кўра ажратишга имкон яратиб берди. Апрельнинг бошига келиб, Душанбедаги Шаҳидон майдонида митинглар бошланган пайтда ИИВ органлари ўз жанговарлигини бутунлай йўқотиб, зиммаларидаги вазифаларни бажара олмай қолдилар. Унда Навжувонов асосий роллардан бирини ўйнади.

У бетарафлик эълон қилиб, қозикалон ҳамда ИУП раҳбарларининг давлат муассасаларини муҳофаза қилишнинг асосий воситасини ўзининг бевосита вазифаларидан четлаштириш тўғрисидаги топширигини бажарди.

Миллий хавфсизлик қўмитасида ҳам айни шундай ҳол рўй берди. Бу қўмитага собиқ марказдан Душанбега жўнатилган генерал Петкель узоқ вақт раҳбарлик қилди. Мухолиф оммавий ахборот воситалари 1990 йил февралдаёқ унга қаттиқ зарба берган эди. Худди шундай ҳол сўнгги ойларда ҳам такрорланди. Воқеаларнинг бориши Тожикистон раҳбарларига бундай олий мансабга маҳаллий профессионаллардан тайинлаш зарурлигини кўрсатиб турган эди. Шунда мухолафатнинг энг муҳим баҳоналари таянган асос емирилар эди. Бироқ генерал Петкелнинг ўрнини Қозоғистондан таклиф қилинган генерал Стройкин эгаллади...

Табиийки, келгинди шахс яна мухолифларнинг гашини келтирди. Зотан Стройкин бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра мураккаб ва чалкаш вазиятни тез ва тўғри тушуна олмасди ҳам. Буларнинг ҳаммаси хавфсизлик органларида ихтилоф келиб чиқишига олиб келди. Раҳмон Набиев, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, давлат тузилишининг икки муҳим қуроли — ИИВ ва МХҚ дан маҳрум бўлди. Моҳиятан, 1991 йил бошидаёқ Тожикистонда ҳокимиятнинг фаол емирилиши бошланди, мамлакат шитоб билан тартибсизлик гирдобига кириб борди.

Бу хулосани яна бир факт билан тасдиқлаш мумкин. Май ойидаги майдонларнинг бир-бирига қарши туриши бошланмасидан олдин Душанбедан аҳоли, биринчи навбат-

да русийзабон аҳоли кўчиб кета бошлади. Сиёсий фитналар ҳамда курашлардан йироқ бўлган оддий одамлар тоғли ўлкада фуқаролар уруши етилиб бораётганини, бунинг тинч йўл билан ҳал этиш мумкин эмаслигини тушунардилар.

Бунинг учун шарт-шароит жуда етарли эди. Республикада, айниқса унинг пойтахтида кўплаб мустақил нашрлар чиқа бошлади. Бу нашрларда Афғонистон мактабини ўтаган ёш ва ғайратли кишилар ишлар эди. Уларнинг кўпчилиги уруш йилларида Панж соҳиллари ортида турли совет миссияларида таржимон бўлиб ишлагандилар. Улар, бир томондан, уруш жанубий қўшни ҳудудга келтирган қон ва аламини кўриб, иккинчи томондан эса, кофирлар билан курашчиларнинг ғоят ҳудожўйлиги ва қатъиятчилигини кўриб, зиддиятли ҳис-туйғу билан она юртга қайтгандилар. Совет тарбияси билан миллий ўзлигини англаш қовуша олмасди. Шу туфайли мамлакатдаги давлат ҳокимияти ишдан чиққанлиги, "олиймақомга" эришиш, "мансабдорлар" доирасига кириб олиш имконияти уларни мухолафат қаторига етаклади. Устига-устак мухолафат ўз "гумашталари"га сахийлик билан ҳақ тўларди.

Яна мисолларга мурожаат этайлик. "Мустақил" журналистлар гуруҳлари мухолиф партиялар ҳисобига бир неча бор Эронга ижодий сафарга бориб келдилар. Макка шаҳрига, муборак Ҳаж сафарига борганлар сафида ҳам улар бор эдилар. 1991 йил охиридаги нарх-навода бундай сафарлар қиймати ўн минглаб сўмлар билан ўлчанарди. Рағбатлантиришнинг бошқача турлари ҳам бор эди. Турли стипендиялар, жамғарма совринлари таъсис этилар эди. Улар энг "демократик" қалам соҳибларига бериларди. Мухолафат обрў ортира бошлади. Раҳмон Набиев эса ўзининг янги командаси билан обрў-эътиборини йўқота борди.

Шунда пайдо бўлган "мафкуравий тирқишни" Теҳрондан келган эмиссарлар тўлдира бордилар. Икки "қардош мамлакат" ўртасида доимий ҳаво кўприги йўлга қўйилди. Тоғли ўлка пойтахтига бизнесменлар, ишбилармонлар, дин арбоблари кела бошладилар. "Тожирлар" афкор оммани фаол чалғита бошладилар. "Сайёҳлар" ҳукуматга қарши партиялар ва ҳаракатлар вакиллари билан тез-тез, аниқроғи, доимий мулоқот ўрната бошладилар. Аҳамияти кам бўлмаган яна бир нарса шуки, Эрон ўрта Осиё мин-

тақасида биринчи бўлиб Душанбеда ўз элчихонасини очди. Шоҳидлар гувоҳлик беришича, Фавқуллода ва Мухтор элчи Тожикистон Ташқи ишлар вазирлиги вакилларига қараганда кўпроқ мухолафат вакиллари, қозихона хизматчилари билан мулоқотда бўларди. Эронлик олий мартабали дипломат телевидение ва радиодаги чиқишлари, мусоҳабалари сонига кўра Президент Набиевдан ҳам ўзиб кетибди...

Раҳмон Набиев вазиятнинг номувофиқлигини, аниқроғи, нозиклигини тушунганмиди? Шубҳасиз, тушунган эди! Ўз раҳбарлигининг дастлабки пайтида ҳокимиятга интилаётган мухолафат билан беркинмачоқ ўйнаб, Тожикистонда Россиянинг гегемонлиги тугаганлигини айтгани ҳолда, айна маҳалда Москвага қараб жовдирарди. Унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Собиқ марказдан Тожикистонга озиқ-овқат маҳсулотлари, ёнилғи-мойлаш ашёлари, саноат моллари келиб турганди. Тушуниб бўлмайдиган Афғонистон билан чегарани Россия чегарачилари қўриқлаб турган эдилар. Ундан ташқари, ислом "демократларининг" очикдан-очик қўллаб-қувватлашига қарамай, азалий тинч тоғли ўлкадаги воқеалар олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини Кремлда ҳам тушуна бошладилар. Тушунсалар-да, ҳеч бир иш қилмадилар. Бунда Давлат Худоназаровнинг обрў-эътибори, унинг Тожикистондаги воқеаларни ўзига мос равишда: демократларнинг изчил коммунистларга қарши туриши кучайиб бормоқда, "янгича тўлқин" ўз умрини яшаб бўлган тизим билан бошқа муроса қила олмайди, деб талқин этувчи Россия матбуоти билан дўстона муносабатлари ўз ишини қилди. Собиқ Иттифоқ ҳудудида Тожикистонга нисбатан жамоат фикри уйғотилди. Ва бу фикр қонуний йўл билан сайланган ҳокимиятга қарши қаратилган эди.

Набиев 1992 йил бошида Эрон тайёраси билан бўлган воқеа туфайли муҳолиф кучлардан қаттиқ зарба еди. Лайнер Тожикистон ҳаво кенглигига огоҳлантиришсиз кириб келиб, экипаж Душанбе аэропортида қўнишга рухсат сўради. Уларга қўниш тақиқланди. Тайёрада эса Эрон вице-президенти бор экан. Муҳолиф матбуот қатъиятсизлик қилган Президентга маломат қила бошлади, уни диндош биродарлар билан жипс алоқалар ўрнатишни истамаётганликда айблади. Бироқ, ҳар қандай суверен

давлатнинг чегаралари дахлсизлигини, тайёра бу қадар бообру мансабдор шахсни олиб келаётгани ҳақида мамлакат раҳбарларини ҳабардор қилиб қўйиш борасида қатъий халқаро қоидалар мавжудлигини оддий халққа ҳеч ким тушунтириб ўтирмади. Набиев яна индамай қўя қолди. Ўзини гўё ҳеч нима юз бермагандай тутди.

Бу орада Тожикистон омонат тинчликни бешафқат урушдан ажратиб турган хавфли жар ёқасига тобора яқин келаётган эди. Уруш бошланишига саноқли ҳафталар қолди. Ақидапарастлар мамлакатни қонли урушга тортиш учун қулай вазиятни кутмоқда эдилар.

ҚОНГА БЎЯЛГАН "ТИНЧ" МИТИНГ

26 март куни Душанбенинг марказий майдони — Шаҳидонга одамлар "ўзларича" йиғила бошладилар. Лекин ташқаридан қараганда шундай кўринарди. Аслида "Растохез", Демократик партия, Ислом уйғониш партияси, "Лаъли Бадахшон" ҳаракати вакиллари жипс колонна бўлиб, ташкилотчилар аниқ белгилаб берган сценарий бўйича йиғила бошладилар. Республика Олий Кенгаши Раёсати мажлисининг телевидение орқали бевосита кўрсатуви бу янгича демократлар норозилиги ва фаоллиги кучаювиغا сабаб бўлганди. Бу мажлисда ички ишлар вазири М. Навжувоновнинг ҳукуматга қарши фаолияти кўрилган эди. Ноиблар уни ишни билмасликда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишини барбод қилганликда, помирликларнинг уруғ манфаатларидан келиб чиқиб малакали кадрларни сиқиштирганлик ва тарқатиб юборганликда айблагандилар. Мажлисни парламент раиси Р. Набиевнинг тарафдори С. Кенжаев олиб борган ҳамда фош қилувчи нутқ билан чиққан эди. Кенгаш раёсати ИИВ вазирига ишончсизлик билдирди, ундан истеъфога чиқишни талаб қилди.

Қабул қилинган қарордан мухолафатдаги кучларнинг ғазабланганини тушуниш мумкин эди. Ҳозирги мураккаб даврда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини кучайтириш, уларнинг ўз вазифаларини аниқ бажариши муҳолифларнинг ҳаракатига тўғоноқ бўларди. Ўз тарафдорлари бўлган М. Навжувонов даврида эса улар ўзлари мўлжаллаган нишонга қараб қўрқмай бора олардилар. Қозилик

ҳамда Ислом уйғониш партияси раҳбарияти қонуний равишда сайланган халқ ҳокимиятига қарши уруш эълон қилишга қарор берди. Устига устак ақидапарастларнинг ниятларини кўпчилик аллақачон тушунган эди.

Тожикистон бош прокурори Н. Хувайдуллаев ҳам митингчиларда очикдан-очик ғазаб уйғотди. У шароитни кескинлаштираётганларга қарши, уларнинг обрў-эътиборига қарамай, изчил кураш олиб борди, қонунларга риоя этишга ҳаракат қилди. Порахўрлик ва тамагирлик ботқоғига ботган Душанбе мэри М. Икромовни ҳибсга олиш тўғрисида айна унинг ўзи рухсат берган. Чунки, бош прокурор беҳуда ўйламаганидек, М. Икромов 1990 йил февраль воқеаларида жиддий роль ўйнаган эди.

Ўшанда ақидапарастлар, боқулик қочоқ арманиларга қарши гўеки уларга Душанбе марказидан энг яхши квартиралар ажратиб берилгани учун халқни кўтарган эдилар. Алданган одамлар ҳуқуқ-тартибот органлари билан тўқнашув жараёнида ҳалок бўлдилар. Шу боис Тожикистон пойтахтининг бош майдони "Шаҳидон" деб аталди.

Шундан сўнг бир неча ой ўтгач, 1992 йил августида Н. Хувайдуллаев ислом ақидапарастлари томонидан ёвузларча ўлдирилди. Бош прокурор ўз ўлиmidан бир неча кун илгари қотилликда, зўрликда, талон-торожда қатнашган 720 кишига қарши жиноий иш очган эди.

Шаҳидончилар қандай талабларни қўйган эдилар? Асосий талаблар орасида Олий Кенгаш раиси С. Кенжаевни истеъфога чиқариш, парламентни тарқатиб юбориш, Душанбе мэри М. Икромовни қамоқдан озод қилиш, ҳаммаёқда иш ҳақини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламларига нафақани кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарурий молларнинг нархини пасайтириш, Эрон Ислом Республикасининг сиёсий йўлини тутиш бор эди.

Шиорларнинг кенг маънодалиги кўриниб турибди. Соф сиёсий талаблар аҳолининг барча табақалари учун тушунарли бўлган ижтимоий-иқтисодий талаблар билан қориштириб юборилган эди. Бу пайтга келиб Тожикистонда ҳаёт кечириш оғир бўлиб қолганди. Халқ истеъмоли моллари баҳосининг эркин индекси 1170 фоиздан зиёд ошган, бюджет сарф-харажат даромаддан 4 баравар ошиқ қилиб тақсимланаётган эди.

Сиёсий даъволарга келганда, улар давлат ҳокимиятини тугал барбод қилиш, республикада Эрон типидagi ҳокимият тузилмаларини қуришга қаратилган. Яқиндагина демократ ва ақидапараст бўлган мухолафат, ёндашувлардаги айрим тафовутларга қарамай, кучларини бирлаштиришга киришганликлари, ҳокимият учун очикдан-очик кураш бошлаганликлари ўшандаёқ маълум бўлган эди.

Бундай вазиятда республика раҳбарияти ўзини қандай тутди? Раҳбарият олға сурилган талабларни ғоятда пухта ўрганиш, уларни имкони борича бажариш тўғрисида ваъда берди. Яъни ҳокимият тепасидагилар қўрқоқларча муросасозлик қилдилар. Уларнинг фикрича, бу усул бундан буёнги мухолафатга йўл қўймасди.

Бир неча ҳафта ўтди. Шаҳидонда айтилган талаблардан биронтаси ҳам амалда бажарилмади. Раҳмон Набиев барча давлат, жамоа ва давлат хўжаликларини тарқатиб юбориш тўғрисида ўзи имзолаган Қонунга жуда ҳам ишонган эди. Апрельда ер деҳқонларга мулк қилиб берилиши даркор эди. Деҳқончилик қиладиган ҳудуди чекланган тоғли Тожикистон учун бу ҳаётий муҳим воқеа бўларди. Бироқ, қонун қоғозда қолиб кетди, мухолифлар ўрни келганда буни ҳам қистириб ўтдилар. Апрельнинг охирига келиб сиёсий аҳвол мураккаблашиб, тўфонга айланиш хавфи яқинлашди.

Давлат ҳокимиятининг олий эшелонларида бундан хабардор эдиларми? Сўзсиз хабардор эдилар! Улар қонуний сайланган раҳбариятни қўллаб-қувватловчи, мухолафатга чинакамига қарши турган куч митингчиларни тўхтатишга қодир, деб ҳисобладилар. Ленинобод ҳамда Кўлоб вилоятлари аҳолиси ана шундай куч эди. Ленинободликлар билан масала анча жўн ҳал бўлар эди. Улар доимо ўз вакилларини пойтахтга энг юқори лавозимларга етказиб бериб турган эдилар. Бироқ нима учун Раҳмон Набиев ва унинг атрофидагилар кўлобликлардан бу қадар умидвор бўлдилар?

Бу вилоят анъанавий равишда Тожикистон таркибидаги энг қашшоқ маъмурий бирликлардан ҳисобланарди. Воқеалар ривожининг мантиқи ҳам кўлобликларнинг вакиллари мухолифлар тарафида туриши лозимлигини кўрсатиб турган эди. Уларнинг асосий интилиши ҳокимиятнинг олий эшелонларида ўзларининг муносиб вакиллари бўлишига эришишдан иборат эди. Айрим рўзнамалар таъкидлашига

зид ўлароқ, кўлобликлар шахсан Набиевни ҳимоя қилмаётган эдилар. Кўпчилиги диндор мусулмонлардан иборат бўлган кўлобликлар исломнинг анъанавий дунёқараш тарзида сақланиб қолиши учун курашаётган эдилар. Айни маҳалда динни давлат тузилиши даражасини кўтаришга қатъиян қарши бўлиб, ақидапарастлик авж олишига йўл қўймасликни талаб қилмоқда эдилар.

25 апрелда Тожикистон бир-бирига қарама-қарши икки лагерга ажралди. Шаҳидон майдонида республиканинг жанубий вилоятларидан одамлар оқиб кела бошлади. Оммавий ахборот воситалари, хусусан Россия оммавий ахборот воситалари, "ислом демократлари", деб атаган турли партиялар ҳамда сиёсий ҳаракатлар вакиллари ҳам шу ерда манзил тутдилар. Бироқ бу март ойидагидан бўлакча митинг эди. Гармлик, помирлик, душанбелик вакиллар ўз талабларида қаттиқ туриб, муросага келмас, бу талаблар моддий ва мафкуравий мақсадлардан озуқа оларди. Майдонга чодирлар тикилди, гулханлар ёқилди. Одамлар тиш-тирноғигача қуролланган эдилар. Шаҳидондаги республика ИИВ учун сотиб олинган 30 бронетранспортёр бутун ўқ-дорилари билан ўз қўлларида эканлигини билардилар! Милиция билан ОМОН эса қурол ишлатмайди. Ғалаба — биз томонда!

Шаҳидондан икки қадам нарида жойлашган Озоди майдонида ҳам тахминан шу воқеалар содир бўлаётган эди. Бу ерда шаҳидонликларнинг хатти-ҳаракатларига жавобан Конституциявий ҳукумат, қонуний равишда сайланган республика Президенти тарафдорлари йиғилган эдилар.

Муҳолиф томонларнинг шиорлари эътиборга лойиқ. Озоди майдонида катта юк автомобилларида, автобусларда келган Р. Набиев тарафдорлари: "Ислом йўқолсин", "Яшасин КПСС" шиорлари ёзилган қизил матоларни кўтариб чиққан эдилар.

Шаҳидонда эса: "Эронлик биродарларимиз билан бирлашайлик!", "Коммунист раҳбарлар йўқолсин!", "Тожикистон — ҳақиқий тожикларники", "Россия қўшинлари Россияга қайтариб юборилсин!" шиорлари битилган транспортлар баҳор шамолида ҳилпирар эди.

Эҳтирослар соат сайин жўш уради. Хўш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қаерда? Афсуски, улар ўз "хўжайинлари" — Навжувонов буйруғи билан миқ этмаётгандилар.

Душанбедаги гуруҳлар муҳолафатини ёритишдаги журналистик ёндашиш ғоят қизиқ. "Останкино" компанияси, бир қатор собиқ марказий рўзномаларнинг ходимлари Шаҳидондагиларни очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлаётган эдилар. Гўёки улар демократлар-у, коммунистик режимга қайтиш мумкин эмасдек. Озодида йиғилганларга камроқ эътибор берилди. Аксинча бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки ўлаётган ва ҳамма нафрат билан қарайдиган тизим хаста ёпишаётган эди. Ҳозир аниқ маълум бўлдики, Шаҳидонда турган одамларга кунига беш минг сўмгача пул улашилиб, яна улар иссиқ овқат ва ичкилик билан тўла таъминланиб турилган экан.

Бироқ ўзини "демократ" деб атаган одамлар тарқатган варақалар бу кўп кунлик муҳолафатни ёритганларни нима учундир ташвишга солмади. Бу варақаларда майдонга келганлар орасида миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳам бор, дейилган эди. Улар демократиянинг асосий душманларидирлар. Шу ернинг ўзида МХҚ офицерларининг исм-фамилиялари, тураржойи кўрсатилган рўйхат тарқатилди. Ҳалок бўлган ҳар бир шаҳидончи учун 17 чекист ўлдирилиши ҳақидаги таҳдид доимо янграб турди...

Фактларга келайлик. Улар билан баҳслашиб бўлмайди. Шулардан диққатга сазовор бир хатни кўрайлик. Тожикистон Демократик партияси аъзоларининг 70 фоизи қонли воқеалар бошланишига келиб чинакам демократияга фақат ислом таълимоти, шариат қонунлари бўйича давлат тузиш орқалигина эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилган эканлар.

Май ойининг бошида Душанбедан берилган чет эл оммавий ахборот воситалари хабарларидан қуйидаги парчаларни кўрайлик.

Эрон Ислом Республикаси радиоси шундай баёнот беради: "Эрон Тожикистон ҳукумати йиқитилишини муборакбод этади ҳамда бу республикага унинг исломий ўзига хослигини тиклашда ёрдам беришга ҳозирлигини изҳор этади. Тожикистондаги тинч халқ инқилоби нисбатан муваффақият билан тугади".

"Свобода" радиоси содир бўлаётган воқеаларга қарашда ўз нуқтаи назарига эга эди. "Яқин вақтларда Афғонистон Тожикистондаги афкор оммага жиддий равишда таъсир кўрсата бошлайди. Энг муҳими сиёсий беқарорликдадир ва бундай шароитда тожик жамияти ишни нимадан

бошлаш ҳақида ўйлаб, қиёслаш учун атроф муҳитдан материал излай бошлайди. Тожик мухолафатининг сўнгги фаол ҳаракатлари ўз қатъияти билан ажралиб туради, буни Қобулдаги уруғдошлар ғалабаси билан изоҳлаш мумкин".

"Немис тўлқини" радиостанцияси Душанбедаги митинг ҳақида қуйидаги фикрларни билдирди: "Ўзбекистон ҳукумати Тожикистондаги қўшниларига бутун масъулиятни тушунишга даъват этиб, иккинчи бор ташвиш билан муурожаат қилди. Афтидан, президент Каримов ўз республикасида ҳам номенклатура давридан сақланиб келаётган ҳокимиятнинг консерватив биноси тезда дарз кетишидан чўчиётганга ўхшайди".

Манзара тўлиқ бўлсин учун "Озодлик" радиостанциясининг ҳам айтганларини келтирамиз: "...Сўнгги пайтларда ўзбеклар билан тожиклар ўртасидаги қариндошлик кимларнингдир ҳасадини келтирмоқда ва улар бу икки қардош халқ ўртасига душманлик уруғини сепмоқда ҳамда ўз ишларининг мевасини кутмоқда. Гиж-гижловчиларнинг уринишлари беҳуда кетди. Улар ўзбек ва тожик халқлари тарихига ҳеч нимани қарши қўя олмадилар".

Этибор беринг-а, тоғли ўлка пойтахтидаги таҳликали воқеаларни ёритишга ёндошувлар нақадар хилма-хил. Бироқ асосийси бу эмас. Шаҳарнинг икки майдонига кимлар, нима учун, нима мақсадда йиғилдилар?— деган асосий ҳаётий муҳим саволга биронта шарҳда ҳам, репортажда ҳам, мусоҳабада ҳам жавоб берилмади. Ўзбекистондаги ва бошқа қўшни мамлакатлардаги ташвишга таянилган умумий мулоҳазалар миллионлаб ўқувчилар ва тингловчиларни чалғитди, холос. Оддий одамлар Дунё томи тоғ этакларида асли нима бўлаётганлигини барибир тушуна олмадилар.

У ерда эса мислсиз қонли жангга олиб келган миллий фожиа ғилдираги дақиқа сайин айланиб борар эди. Шаҳидонда ва Озоида кучли динамиклар нотикларнинг ҳаяжонли овозларини атрофга таратар эди. Айниқса Шаҳидондагилар зўр бердилар. Чунки "тожик миллатининг мумтозлари"—"коммунистик номенклатура" зўрлигига қарши чиқаётган партиялар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари айни Шаҳидонга тўпланган эдилар-да. Қизиги шундаки, куннинг ўрнини тун эгалласа ҳам, Шаҳидондаги эҳтирослар қайнашдан тўхтамасди. Бундай кўп соатли эҳтирослар

қайнашини ҳеч ким кўтара олмайди. Гап шундаки, "командалар" тажрибали меҳтарлар кўрсатмаси ва фармойиши билан бир-бирининг ўрнини олаётган эди. Бундай "командалар" эса оз эмасди.

Шундай қилиб Душанбенинг икки асосий майдонига кимлар чиқди?

Озодидан бошлайлик. Бу ерда одамлар Шаҳидондаги мухолифлардан икки ой кейин тўпландилар. Уларнинг асосий мақсади ақидапарастликнинг авж олишига йўл қўймаслик, Тожикистонда дунёвий давлат қуришдан иборат эди. Бу ерда асосан кўлобиклар, ленинободликлар ҳамда кўплаб душанбеликлар йиғилишган эди. Улар кўтариб чиққан шиорлар ҳақида юқорида гапириб ўтдик. Ўшанда Сангак Сафаров жуда сезиларли роль ўйнаган эди. У — анча мураккаб шахс. Тожиклар фожиаси авжигача чиққан пайтда у Халқ fronti қўшинларига раҳбарлик қилиб: "Мен ғазабимни шафқатсизликка айлантирдим!"— деган машҳур гапини айтган эди.

Баъзилар тожикларнинг Робин Гуди, бошқалар — ўз мақсадига ҳар қандай йўллар билан эришадиган қўпол, мурасасиз одам, деб ҳисоблайдиган Сангак Сафаров ким ўзи?

У 65 ёшда эди. Республиканинг жанубидаги кичкина олтинтопарлар қишлоғида туғилган. Отаси ўттиз бешинчи йилда қатағоннинг илк тўлқинига учраб, лагерга юборилган эди. Оила боқувчисиз қолди. Икки акаси очликдан нобуд бўлди. Эллигинчи йилларнинг бошида, ўша пайтда ҳам атрофга даҳшат солиб юрган Сангак автомашинани олиб қочгани учун биринчи бор қамалди. "Зона"ни ўтаб, озодликка чиқди. Бироқ 1957 йилдаёқ одам босиб ўлдирди. Яна, узоқ муддатга бўлмаса-да, қамоққа тушди. Олтмишинчи йилда, Душанбенинг Марказий маданият ва истироҳат боғида буфетчи бўлиб ишлаётганида, уни чечен рэкетчилари "қўлга туширмоқчи" бўлдилар. Қўйилган тузоқни у дарҳол пайқайди. Яна "зона"га тушди. У ерда тартибсизликлар уюштиргани ҳамда огир тан жароҳатлари етказгани учун бир неча бор муддатига муддат қўшиб берилди. Эллик ёшга етганда, ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида умумий ҳисобда йигирма уч йил ўтириб чиққач, қамоқдан бўшатилди. Озодликка чиққач, Кўлобда тургун бўлиб қолди, у ерда спиртли ичимликлар билан савдо қиладиган дўкон қурди.

"Денгизчиларга хос" соқол қўйгани учун "Шкипер Сангак" лақабини олган бу одам арақ, вино, пивони роса пуллади. Лекин доимий мижозларининг таъбирича, у ҳамкасблари сингари, ичкиликка сув аралаштириш даражасида тубанлашмаган. Жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган Сангак Озоди майдонида кечаю кундуз қолиб кетди, қўриқчиликни ҳамда тартиб сақланишини таъминлаб турди. Душанбе марказида қон тўкилиб, кўлобликлар мағлубиятга учрагач, у ислом ақидапарастларидан қочиб, чегара қўшинлари штабига яширинмоқчи бўлди. Лекин бу ишнинг уддасидан чиқолмади. Еттинчи майда уни кўлобликларнинг бошқа раҳбарлари билан бирга ҳибсга олдилар. Беш кечаю кундуз уни таҳқирладилар, оғзи-бурнини қон қилдилар. Набиев тарафдорлари бу қилмишларига қарши қаттиқ жавоб чораси кўрилиши тўғрисида ультиматум тарзида берган баёнотгина уни ўлимдан олиб қолди.

Бу беш кеча-кундуз Сангак учун бир неча йиллик лагердан ҳам даҳшатлироқ бўлди. Қутқарилгач: "Ақидапарастлар одамдек гаплашишни билишмас экан. Шафқатсизликка шафқатсизлик билан жавоб бермоқ даркор!"— деди.

...Шаҳидон майдонида эса ҳокимият расмий органлари душманларининг кўзга кўринган вакиллари тўпланишган эди. Булар — "Растохез", "Лаъли Бадахшон", Демократик партия ҳамда Ислом уйғониш партияси тарафдорлари эди. Уларнинг раҳбарларининг таржимаи ҳоли қизиқарлидир.

Миллий уйғониш ва мустақиллик шиори остида асосан зиёлиларни бирлаштирган "Растохез" ҳаракатини Тоҳир Абдужаббор бошқарди. Ҳали қирқ бешга ҳам тўлмаган ёшгина бу йигит ҳаётдан ёмон сабоқ олмаганди. У иқтисод фанлари номзоди, тажриба орттираётган сиёсатшунос бўлиб, Ташқи ишлар вазирлиги йўли билан бир неча йил Эрон ва Афғонистонда ишлаган. Тожикистон ССР Олий Кенгаши ноиби этиб сайланган. Сўнгги йилларда республика Фанлар академиясида илмий ходим бўлиб ишлаётганди. У Ислом уйғониш партияси раҳбарлари билан биргаликда мухолафат кучларни бирлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади, Шаҳидон майдонида коалицион ҳукумат тузиш, Россиянинг гегемонлигини тугатиш, форсийзабон мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириш тўғрисидаги талаблар билан фаол чиқди. Ўз нутқларида доимо

тожикларнинг мумтозлигини, тарих уларга нисбатан адолатсизлик қилганини кўрсатишга уринарди.

"Лаъли Бадахшон" ҳаракатининг раиси Амирбек Отабеков мухолафатнинг энг ёш ва муросасиз раҳбарларидан ҳисобланарди. Хорогда туғилган бу йигит Тожикистон муаллимлар олийгоҳининг физика-математика куллийтини тугатган. Помирда мактабда дарс берган, сўнг олийгоҳга математика кафедрасига қайтган. Ислом уйғониш партияси раҳбарлари билан жипс алоқада бўлган. Бироқ ўз сиёсий фаолиятида асосий эътиборни Тоғли Бадахшондан чиққан вакилларга энг катта ҳуқуқлар берилишига қаратган. Партиянинг асосий талаблари — Помирдан чиққанларга энг юксак давлат лавозимларини бериш, мухтор вилоятда ижтимоий-иқтисодий шароитни яхшилаш, Афғон Бадахшондаги қондош биродарлар билан яқинлашувдан иборатдир.

Ислом уйғониш партиясининг раиси Муҳаммад Шариф Ҳимматзода доимо Тожикистонда юз бераётган воқеаларнинг марказида бўлиб келди. Махсус диний билим олган бу арбоб узоқ вақт республика сиёсий майдонида асосий одамларидан бири бўлиб келди. У қаттиқ йўлдан бориш, ислом ақидапарастлиги назарияси тарафдоридир. Мухолафат блокига Шодмон Юсуф (Юсупов) раҳбарлик қилган деб ҳисобланса-да, амалда уни Ҳимматзода бошқарарди. У сиёсий рақибларини маҳорат билан зарарсизлантирар ҳамда айёрлик ва маккорликда ўз руҳоний устози — қозикалондан қолишмаган ҳолда ғалаба қозонгунча курашишни талаб қилар эди.

Қирқ уч ёшли Шодмон Юсуф Тоғли Бадахшон мухтор вилоятидан бўлиб, Тожикистон Демократик партиясининг раҳбари эди. Саратов дорилфунунини ҳамда СССР Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ олийгоҳининг аспирантурасини тугатган. Фалсафа фанлари номзоди, Душанбе муаллимлар олийгоҳида дарс берган, партия ташкилотининг котиби бўлган. Қаттиқ сиёсат тарафдоридир. Набиев Президент лавозимидан туширилгач, у Миллий хавфсизлик қўмитаси ҳамда ИИВ ходимларини ўз сафига жалб этишга уринган. Русийзабон аҳолини Тожикистонда гаров сифатида олиб туриш мавқеида турган.

...Бу вақт оралиғида эса Душанбенинг икки майдонидаги воқеалар шиддат билан авж оларди. Вазиятни кескинлаштириш учун сўзни аямаётган моҳир нотиқлар

итингчилар эътиросини тобора қиздирардилар. Бундай алтис вазиятда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари етдан туриб кузатувчиларгина бўлиб қолдилар. Юқорида йтиб ўтганимиздек, вазир Навжувонов ҳуқуқни муҳофаза иилиш органлари бетараф позиция тутадилар деб, эълон илди. Ўшанда у шаҳидонликлар мавқеига очикдан-очик тишдан қўрқди.

Майдонларда кўплаб қурол-аслаҳа тўпланиб қолди. Маълумки, қозикалоннинг шаҳидонликларни қаттиқ қу-оллантириш бўйича қилган ишидан кейин, Набиев фар-ойиши билан кўлобликларга 1700 дона "Калашников" втомати бутун ўқ-дориси билан тарқатилган эди. Улар-инг душманлари қўлидаги ўқотар қуроллар, ўқ-дори, ранатомётлар бу рақамдан бир неча баробар кўп эди. Устига-устига, Озодагидан фарқли равишда у ерда мак-аб ўтган каллакесарлар тўпланган эди.

Р. Набиев қон тўкилишига йўл қўймаслик учун му-олафатнинг асосий талабларидан бирини бажарди — пар-амент спикери С. Кенжаевни эгаллаб турган лавозимидан ўшатди. Лекин шу ондаёқ унга генерал-майор унвонини ериб Миллий хавфсизлик қўмитаси раиси этиб тайинла-и. Ҳатто мухолафатчилар ҳам ундан бу қадар сиёсий чалиш"ни кутмаган эдилар.

Воқеалар янада қизиб кетди. Қозикалоннинг ишончли рдамчиси Давлат Усмон парламентда 17 банддан иборат ўлган Олий Кенгашга ультиматумни ўқиб берди. Ақида-арастларнинг очикдан-очик тазйиқи ҳамда ўз кучини амойиш қилиши вазиятида "консерватив парламентнинг" учи қирқилди. Шаҳидон майдонидаги қонли воқеалардан ейин президент мухолафатга бошқа масалаларда ҳам ён еришга мажбур бўлди. Вазирлик лавозимларининг учдан ири уларнинг вакиллари қўлига берилди, улар орасида ссий вазирликлар ҳам бор эди. Давлат Усмон ҳукумат ош вазири лавозимини олди. Миллий хавфсизлик қўмита-и, Ички ишлар вазирлиги сингари тузилмалар амалда қидапарастларнинг қўлига ўтди. Телевидение ва радио стидан назоратни ҳам қўлга олиб, уларни ўз минбарига йлантирдилар.

Сиёсий кучларни тақсимлашдаги туб ўзгаришлар айна цу даврда бўлиб ўтди. Республикадаги аҳволни аввалги мухолафат белгилай бошлади. Кейинчалик, октябрь ойига елиб қозикалон Тўражонзода бу ҳақда мақтаниб гапирди.

Мамлакатда ҳокимиятнинг тўла барбод бўлиши даври бошланди. Тожикистонни фуқаролар уруши ўз гирдобига торта бошлади.

МИЛЛАТ ФОЖИАСИ, МАМЛАКАТ ФОЖИАСИ...

1992 йил 7 майда Тожикистон Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, мухолафатчи партиялар ҳамда халқ ҳаракат-лари ўртасида битим баённомаси имзоланди. Битимнинг моҳиятига кўра шакллантирилаётган ҳукумат коалицион бўлиб, бағоят кенг ваколатга эга бўлиши лозим эди. Айна маҳалда ўт очишни тўхтатиш, куч ишлатмаслик, кура-шаётган барча гуруҳларни қуролсизлантириш тўғрисида баёнот эълон қилинди. Шу куннинг ўзида Р. Набиевнинг "Тожикистон Республикаси аҳолиси томонидан қуролларни ихтиёрий топшириш ва уларни тортиб олиш тўғрисида" фармони чиқди. Бироқ бу фармонни бажаришга ҳеч ким киришмади. Аксинча, ақидапарастлар ҳақиқий ҳокимиятни қўлга олиб, давлат тузилмалари "ўлим тўшагида"лигини кўриб, барча жойда ўз позицияларини тартибга солиш бўйича фаол ҳаракат қила бошладилар.

Жангари гуруҳлар амалда Ленинобод вилоятидан таш-қари мамлакатнинг барча районларида тинч аҳолини террор қила бошлади. Шаҳар ва қишлоқларга "Аллоҳ акбар" деб ёзилган оқ пешонабоғ боғлаб, бостириб кирган жангариларнинг қилган иши қатли ом, ўт қўйиш, бека-фандўзликдан иборат бўлди. Улкан миқдорда ўқ отар қуролига, бронетехникага эга бўлган бу гуруҳлар маҳал-лий қўшинлар тўсигини ҳеч бир қийналмай босиб ўтар, ўзларига бўйсунмаганларни шафқатсиз жазолардилар.

Бу жангариларнинг қўлига шунча кўп миқдорда замо-навий қурол-аслаҳа қаердан келиб қолди, уларнинг ўз биродарларини ғорат қилиш операциясини ким режалаш-тириб берган? Оддий бўлмаган бу саволга жавоб олиш учун ортга қайтиб, вужудга келаётган вазиятни таҳлил қилмоқ даркор.

Саксонинчи йилларнинг охирида қозикалон Хўжа Тў-ражонзода (Қаҳҳоров) Тожикистон диний бошқармасининг бошлиги бўлиб қолди. У Душанбе яқинидаги қишлоқда, ғоят диндор оилада туғилган. Бухородаги мадрасани, Тошкентдаги Ислом маъҳадини тугатгандан сўнг Омман

дорилфунунига шариат куллиётига ўқишга юборилган. Етти йиллик ўқув курсини анча тез бажарди. Мударрислар бўлажак диний арбобнинг айёрлиги ва тиришқоқлигинигина эмас, балки чалкаш фитналар уюштиришдаги истъёдодини ҳам таъкидлаб ўтдилар — бу борада у анча моҳир эди. Ўттиз ёшга келиб, ҳар қандай вазиятдан чиқа оладиган, сўзга уста диний арбоб бўлиб етишди. Хўжа Акбар Тўражонзода бир неча тилни мукамал билади. Унинг тарафдорлари фаол тарқатаётган фикрларга кўра, Қуръони каримни ҳеч ким унингчалик билмайди. Ваҳоланки, у баъзи сураларни ўз мақсадига мувофиқ тафсир қилиб, бир неча бор қийин аҳволга тушиб қолган эди. Бироқ унинг ҳар қандай вазиятдан чиқа олиш, ҳозиргина айтган гапидан уялмай-нетмай воз кечиш қобилияти уни бир неча бор оғир ноқулай аҳволдан қутқариб қолган эди.

У қозикалон лавозимини эгаллаган даврда собиқ СССРда қайта қуриш бошланган, ақидапарастлик ғояларини ташвиқ қилиш учун Тўражонзодага катта имкониятлар очилган эди. Қозикалоннинг бу ғояларни одамларнинг ислом динига бўлган табиий қизиқиши билан боғлай олиш маҳорати дастлаб кўпчиликни адаштирди. Унинг мавъизалари оммалашиб кетди. Бунга ҳайрон қолмаслик керак. Чунки аввалги совет ижтимоий-давлатчилик тузуми ўз моҳиятига кўра жанговар атеистик мавқеда бўлиб, динни ҳамда аҳоли турмушининг у билан боғлиқ анъанавий қоидаларини жиддий равишда чеклаб қўйган эди. Бу эса ижтимоий реванш омилини юзага келтирди ва Тўражонзода бу аҳволдан ғоят хурсандлик билан фойдаланди.

У республика Олий Кенгашига ноиб этиб сайлангач, жамоат ўртасида янада машҳур бўлиб қолди. 1990 йил февраль воқеаларидан кейин эса у сиёсий арбоб сифатида қарор топди. Аини тўқсонинчи йилнинг қишидан бошлаб у Тожикистоннинг мураккаб ва чалкаш сиёсий ҳаётида етакчи роллардан бирини ўйнай бошлади. Бироқ бунга эришиш учун оммавий ахборот воситаларини ўз томонига оғдириши зарур бўлди. Қозикалон бу ишни ҳеч бир қийинчиликсиз удалади. Сиёсий ўйинга усталиги, ўзини кўрсата олиши, анчагина катта молиявий имкониятлари Тожикистон жамоат ва давлат арбобларидан кўпчилигининг назарини унга қаратди. Улар Тўражонзода сиймосида

Ислом оламида жиддий ҳомийлари ва тарафдорлари бўлган кучли раҳбарни кўришни истардилар.

Адолат юзасидан шуни айтиш керакки, ёш диний арбоб бу қадар шиддат билан қудратли бўлиб бораётгани республикада ҳаммага ҳам ёқавермади. Қ. Маҳкамов ҳам қозикалоннинг сиёсий таъсири ошиб бориши туфайли Тожикистон халқи бошига тушиши мумкин бўлган мусибатларни жуда яхши тушунган эди. У қозикалонга қаршилик кўрсатишга уринди. Бироқ ўша вақтдаги кучларнинг жойлашуви, аҳоли ижтимоий-иқтисодий аҳволи ёмонлашганлиги бу диний арбобга янада кўпроқ имкониятлар яратиб бераётган эди. Ўшанда диндорлар унга қаттиқ ишонилган эди.

Чаққон, айёр, уста, рақибнинг ҳар қандай хатосидан ўз мақсадлари йўлида ғоят самарали фойдалана оладиган қозикалон Душанбеда масжид очиб, ёш ва ориятли диний арбобларни тўплади. Нима учун бу ишни қилиш зарур бўлиб қолди? Шариатнинг етакчи муфассири ишончли, шахсан содиқ ҳамфикрларсиз олдига қўйилган мақсадга эриша олмаслигини жуда яхши англади эди. Бироқ Тожикистоннинг кўплаб ўзига хос этник-уруғчилик, диний, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бор. Қозикалон бунини тушунарди. Шунинг учун аниқ йўналишга эга бўлган, унинг манфаатлари йўлида иш олиб борадиган партияларни ва ҳаракатларни тузишгина унинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш; сиёсий таъсирини янада оширишнинг реал йўли эди.

Шундай вақт келди ҳам. Республикада қозикалоннинг бевосита моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши билан Ислом уйғониш партияси шаклланди ҳамда сиёсий ҳаётда тобора катта роль ўйнай бошлади. Тўражонзода бу партиянинг пири — асосчиси бўлиб қолди. Қизиқ гап: охириги дақиқагача қозикалон ИУПга алоқадорлигидан қатъиян воз кечиш келди. 1992 йил охирига келибгина Ислом уйғониш партияси унинг узоқни кўзловчи режаларида асосий восита бўлганлигини баён этди.

Шу ерда ҳар қандай сиёсий партияни тузиш учун катта моддий маблағ талаб қилинишини эслаб ўтмоқ жоиздир. ИУП эса ҳеч қандай муҳтожлик сезмади. Пулларни қасрдан олди экан?

Тўқсонинчи йилдан бошлаб республикага кетма-кет инсонпарварлик ёрдами кела бошлади, шуларнинг қаторида ҳар бир мусулмон учун муқаддас саналган Қуръон

ҳам келди. Қуръонни диндорлар орасида бепул тарқатиш ўрнига партия раҳбарлари ундан юз нусхалаб олиб, ўзлари сотдилар. Инсонпарварлик йўли билан хориждан келаётган нусха кўпайтириш техникасини ҳам сота бошладилар ҳамда улардан ўз ташвиқий мақсадларида фойдаландилар. Чет элдан оқиб келган кўплаб миқдордаги валюталар ҳақида эса гапирмай қўя қолайлик. Шундай қилиб 1991 йил августида ИУП тугал тузилибгина қолмади, балки қурол-яроғ сотиб олишга ишлатиш учун унинг пули ҳам бор эди.

Қозикалон гарчи ўзини тинчликпарвар сифатида кўрсатса ҳам, маблағни нимага сарфлашни билар, аниқроғи кўрсата билар эди. У журналистлар билан ўтказган бир неча мусоҳабани эслаш кифоя.

"Тожикистонда Эронга ўхшаш ислом давлати қуриш ҳақида гапиришга ҳали эрта,— деб бир неча бор таъкидлаганди у.— Мамлакатимиз дунёвий тараққиёт йўлидан бормоқда. Янгича ижтимоий-сиёсий тузумдаги давлат қуриш учун эса камида ўттиз йил талаб қилинади". Маккага кетаётганда самолётда журналистларга айтган гаплари ҳам бор. Дарвоқе, қозикалон муборак Ҳаж сафарига уч марта борган.

"Чиндан ҳам ҳозир Тожикистонда нотинчлик ҳукм сурмоқда. Лекин бу ўнлаб йиллар давомида авторитар режим зулми остида ётган халқнинг миллий ўзлигини англашидаги табиий жараёндр. Республикада авж олаётган миграция жараёни ҳам табиий. Бунда ҳайрон қоладиган жойи йўқ, бутун маданиятли оламда шундай жараён кечмоқда. Бироқ шошилиш керак эмас. Русийзабон аҳолининг қўрқуви асосиздир. Бу одамлар биз билан кўп йил яшашди, энди иссиқ ўринларини совутмасликлари керак...

Айёрлик, мунофиқлик, маккорлик... Қозикалон ўз мақсадлари йўлида сиёсий фитнанинг бутун усулларидан фойдаланди. "Ислом демократининг" "қармоғига" кўплар илинди. Лекин ҳамма ҳам эмас.

Юқорида таъкидланганидек, қозикалоннинг республиканинг жанубий вилоятларидаги таъсири тўқсонинчи йилнинг бошидан кучайди. Ленинободлик диндорларнинг кўпчилиги ҳам ғайратли диний арбоб этагини тутганини тушунса бўлади. Бироқ шимолликларнинг асосий қисми, вилоят раҳбарлари бу таъсирга берилмадилар, унинг ҳақиқий мақсадини вақтида тушуниб қолдилар.

Республиканинг энг қашшоқ вилоятларидан бири — Кўлобдаги вазият ҳам оддий эмасди. Вилоят масжидининг имом-хатиби, Тожикистон Олий Кенгашининг ноиби Ҳайдар Шарифзода янги қозикалон тайинланган биринчи кундан бошлаб унга салбий муносабатда бўлди. Олий Кенгаш мажлисларида вилоят диндорлари ҳамда раҳбарларининг қўллаб-қувватлашига таяниб, баланд мартабали диний шахснинг таъсири кўлобиликларга тарқалмаслиги учун ҳаракат қилди.

Бу қатъиятлилик ўз самарасини берди ҳам. Барча қийинчиликларга қарамай, имом-хатиб Кўлоб вилояти масжидини республика қозилиги таркибидан чиқаришга муваффақ бўлди. Вилоятда Ислом уйғониш партиясининг бўлимини ташкил этиш тақиқлаб қўйилди.

Ҳайдар Шарифзода нима учун ўз диний раҳнамосига нисбатан шундай мурасасиз йўлни танлади?

Уни Тўражонзонанинг маккорлиги, мутлақ ҳокимиятга интилиши, қозикалоннинг ҳар қандай йўл билан мақсадга эришиш истаги, сурбетлик ва бераҳмлиқ каби шахсий сифатлари қаттиқ ташвишга солганди. Бу сифатлар кўлобликларда аллақандай ўзига хос диний алоҳидалик ва мутаассиблик билан қўшилиб, келгусида башорат қилиб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқарган бўлур эди. Хўжа Акбар Тўражонзода итоат этмаганларни кечирмас эди, воқеаларнинг кейинги ривожини шуни кўрсатдики, кўлобликлар ҳам "худосизлар" сафига киритиб қўйилганди. Бинобарин, бошқаларни билмадигу, аммо Ҳайдар Шарифзода диний ҳокимият устига яна сиёсий ҳокимиятнинг қозикалон қўлида бирлашишидан келиб чиқадиган барча хавф-хатарни яққол тасаввур этарди.

Бироқ ҳамма ерда шундай эмасди. Қозикалон республиканинг марказий ва жанубий масжидларида обрў ортиришда давом этарди. Тоғликлар, гармликлар, душанбелликлар номоз вақтида ўз раҳнамолари шаънига тинмай ҳамду сано айтишарди. Унинг коммунистларга нисбатан мурасасизлиги, ҳар қандай йўл билан Тожикистон ҳудудида ўзида Эрон, Афғонистон, Покистонни бирлаштирувчи янги жуғрофий-сиёсий иттифоққа кирадиган Эрон типидagi давлатни барпо қилишга бўлган иштиёқи, шунингдек, аниқ бир мақсадга йўналтирилган тарғибот муҳорибаси ўз самарасини берди.

"Чароғи рӯз" газетасидаги чиқишлар бунинг ёрқин далилидир. 1992 йил май ойида шундай ёзганди: "Ўзбекистонда Президентдан бошлаб то номи унчалик маълум бўлмаган шоиргача телевидение, радио, газета ёрдамида фақат ўзбекларнинг динга ишониши ҳақида гапирганлари ҳолда бошқа миллатлар тўғрисида лом-мим демаётирлар. Бу ерда турк йўналиши бўйича ягона ислом федерациясига Ўрта Осиё республикаларини, Қозоғистонни, Озарбайжонни (Тожикистон бундан мустасно) бирлаштиришга интилишмоқда. Бу иттифоқни "наҳанг", ёлғиз Тожикистонни эса "ҳимоясиз чавоқ" деб аташ мумкин, демак, уни бир ҳамла билан ютиб юборишади".

Бу маълумот қаердан олинган, қандай мақсадда кўпайтирила бошлади? Жавоби оддий. Тожикистон халқи (собик партаархивчи, ҳозирда этноназариячи Р. Масов фикрича, бу — зоти тоза, қадимий ҳинд-оврупо ирқига оид) истайдими-йўқми ўз кучларини жипслаштираётган шимол измига тушиб қолади. Яъни — пантрукизмга бўйсунишга мажбур бўлади, бу ҳол ҳақиқий тожиклар учун номатлубдир. Миллий кайфият ҳар доим давлат ҳокимияти алғов-далғов бўлиб кетган ва издан чиққан даврда кучли, ўзига ишонган, халқ равнақи йўлида ғамхўрлик қиладиган, "миллат халоскори"ни қидиришга олиб келишини қозикалон яхши биларди.

Яқинда мустақилликка эришган давлатга ким бошчилик қилиши мумкин? Ўз номига иснод келтирган коммунистларми? Юксак лавозимларни талаб қилаётган мағрур помирликларми? Ночор бўлсалар-да, тобора алоҳидалашиб бораётган кўлобликлар ёки қўргонтепаликларми? Очиғини айтганда, бу шараф уларнинг ҳеч қайси бирига насиб этмаслиги аниқ. Бу ё қозикалоннинг ўзига, ёки Тожикистондаги сиёсий воқеалар ривожига фаол таъсир кўрсатишни давом эттираётган кучли ва ҳамон қудратли ҳисобланган шимол вакилига насиб қилиши мумкин. Зеро, унинг "нияти — йўлдоши"-да! Бошқасига қозикалон тоқат қилмаган бўларди.

Қ. Маҳкамов мансаб пиллапоялари чўққисидан "қулагани"дан сўнг қозикалоннинг "шимоллик" Р. Набиевни қўллаб-қувватлашдан бошқа чораси қолмаганди. Унинг ўзи ҳокимиятни тўла эгаллаши учун ҳали вазият пишиб стилмаганди. Шунинг учун ҳам "асп юриш" қилинди. Набиевни тарғиб қилишга зўр берилди.

Шариатнинг бош муфасссирига нима учун бу сиёсий найранг керак бўлиб қолди? Янги Президентнинг коммунистик ўтмиши, калтабин сиёсати, муайян уруғ-аймоқчиликка берилиши, муаммолар тугунини ечишга ноқобиллиги ўз-ўзидан унинг сиёсий ўлимига олиб келган бўлур эди. Шу боис бўш, қатъиятсиз Набиевнинг ҳокимият тепасига келиши энг мақбул вариант бўлиб чиқди. Ҳа, у беэиён эди.

Тўражонзода ҳаммасини аниқ ҳисоб-китоб қилганди. Тожикистон демократик партияси, "Растохез", "Лаъли Бадахшон" ҳаракатлари, Ислом уйғониш партияси республикада тобора обрў топиб бораётганди. Табиийки, бош диний арбоб улар билан нафақат яқин муносабат ўрнатди, балки уларнинг эълон қилинмаган раҳбару раҳнамосига айланди. Қолаверса, арзимаган бадал ҳисобига яшаб ҳам бўлмайди-да. Қозикалонда эса ҳокимият, пул, қурол-яроғ... — ҳаммаси муҳайё эди.

Ҳақли савол туғилади: ислом ақидапарастлари қўлига қурол-яроғ қаердан тушиб қолди? Қиргин қуроолларини қўлга киритиш ва келтиришнинг бир қанча синалган йўллари бўлган. Булар — қуроолли кучлар, чегара қўшинлари, МХҚ ва ИИБ бўлинмаларидан автоматлар, гранатомётлар, тўппонча ва ўқ-дориларни талон-торож қилиш, сотиб олишдир. Маълумки, Душанбе майдонида май кунлари бўлиб ўтган воқеалар чоғида миллий гвардия қўмондони Раҳмонов Шаҳидонда митинг қилаётганлар томонга ихтиёридаги бир ярим минггача ўқ отувчи қурол ва жанговар ҳолатдаги бронетранспортерлар билан ўтиб кетганди.

Яна бир манба — камёб молларга алмашиш ҳисобига Афғонистондан қурол-аслаҳа олиш. У ёққа автомобиллар олиб борилар, рангли металллар, маиший техника, гиламлар ва пул юбориларди. Фожиали воқеалар авжга минган чоқ ва ақидапарастлар эгаллаб турган жойларини ташлаб кетганларидан сўнг у томондаги "Калашников" ва ўқ-дориларга қизалоқларни "бирга-бир" қилиб алмаштираверишди. Бундан ортиқ беҳаёлик бўлмаса керак.

Қозикалон шахсига атай батафсил тўхталдик, мақсад — Тожикистон раҳбарлигига кимни мўлжаллашганлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатишдир. Бинобарин, унинг амалга ошиши ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. У чоғда

халқ бошига тушиши мумкин бўлган азоб-уқубатлар кўламини тасаввур қилишнинг ўзи ваҳимали.

Қозикалон тўғрисида гапирганда, у кўпдан буён ўзини ва тарафдорларини ҳукуматга муҳолиф ҳисобламай қўйганини таъкидлаш лозим. Қирғизистон вице-президенти Феликс Кулов бошчилигидаги делегация Тожикистонга келганда, 6 октябрда у билан суҳбатда қозикалон бундай деганди: "Биз май ойидан бошлаб ҳукумат таркибига кирганмиз, шу боис муҳолиф ҳисобланмаймиз. Нима учун Россия бизга қурол-яроғ, танк ва ўқ-дорилар бермаяпти? Ахир биз коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага амал қилган ҳолда ёрдам сўраб Эрон ва Покистонга мурожаат қилмаяпмиз..." Ислом уйғониш партиясининг бошқа раҳбарлари ҳам худди шундай баёнот билан чиқишди.

Тоғли Бадахшон ўзининг қулай географик шароити билан кўпдан буён наркобизнес корчалонлари диққатини жалб қилиб келади. Турмуш кечирешнинг оғирлиги, ишсизлик кўплаб помирликларни "заҳри қотил" етиштиришга, қайта ишлаш ва жўнатиб туришга мажбур қилиб қўйган. Бажарилган "иш"нинг тегишли қисмига бартер бўйича ўқ отиш қуроллари, "стингер" ракеталари олиб турилган. Муҳолифлардан анча-мунча ажнабий қурол-яроғ қўлга олинган. Исроилнинг "Узи" автоматлари, Американинг М-16 автоматик милтиқлари, Хитойда ишлаб чиқарилган гранаталар ва гранатомётлар шулар жумласидандир. Тожикистоннинг нуфузли идоралари бу қуролларнинг кўпчилиги Эрондан бу ёққа мунтазам равишда келиб турган инсонийлик ёрдами таркибида бўлган, деб ҳисобламоқда.

Эндиликда шуни ишонч билан айтиш мумкинки, жангари ақидапарастларни замонавий қурол-яроғ билан таъминлашда қатор чет давлатларнинг махсус хизматлари катта роль ўйнаган. Гапимиз қуруқ бўлмасин учун фактларга мурожаат этайлик. Кўпчилик мамлакатларнинг жуғрофий-сиёсий режаларида Тожикистон муҳим ўрин тутди. Чунки улар Марказий Осиё минтақасига ялпи ўз таъсирини ўтказиш бўйича тузган узоқ муддатга мўлжалланган дастурларида мазкур республикадан оралиқ бўғин сифатида фойдаланишни назарда тутишади. Ўз ташқи сиёсатида "ислом революциясини экспорт қилиш" ни қатъий қоида қилиб олган эронликлар алоҳида фаоллик

кўрсатмоқдалар. Яхши маълумки, Душанбедаги Эрон элчихонаси қозилик билан жуда яқин муносабатда бўлган, руҳонийлар раҳнамосига маслаҳатлар бериб турган. Бунинг замирида гўё форслар ва тожикларнинг этник ва маданий яқинлик негизидан ана шундай яқин ўзаро таъсирлари мустаҳкамланиб боради, деган асос ётарди.

Бундан ташқари, Эроннинг кенг кўламдаги режасига кўра, бир томондан, Тожикистон минтақада тобора кучайиб бораётган туркийлар таъсирига ғов қўйиш ва мавжуд гарбпарастлик кайфиятини сусайтириш учун асос бўлса, иккинчи томондан, Тожикистонни ўз манфаатларига бўйсундириш гоёси ётарди. Исломчилар, афтидан, Марказий Осиёнинг бошқа республикаларида ўз ҳукмронликларини ўтказиш ва ўрнатиш учун кўприк барпо қилишни мўлжаллашганди.

Афғон мужоҳидлари раҳбарларининг ўз сиёсий интилишларида "тожик омили"дан фойдаланишлари ҳам ўз-ўзидан тушунарли. Г. Ҳикматёр учун тожик маслакдошларни қўллаб-қувватлаш дунёда ислом ақидапарастлигини кенг тарқатиш йўлини тасдиқлашгина эмас, балки афғон шимолидаги ашаддий душмани — ўзбек генерали Р. Дўстумнинг мавқеини сусайтириш ҳамдир.

Бироқ афғон мужоҳидлари, бошқалардан фарқли ўлароқ, унча кўп иш қила олмайдилар. Улар ҳозирча фақат қурол-аслаҳа ва жангариларни етказиб беришга қодирдилар.

Бу — тожик ақидапарастлари йўлбошчиларининг стратегик режаларидир. Агар уларнинг тактик фаолиятлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, энг аввало, бу фаолият молиявий ва ҳарбий ёрдамга асосланганлигини айтмоқ жоиз. Мана, фактларга мурожаат этайлик. 1991—1992 йилларда Тожикистоннинг турли районларида янги масжидлар қурилди. Одатдагидек, улар чет элдан келган маблағлар эвазига бунёд этилди. Улар қурол-аслаҳалар асосий омборига айланди, бу ерда жангариларнинг яширин йиғинлари ўтказилиб, ўз тузумларига тўғри келмайдиган шаҳар ва қишлоқларни йўқ қилиб юбориш режалари ишлаб чиқиларди.

Ислом ақидапарастларига эрон ва афғон йўриқчилари яқиндан ёрдам бериб туришди. Шуниси аниқки, улар жангариларни тайёрлашда нафақат Афғонистон ҳудудидаги лагерларда, балки Тожикистоннинг ўзида ҳам фаол шу-

гулланишди. Жумладан, Душанбедан атиги қирқ километрча нарида бўлган Варзоб ва Ромит дараларида ўқув марказлари ташкил этилиб, бу ерда чет эллик йўриқчилар "дин йўлида муқаддас уруш"га кирувчи ёшларни қирғиннинг энг нозик усуллари қўллашга ўргатишди.

Ҳеч қандай айб қилмаган кишиларнинг тириклайин терисини шилиб, бош терисини шилиб олиш, кўз ва оғизларига эритилган қўрғошин ва қатрон қўйиш нима учун керак бўлиб қолди? Ахир ҳаммом ва саройларга на фақат ақидапарастларга қарши кишилар, балки ҳар қандай сиёсатдан йироқ бўлган болалар, қариялар, аёллар ҳам банди этилганди-ку.

У ердан деярли ҳеч ким омон чиқмаган. Қўрқув ва даҳшат уруғини сочиш, ўз иродасига итоат этишга мажбур қилиш — жангариларнинг асосий мақсади. Ақидапарастлар ниятига кўра, фақат ҳақиқий тожикларгина яшаш ҳуқуқини олишлари мумкин эди. Шу ўринда қозикалоннинг комил ишонч билан айтган қуйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ: "Муқаддас урушда тожикларнинг ярми қирилса, қирилиб кета қолсин. Аммо қолганлари билан мен чинакам ислом давлати қураман!.."

Қонли террорнинг ҳақиқий ташкилотчиси — қозикалон, ўттиз тўққиз ёшли диний раҳнамо, дарғазаб "ислом демократи" Хўжа Акбар Тўражонзоданинг тожик фожиаси сабаблари ва ҳаракатлантирган кучлари тўғрисидаги гапи айна биз қўймоқчи бўлган асосий саволга жавоби эмасми?

Тожикистондаги фуқаролар уруши алангаси эса тобора кўкка ўрлаб борарди. Ақидапарастларнинг яхши қуролланган, ҳаракатдаги отрядлари қадимий юртда қонунсизликни авж олдириб, кун сайин юзлаб, минглаб ўз ватандошларини маҳв эта борди. Давлат ҳокимиятидаги фалажлик, ҳуқуқ-тартибот органларининг бутунлай ноқобиллиги жангариларга янада қўл келди. Улар тожикми, русми, ўзбекми, татарми... дуч келганларнинг ҳаммасини бирдай ўлдириб кетаверишди. Нима учун? Ислом фундаментализмининг улуг ғоялари йўлида-да!

Ислом фундаментализмининг ўзи нима, қандай мафкурага асосланади?

Бу — ўта реакцион, мутаассибларча ҳаракат бўлиб, ўз олдига мусулмон мамлакатларида ҳокимиятни қўлга киритишни, дунёвий ривожланиш йўлидан юз ўгириб, шариат қонунлари асосида давлат тузишни мақсад қилиб

қўяди. Ислом ақидапарастлиги мафкурасини унинг раҳнамоларидан бири, 1966 йили Сурияда давлат тўнтаришини тайёрлашда айбланиб, ўлимга маҳкум этилган Саид Қутба анча аниқ ифодалаб берганди. Унинг баёнотича, ижтимоий адолатли давлат тузумига фақат зўравонлик йўли билан эришиш мумкин. Қон тўкиш — чинакам мусулмон давлатини барпо этишнинг ягона йўли.

Ислом ақидапарастлиги Марказий Осиё минтақасига Ливия, Ироқ, Саудия Арабистонидан кириб келган. Унинг ғоялари Тожикистон вакиллари қатнашиб, сўзга чиққан Ислом Конференцияси Ташкилотлари (ИКТ) сессияси ишидан сўнг Тожикистонда ҳамда Ўзбекистоннинг Фарғона водийси бир қатор районларида анча кенг тарқала бошлади. Ўшанда улар коммунистик ҳокимиятга қарши курашаётган биродарлар сифатида ИКТ раҳбарларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ваъдаларини олишганди.

Ақидапарастликнинг жиддий таъсири Ўрта Осиё минтақасидан зиёратчилар Маккага ҳаж сафарига мунтазам бора бошлаган 1989 йилдан айниқса кучли сезила бошлади. Тожикистон руҳонийларига катта кўламдаги ёрдамлар берила бошлаши ҳам шу даврга тўғри келади. Шуни айтиш керакки, бу ёрдам нафақат муқаддас китоблару оргтехникадан, балки ўн миллионлаб долларлардан иборат эди. Уларнинг нималарга сарфлангани бугунги кунда яхши маълум. Бир қисми — масжидлар қурилишига, асосий қисми эса — Афғонистон ва Покистондан қурол-яроғ сотиб олишга, мутахассис-йўриқчилар маошига сарфланган.

Шариатнинг етакчи муфассири бу борада ўзини ҳам унутмаган кўринади. Мавжуд маълумотларга қараганда, чет элда унинг ҳисобига катта миқдорда пул тўпланган, бу — "дин ҳомийси"нинг бутун таъминотига етадиган сармоя. Айтишларича, Тожикистондаги хунрезликлар арафасида у ўз оиласи ва яқинларини чет элга олиб бориб, яхшилаб яшириб келган. Қолган кишилардан эса ўз давлатини қуришда фойдаланишни кўзлаган...

Жангариларнинг моддий рағбатлантирилишига келсак, уларга Душанбеда фаолият кўрсатувчи "Қозилик банки" дан катта миқдорда маблағ ажратиб турилган. Бу пуллари диндорларнинг ихтиёрий хайриялари деб ўйлаш гўллик бўлур эди. Мухолифчилар пул топишнинг ҳар қандай жирканчли йўлларида қайтмаганликларини тас-

диқловчи кўплаб далиллар бор. Бунинг энг таъсирчан йўлларида бири — ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарз саналган жаноза ўқитмаслик йўли билан таҳдид солиш эди. Кейинроқ, яъни фундаменталистлар мағлубиятга учрай бошлагач, ҳар бир оиладан биттадан жангари талаб қилиб чиқишди. Аммо бунинг ўрнига 40 минг сўм тўланиши ҳам мумкин эди...

Энг қонли воқеалар, гуноҳсиз кишиларга нисбатан чинакам хунрезликлар Қўрғонтепа вилоятида рўй берди. Фақат Ургут қишлоғининг ўзида саноқли соатлар ичида болалар, аёллар, қариялардан иборат минг киши бўғизлаб ташланди. Ақидапарастлар жангарилари 70 минг аҳолиси бўлган вилоят марказига бостириб киргач, минг-минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди. Шу чоққача қийнаб ўлдирилганларнинг аниқ сонини ҳеч ким айтиб беролмайди. Бироқ шаҳар озод қилингандан сўнг у ерда атиги беш минг аҳоли қолди. Журналистлар уни "Мурдалар шаҳри" деб номлашди. Ваҳоланки, бунда муболаға йўқ эди.

Ислом ақидапарастлари нима учун бутун қаҳр-ғазаб ва нафратларини Қўрғонтепага қаратишди?

Шаҳарни Халқ fronti Сангак Сафаров раҳбарлигида мудофаа қилиб турганди. Икки томондан ҳам жуда катта талофот берилди. Чунки жангларда бронетехника ҳам қатнашди. Қўрғонтепа халоскорлари қўлига ажиб ҳужжат — вилоят ижроия қўмитасининг раиси, ақидапарастларнинг ашаддий тарафдори Қадриддин Аслоновнинг кундалиги тушиб қолади. У С. Сафаров буйруғига биноан отилган эди. Бу кундаликка нималар битилган бўлиши мумкин?

Биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар обдан ёзилганди. Жумладан: штаб тузиш, ҳарбий тизимни рота, батальон командирларни шахсан кўрсатган ҳолда шакллантириш, ялпи ҳарбий сафарбарлик эълон қилиш, пост ва дозорлар қўйиш, ИИБ в МХҚБ раҳбарларини, вилоят ҳарбий комиссарини (фамилияма-фамилия) тайинлаш, махфийликка қайтғий амал қилиш кабилар битилганди.

Ислом ақидапарастларининг таянчи ҳисобланган Қ. Аслонов шу ерда жойлашган Россиянинг 201-мото-ўқчи дивизияси қисмларини бутун ҳарбий техникаси билан муҳолифчилар қўлига топширишга эришиши лозим эди. Кундаликда полкка раҳбарлик қилиши мумкин бўлган

кишиларнинг исми шарифи, полк штаби, тиббий хизмат, тарғибот бўлимлари кўрсатилганди. Ҳужжат русча тўлдирилганди, собиқ Совет Армияси қўшинларининг штатдаги лавозимлари эса асос қилиб олинганди.

Биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қаторида қуйидагилар ҳам саналганди: дарҳол телеминорани ишғол этиш, Душанбе билан алоқани тиклаш, бронетехникани, гранатомётлар ва пулемётларни тақсимлаш, жойларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва ун етказиб бериш.

Вилоят хўжаликлари бўйича аниқ тузиб чиқилган график ҳам кўзда тутилганди. Унда қайси колхоз, совхозларда ақидапарастларнинг қанча бронетранспортёри, автомати, пулемёти, гранатомёти, милтиқ, граната ва патрони борлиги кўрсатилганди. Энг муҳим йўналишлар бўйича жангарилар ва улар командирларининг миқдори кўрсатилган постлар аниқ белгилаб қўйилганди. Масалан, "Қизилқалъа" кўприги мудофааси ўттиз кишилик М. Ермаков отрядига топширилганди. Уларга ўнта "Калашников" автомати, иккита пулемёт, иккита гранатомёт, қўл гранаталари тўғри келганди. Зарур бўлиб қолса, бу ёққа зудлик билан танк, бронетранспортёр ёки пиёда аскарларнинг жанговар машинасини юбориш мумкин эди.

Қўрғонтепа вилояти ижроия қўмитасининг собиқ раиси махфийликка алоҳида аҳамият берганди. Ишлаб чиқилган код рўйхатидан келтирилган қуйидаги парча қизиқиш уйғотиши табиий:

- Пиёз — Акаи Раҳимжон;
- Картошка — Баҳриддин;
- Шолғом — мулло Шохмарасул;
- Чойи кабуд — автомат;
- Чойи до — қўл пулемёти;
- Чойи ҳинди — бронетранспортёрдаги тўп;
- Фатир — гранатомёт;
- Гўспанд — бронетранспортёр;
- Кушкор — пиёда аскарларнинг жанговар машинаси;
- Буқа — танк;
- Модагов — БРДМ;
- Шафтолу — пулемёт;
- Зардолу — граната;
- Олуча — тўппонча.

Тегишли нумерация — кодлар вилоятнинг барча район ва хўжаликларига берилганди.

Қ. Аслонов кундалигининг сўнгги саҳифалари Қўрғонтепа вилояти раҳбарияти тизимига бағишланганди. Ишонч билан шундай ёзиб қўйилганди: "Раис — Қадриддин Аслонов!"

Ақл бовар қилмайдиган факт: ҳокимият учун курашда, тартибсизликларда, давлат тизимининг бутунлай издан чиқишида зиёлиларнинг, совет ва партия ходимларининг, руҳонийларнинг вакиллари жонбозлик кўрсатишди. Бир қарашда, ғалати манзара кўзга ташланади — яқингинада бир-бирига қарама-қарши турган гуруҳлар "апоқ-чапоқ" бўлиб қолишди. Лекин уларни ашаддий миллатчилик, "улуғ тожик давлатини барпо қилиш ғояси" (агар шундай бўлганда улар юксак мавқе тутган бўлишарди) бирлаштирганди. Шунинг учун ҳам бу мақсадга етишиш йўлида улар ҳеч нарса билан ҳисоблашишмади. Инсон ҳуқуқлари "ҳомийлари" сифатида майдонга чиққан ақидапарастлар ҳамма "худосизлар"ни ўлдиришга фатво беришиб, бирон нарсада озгина гумон қилиш мумкин бўлган ҳар қандай одамни маҳв эта боришди. Қўрғонтепадаги хонадонларга бостириб кириб, талон-торож қилган, қийнаб ўлдирилган мусулмонларнинг бир аҳволдаги жасадларини йиғиб олган Россия қўшинлари аскарларини мерган милтиқлари билан нишонга олган кишилар кимлар эди. Наҳотки мусулмонлар!?

Бу пайтда эса фуқаролар уруши қурбонларининг қони Тожикистон ерларини тобора бўяб борарди. Эрон ва Покистон йўриқчилари, афғон мужоҳидлари томонидан тайёрланган ақидапарастлар мададга муҳтож эдилар. Ўз отрядларини бутлаб олиш усули оддий эди. Қишлоқлардан Совет Армияси сафларидан қайтган йигитларни олиб кетишди. Итоат қилмаганларни отиб ташлашди. Аммо бундан ҳам даҳшатли воқеалар бўлди: қайсарлик қилганларнинг кўз олдида уларнинг хотинлари ва болаларини зўрлашди, ота ва оналарини тириклайин ёқиб юборишди. Бундай бедодликларни амалга оширишда ислом ақидапарастлари ашаддий каллакесарлар хизматидан фойдаланишди.

Мана, бир мисол. Жангарилар Душанбе яқинидаги Роҳати қишлоғида жиноятчиларни ахлоқ тузатиш колониясидан қутқариб олишади. Айни чоғда колония ходимларининг қирққа яқини шафқатсизларча ўлдирилди. Шун-

дай қилиб, жангарилар сафини қотиллар ва зулмкорлар тўлдирди. Улар тожик давлатини барпо қилиш улуғ ғояларини ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмайди. Уларни тез ўлжа орттириш, тажовузкорлик ҳисси "кўз кўриб, қулоқ эшитмаган" жиноятлар сари етаклади.

Сиёсатдонлар ўз ишлари билан машғул бўлиш ўрнига ақидапарастларга қарши турган республика арбобларини қатл этиш билан шуғулланишди. Барча ҳийла-найранглар ишга солинди. Қозикалон кўрсатмасига биноан, унинг парламентдаги малайлари бир қанча юксак мартабали раҳбарларнинг қўриқчиларини олиб ташлаш тўғрисидаги қарорни "ўтказишди". Шуниси ажабланарлики, буни парламент деярли бир овоздан маъқуллади. Бу нима учун керак эди? Мақсад — номаъқул кишиларни озгина уриниш билан олиб ташлаш эди. Улар шундай қилишди ҳам.

Тожикистон бош прокурори Ҳувайдуллоев ваҳшиёна ўлдирилди, Кўлоб вилояти ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Сангов, исломчиларга очиқдан-очиқ қарши чиққан Абдураҳимов қийноққа солинди ва бурдалаб ташланди.

Тожикистон Олий Кенгашининг депутати, республика божхона бошқармасининг бошлиғи Алимовнинг чавоқланган жасади бир неча ойдан сўнг ариқлардан биридан топилди.

На фақат сиёсий арбобларни, балки ақидапарастлар душманларини ҳам ваҳшийларча ўлдиришди. Шундай қисмат Тожикистонда машҳур истисъодли қўшиқчи ва бастакор Кароматулло Қурбоновни ҳам четлаб ўтмади. Уни ўз ансамбли билан концертга кетаётганида жангарилар қўлга олишди. На машҳурлик, на халқ меҳр-муҳаббати уни ва етти нафар мусиқачини ўлимдан қутқара олди. Айтишдарича, у ўлимини олдиндан ҳис қилган экан. У ўзининг сўнгги концертини 1992 йил ўнинчи октябрда Тошкент телевидениесига берганди. Ўшанда биронта ҳам шўх қўшиқ айтмаганди. Орадан ўн кун ўтгач, у ўлдирилди. Кароматулло жонажон Тожикистони, унинг осмонўпар тоғлари ҳақида, севги-муҳаббат тўғрисида... куйларди.

Тожикистонга матбуотнинг кириб келишига, айниқса Россия матбуотининг кириб келишига кенг йўл қўйишарди. Чунки Россия матбуотининг "ҳиммати" билан ақидапарастлар "коммунистик тузум душманлари", "ислом де-

мократлари" деган номларга мушарраф бўлдилар. Бироқ Россия матбуоти ҳам ўзига кела бошлади. Мухолифчиларни "ислом-демократик иттифои" дейдиган бўлишди. Қон тўкилишида бу иттифоқдан бўлак ҳеч ким айбдор эмас!

Вахш дарёси қайирининг ўзида ҳар куни эрталаб ўн ва ундан ортиқ тилка-пора қилинган мурда тутиб олинди. Ленинобод вилоятидан ташқари, бутун мамлакатда аҳвол шу эди.

Шундай вазиятда Президент Набиев ўзини қандай тутди. У разолат ботқоғига бутунлай ботиб бўлганди. Кўпчиликнинг фикрича, Набиевнинг феъл-атвориға кўр-қоқлиги айниқса салбий таъсир кўрсатган. Яна шу нарса ҳам маълумки, ўша машҳур майдонлардаги йиғинларда "демократлар" нинг раҳбарларидан бири агар ҳукумат томонидан уларга нисбатан куч ишлатиш чоралари қўллангани бўлса, унинг бошиға Чаушескунинг куни тушишини айтган. Шунда у тақдирға тан берди... Фуқаролар уруши, бегуноҳ кишилар қони тўкилиши — раҳбарият масъулиятсизлигининг, давлат тизимлари бўшашиб кетганлигининг, ҳукмрон табақалар фаолиятсизлигининг асосий кўрсаткичидир.

Тожикистонда қочоқлар пайдо бўлди. Улар юз минглаб кишиларни ташкил қилади. Русийзабон аҳоли уй-жойларини, мебелларини арзон-гаровға сотиб, тезроқ Россияға равона бўлиш тарадудини кўрди. Тожиқлар ва ўзбеклар, бошқа миллат вакиллари Ўзбекистон чегараси томон оқиб кела бошлади. Уларнинг кўпчилиги Фарғона водийсидаги, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятларидаги қариндош-уруғлариникида қолиб кетишди. Қуйида фожиаларни бошдан кечирган кишиларнинг ҳикояларини келтирамыз.

Товашар Пардаев, Вахш районидаги Киров номли совхоз яшовчиси: "Июнь ойининг ўрталарида қишлоғимизға қозикалон жангарилари бостириб киришди. Олдинига ҳамма уйларни талон-торож қилишиб, пулларни, қиммат баҳо буюмларни, қўлга илинадиган ҳар қандай нарсани олиб кетишди. Мендан нимани ҳам олишарди? Хотиним билан ўн иккита фарзандимизни? Сўнг босқинчилар уйларни ўққа тута бошлашди. Биз эғнимиздаги кийимимиз билан кўчаға чиқиб қочдик, Ҳосили йиғиб олинмаган далалар оралаб Ўзбекистон чегараси томон боравердик. На нонимиз, на пулимиз бор. Аллоҳға шукрлар бўлсинки,

тирик қолдик. Ахир қишлоғимиздан кўпчилик қурбон бўлди. Менинг уйим қолганми-йўқми билмайман. Ўйлайманки, ер билан битта қилинган. Чунки ақидапарастлар ўзларидан кейин ҳеч вақо қолдиришмайди".

Ибохон Акбарова, Қўрғонтепа вилояти Бахтар районидаги "Сарвин" колхози яшовчиси:

"Уруш бизға сентябрнинг бошларида етиб келди. Олдин исломчилар қишлоғимизни автомат ва тўплардан ўққа тутишди, сўнг ёш йигит-қизларни олиб кетган ҳолда уйларни ўмаришға тушишди. Энди уларнинг кўпчилигини кўриш ҳеч кимға ҳеч қачон nasib қилмайди. Уйдан чиққанимизда сигир соғишға ҳам, болаларға ул-бул олишға ҳам улгурмагандик,— бу пайт босқинчилар бугдойзор ва ун комбинатиға ўт қўйиб юборишди. Менинг охири кўрган нарсам тутун билан ёнғин бўлди. Кўлоб орқали Ўзбекистондаги қариндошларимизникиға келиб олдик. Хайрият, еб-ичириб, кийинтиришяпти. Аммо томоғимиздан ҳеч нарса ўтмайди, қолаверса, бировнинг елкасидагини олиб кийиш ҳам ўнғайсиз.

Кўлобда менинг икки ўғлим Халқ fronti отрядлари таркибида исломчиларға қарши жангға киришганди. Уларнинг тақдири нима кечди экан, тирикмикан ишқилиб... Қайғудан юракларимиз эзилади".

Нурмаҳаммад Аҳмедов, Қўрғонтепадан:

"Кўчамизға кириб келган танклар ва бронетранспортерлар ўқ ёғдира бошлади. Дуч келган томонға, уйларға, дўконларға отаётгани шундоққина кўриниб турарди. Апилтапил оиламни жамлаб, шаҳар ташқарисига олиб чиқдим. Хайриятки, ҳар бир гўшани яхши биламан. Ўн кун тоғларда яшириниб юрдик, илдишларни еб, тирикчилик қилдик. Сўнг Гулистон томон йўл олдик. Яқинда хотиним Душанбеға бориб келди, у ерда ўн етти яшар қизимиз қолганди. Аммо у яшаган уй ёниб кетганди. Қизим ҳаётми-йўқми билмайман.."

Ҳамроали Аҳмадалиев, Қўрғонтепа вилоятидаги Карл Маркс номли колхоз яшовчиси:

"Баҳорда ҳарбий хизматдан қайтгандим. Германиядаги совет қўшинларида хизматни ўтагандим. Энди уйға келган ҳам эдимки, фуқаролар уруши бошланиб қолди. Қишлоғимиз ёнида оқадиган дарёдан биз ҳар куни мурдаларни тутиб олардик. Болалар, аёллар. Ҳаммаси чавақланган бўларди. Уларни яқин орадаги тепаликка дафн этардик.

Бошқа имкони ҳам йўқ эди-да! Ақидапарастлар ҳамма ёққа пост қўйиб ташлашганди, чивин ҳам учиб ўтолмасди. Улар автомат, пулемёт, гранатомётлар билан қуроланишганди. Машиналарнинг баки бензинга тўла эди. Қишлоққа кириб келгач, уйларга киришарди ва: "Набиевга овоз берганмисизлар? Мана, кўрдиларингми нималар бўлаяпти. Энди сизлар ўлишларинг керак..."— дея ўшқира кетишарди. Улар гармлик тожиклар билан фарғоналикларнинг барқига яхши боришарди. Уларда истаганча маълумот бор эди. Уйимизга келишиб: "Сен мана Германияда хизматдан кайтибсан, қандай бўлмасин, эртага отрядимизга кел, акс олда сени ва ҳамма қариндошларингни боши ўлимда!"— деб қолишди. Мен одамларни ўлдиришни истамадим. Бизнинг маҳал оиламиз билан қишлоқни тарк этдик. Ўзбекистонга кетаётиб, йўлда танк қуролсиз оломонни тинимиз ўққа тутиб, кенг занжирлари остига олиб топтаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бу ярамастарнинг ўзларини шундай қилиб қириб ташлаш керак!"

Мана буниси — азоб чеккан кишининг олти кунлик тарихини дақиқама-дақиқа ёритган, ўз таъсир кучи билан оёб саналади. Бу — бир йигитнинг кундалиги. У Ўзбекистоннинг жанубидан Душанбегга ўз қариндошларидан хабар олиш ниятида жўнаган. Ундан айрим парчалар келтириш иттибохонлар учун қизиқарли бўлади, деб ўйлаймиз.

"Чегарага етиб олдим. Капитан Абдиев таассуф билан бош чайқаб деди: "Очигини айтсам — рухсат бериш керакми-йўқми билмайман. У томонда уруш кетяпти. Бирон йиди ўққа йўлиқмасанг дейман-да, Ҳай, майли... агар кўрада зарур бўлса, нима ҳам дея олардим. Сенга омад ёр бўлсин". Ишониш қийин эди: ноябрь ойининг бегубор келиши, урушдан ном-нишон йўқ. Раҳматулла исмли йигитнинг машинада Регар темир йўл станциясигача олиб келиб қўйди. Бу ерда бизни қуролланган ва пешоналарига қизил тасма танғиб олган оддий кийимдаги кишилар билан учраш руҳи тўхтатди. "Ортга қайтинглар,— дея уларнинг энг каттаси сўка кетди.— Нима, жонларингдан тўйганмисизлар". Мен машинадан тушиб қолдим. Раҳматулла қайриб олиб, ортга қайтиб кетди. Кимдир бир маромда: "Қақ-туқ..." қилиб дарахт чопарди. Кейин тушунтиришларидан, бу — жанг майдонидан келаётган ўқ товуши экан. Станциянинг кутиш майдонида мендан бошқа яна икки киши бор эди. Танишиб олдик: улар — Жамолиддин ва

унинг ўғли Акбар эди. Бир оз вақт ўтгач, бизга жижжаклик йигит қўшилди. Бизнинг мақсадимиз бир: Душанбедаги қириндошларимизга ёрдамлашиш, агар имкони бўлса, уларни бехатарроқ жойга олиб кетиш эди...

Кейинчалик темир йўл ходими тушунтирганидек, бу ерда 24 октябрдан буён ҳукумат тарафдорлари — "юрчиклар" (юрдик, ҳуқуқий ҳукуматни қайта тиклаш учун курашчилар) билан уларнинг душманлари — "вовчиклар" (ваҳҳобийлар) ўртасидаги жанглар давом этаётганди. Уч кун илгари "юрчиклар" "вовчиклар"дан қуролларни топширишни талаб қилишганди, аммо бу талаб жавобсиз қолди... Мен симёғочлардаги, деворлардаги "Уй сотилади", "Ҳақи тўланган кооператив квартирани арзон баҳода сотаман", "Шимолий Уралгача борувчи ҳамроҳ керак"... деган сон-саноқсиз эълонларни кўрдим.

Мана, эшитган суҳбатларимдан бир мисол: "Бизда оддий арифметика бўйича иш кўрилади — жангга кир ёки 40 минг сўм тўлаб қўй. Ўн минглаб бегуноҳ кишиларнинг қонини тўккан бундай демократияга шахсан мен ишонмайман. Мурдалар жим турмайди, ҳали яна тилга киради".

Отишма давом этмоқда. "Вовчиклар" эгаллаб олган ҳудуд осмонига тутун кўтарила бормоқда. Станциядан унча узоқ бўлмаган жойда жанг авжга минди. Автоматларнинг шовқини, тўпларнинг гумбури, пулемётларнинг сайраши эшитилиб турарди. "Уруш маъбудиди" асов отга миниб олганди... Пешоналарига қизил тасма танғиб олган қуролли кишилар жанглар бораётган томон ўтиб кетишди. Ҳар замонда номерсиз машиналар кўзга ташланиб қолади. Бир гуруҳ кишилар мотам кийимларини кийиб олишганди. Улар оҳиста гаплашишарди. Шамол ерда ётган барглари учираб борарди.

...Темир йўл станциясининг бошлиғи Жаббор ака Душанбе билан боғланди. Пойтахтда осойишталик эди. Темир йўл кўтармасини таъмирлаш учун ҳарбийлар келишди. Керакли ерга етиб боришимиз учун фақат мухолафат имкон бермаётир. Алам билан самога боқамиз. Ҳеч бир нажот йўқ. Бир ўқ сарғайган ток баргини чирт узиб, шундоққина бошим устидан учиб ўтди.

Бизнинг сафимизга Душанбегга йўл олган яна беш рус киши қўшилди. Бир оз вақтдан сўнг улар қаёққадир ғойиб бўлишди.

Отишма тўхтади. Ўнлаб хонадонлар яксон қилинди. Қизиқ, чорраҳадаги бир уйнинг эгаси эрталабдан томига шифер қоқа бошлаганди. У кечга томон ишни битирди. Тунаш учун тайёрлаётганимизда, бизга пароль "Тупик" эканлигини маълум қилишди. Тун бўйи бу сўз икки дафъа қўл келди.

Рация орқали эшитилган суҳбатдан: "Мен Зоирман. Аҳвол оғир. Кеча 12 киши ҳалок бўлди, 40 киши яраланди. Муҳаммад Раҳим дом-дараксиз йўқолди. Душман томон жавоб зарбани олди — улардан юз киши ўлди, 210 киши яраланди. Уларнинг раҳнамоси мулла Аълам номаълум томонга ғойиб бўлди. Ҳозир уларга автобаза бошлиғи Шариф бошчилик қилмоқда".

Бу гал кутиш залидаги печкани ёқиб юборишни менга топширишди. Вагондан кўмир келтирдим. Сафимизга яна русийзабон олти эркак, хотини ва иккита боласи билан бир лўли келиб қўшилди. Кейинроқ яна бир рус аёли келди.

Қон тусига беланган қуёш ботди. Тунни оч-наҳор қаршиладик.

Уйғониб кетдим, тўғрироғи, уйғотиб юборишди. Яна ҳужжат текширилди. Тагин отишма бошланди. Поезддан эса ном-нишон йўқ. Фақат хўрозларгина урушни тан олмай, бирин-кетин қичқиришарди. Лўлининг паспорти йўқ эди. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат қаёқдан ҳам бўлсин лўлида. Автоматчи: "Отиб ташлайман!" деб қолди. Лўли хотин ва болалари йиғлашга тушди. Биз тошқотиб туравердик. Хайрият, автоматчи ниятидан қайтди. Лўлини штабга олиб кетишди.

Қоронғу зал одамлар билан тўла. Ариқда қўлимни ювган эдим, паспортим тушиб кетди. Печкада ярим соат уни қуритдим. Ҳамманинг тилида "уруш", "стингер", "гаров", "позиция", "окоп", "окупация", "разведка" каби сўзлар.

Отишма анча пасайди. Ҳукумат тарафдорларидан жангчи Содиқ Раҳим (ошпаз) ўлдирилди. Яна автомат товуши эшитилди. Кимдир ҳаётдан кўз юмди. Ташқарига чиқдик. Темир йўл станцияси деворларида янги ўқ излари пайдо бўлибди.

Аллакимлар Тожикистон Халқ фронтининг мурожаатини аҳолига тарқатишганди. Унда ҳукуматга қарши чиққан кучлар айбланарди. Мурожаатда айтилганидек, бу кучлар-

нинг айби билан сўнгги олти ой мобайнида ўн минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриган, қочоқлар сони 430 минг нафарга етган.

Баҳодирнинг тракторига 52 нафар мурда ортилганида, бадбахт тракторчи жинни бўлай деб қолди. Станциядан на сим қоқиб, на телеграмма йўллаб бўлади. Темир йўл эса "ўлик" ҳолда. Нон қидириб атрофдаги ҳамма магазинларга бориб келинди, аммо уларнинг биронтаси ҳам ишламасди. Ниҳоят, темир йўл дўкончасидан икки банка консерва топишга муваффиқ бўлинди. Жамолиддин ака аллақардан бир буханка нон келтирди. Тамадди қилдик.

Аравада шу ерлик тожик Жума таксичининг чавақланган жасадини олиб ўтиб қолишди. Аравани бир йигит юргизиб бораяпти, унинг ортидан икки аёл эргашиб кетаяпти. Айтишларича, таксичининг тўрт фарзанди етим қолган.

Шаҳарда ҳаёт жонлана бошлади. Гастроном очилди. Савдода шарбатлар макарон ва булочкалар бор. Икки жойда арақ сотилмоқда. Бир уйдан чой дамлаб беришларини сўрадик. Бизга ўхшаш қочоқлар ва бегоналар бу ерликларнинг жонига тегиб кетган бўлса керак деб ўйлайман. Аммо улар чидашади, чунки эртага улар ҳам бизнинг куйимизга тушишлари мумкин.

Станцияни тарк этиб, йўлга тушдик. "Ширкент" меҳмонхонасига жойлашган штабга етиб келдик. подполковник бизга уч автоматчи ва автобусни бириктириб, оқ йўл тилаб кузатиб қолди. Батош назорат пунктига келдик. Ҳужжатлар текширилди. Радио орқали тингланган хабардан: "Тожикистонда пахта териш суръати ўтган йилдагидан 550 минг тоннага кам. Республикага бу уч миллиард сўмлик зарар келтиради..." Ҳайдовчи бизни Шоҳамбар қишлоғи яқинида туширди. Бу ёғига пиёда кетамиз. Оёқ ости тўла гильза. Душанбегача 132 километр юриш керак. Бироз вақт ўтгач, бизни усти брезент билан қопланган "ЗИЛ-130" чиқариб олди. Шу машинада Душанбегача етиб келдик. Шаҳарда ҳарбий ҳолат. Комендантлик соати жорий қилинган. Ҳар бир қадамда 24 октябрдаги воқеалар изи. Ўша куни Тожикистон пойтахтида қақшатқич жанглар бўлиб ўтганди. Аҳён-аҳёнда ўқ товушлари эшитилди. Магазинлар очиқ. Нон йўқ. Аммо расталарда гўшт бор. Нонга навбатга турдик. Бизга етмай қолди. Сотувчи ўзига олиб қўйган буханкадан бир бўлагини бизга сотди.

Ниҳоят, қариндошларимни кўриб, уларинг тириклик-ларига ишондим. Кўп бўлмаса-да, аммо уларга қанд, ёғ, иссиқ кийим етказиб бердим. Тошкентга қайтишнинг сира имкони йўқ. На самолёт, на поезд бор, йўл эса ниҳоятта хатарли. Йўлга чиқишга аҳд қилдим. Қочоқлар Душанбега ёпирилиб келиб турибди. Тожик йигит: "Биродар, у ёққа бора кўрманг — ўлдиришади", дея огоҳлантирди. Бир соатчадан кейин Чораккарон қишлоғига етиб келдим. "Қи-зиллар"нинг саккизтаси бирдан менга автомат ўқталишди. Хужжатлар текширилди. Умуман дилкаш йигитлар экан. Нон, хурмо, кишмиш билан сийлашди. КамАЗнинг каби-насида кетдим. Унинг бортида учта жасад бор эди. Марҳумларнинг бири — Шаҳринавдан, иккитаси — Пахта-ободдан экан. Улар кеча бўлиб ўтган жанг пайтида ҳалок бўлишган. Машина назорат пунктига келиб тўхтади. Бу ерда ҳалок бўлганлар билан қисқа муддатли видолашув бўлиб ўтди. Икки юз жангчи: "Душмандан ўч оламиз!" — деб қасамёд қилди: Пахтаободга етиб келгач, мен тушиб қолдим, КамАЗ эса кетди. Мен йўл бўйлаб пиёда кета-вердим. Тез орада "Жигули" келиб қолди, у мени чегарагача олиб келиб қўйди. Аллоҳга шукрки, олти кун давом этган даҳшатли туш интиҳо топди. Аммо биродар-кушлик уруши булутлари ҳали ҳамон Тожикистон осмо-нида сузиб юрибди. Фуқаролар уруши давом этмоқда..."

Албатта, бундай фожиали хужжатларни рўй-рост ифода этувчи мանбалар 1992 йилдан кейин кам қолди. Улар қўрқинчли бўла боради, аммо тарих учун, келгуси авлод тарихи учун сабоқ бўларли маълумот беради.

Қонли тўқнашувлар эса кун сайин янгидан-янги қир-ғинлар олиб келади. Уни тўхтатишга уринишлар бўлдими, ақидапарастлар ва республика раҳбарларида ақл-идрок ус-тун келдими? Хорогда Давлат Худоназаров таклифи билан барча қарама-қарши гуруҳларининг вакиллари сулҳ шар-ҳномасини тузиш, миллатнинг қирилиб кетишига ғов қўйиш йўлларини топиш мақсадида йиғилишди. Тоғли Бадахшон мухтор вилояти марказида имзоланган хужжат қарама-қаршиликка чек қўяди деб умид қилинганди. Аммо оқоалар ривож бунинг аксини кўрсатди. Бир томоннинг ғараҳмлиги иккинчи томоннинг золимлигини келтириб чиқарди. Ўч олиш туйғуси ҳар қандай ақл-идрокдан устун келди.

Тожикларнинг Бутунжаҳон анжуманини ўтказилиши-дан ҳукмрон табақаларнинг умидлари катта эди. Бу анжуман, унинг ташкилотчилари режасига кўра, жанговар ҳаракатларни ҳеч бўлмаса вақтинча тўхтатиши лозим эди. "Правда" газетаси бу ҳодисани мана бундай ёритганди.

"31 августда, Душанбеда Президент саройини эгаллаш ва одамларни гаровга олиш билан боғлиқ асосий воқеалар авж олган кунда ҳукумат қарори билан Президент саройи-нинг катта залида умумжаҳон тожиклар анжуманига тайёргарлик кўриш борасида вазирликлар ва ташкилотлар раҳбарларининг мажлиси чақирилган эди. Мажлис тугаши биланоқ, сарой жангарилар томонидан ўраб олинди, жуда оз киши бинодан чиқиб олишга муваффақ бўлди. Бу вақтда кўчадан ўтаётган баъзи йўловчилар Президент саройининг баланд деворларидан вазирлар ва юқори мар-табали амалдорлар сакраб тушаётганини кўриб ажабла-нишган эди. Тузоқ олдиндан режалаштирилганини ва бунга яхшилаб тайёргарлик кўрилганини тушуниш учун у қадар катта ақл талаб қилинмасди.

Ҳеч қанақа "учинчи" куч йўқ эди. Бу тузоқни тайёрлаганлар ортида яна ўша шахслар: Ислон уйғониш партияси, қозилик ва Демпартия турар эди. Бош вазир-нинг икки ўринбосарини иш кабинетининг ўзида қўлга олишди. Улардан бирининг ҳузурида шу топда Кўлоб вилояти ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Сангов бор эди. Бир неча соатдан сўнг Сангов ваҳшиёна қийнаб ўлдирилди. Қуролланган жангарилар Вазирлар Маҳкамаси ва Президент аппарати ходимларини уч кеча-кундуз давомида заллардан бирида тутиб туришди, баъзиларни тунлари қандайдир ертўлаларга олиб кетишар, қийнаб сўроқ қилишар эди. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Ж. Каримовни масжидлардан бирида уч марта деворга тираб, отиб ташламоқчи бўлгандай автомат затворларини шиқирлатишди.

Тожикистоннинг БМТдаги элчиси этиб эндигина тай-инланган 60 ёшли Л. Қаюмовни айниқса таҳқирлашди. Наша чекиб олган ва маст-аласт йигитлар президент саройида гаровга олинганларни Тожикистон учун нима иш қилганлари ҳақида ҳисобот беришга мажбур қилишди, тунда эса улар ухлаб қолмасликлари учун бошларидан совуқ сув қуйиб туришди...

Шодмон Юсуфнинг бу воқеаларга Демпартиянинг ҳеч қандай алоқаси йўқлиги ҳақидаги баёноти, айниқса, уч-чига чиққан сурбетликнинг ўзи бўлди. Партиядаги ўзининг ўринбосарларидан бири айтиш вақтида Душанбе ғушт комбинати яқинидаги Южный қишлоғидаги гаровга олинганлар таҳқирланаётган масжидда жангарилар ҳаракатига бошчилик қилаётганидан хабардор бўлмай иложи йўқ эди. Айтиш ўша ўринбосари автомат кўтариб юриб, ҳаммангни отиб ташлайман, деб пўписа қилаётган эди.

Тожикистонда ҳозир ҳеч қандай Демократик партия йўқ, деб ўйлайман. Бу ном қонун даражасига кўтарилган ноқонуний ҳаракатларни яшириш учун парда эди, холос. Аслида ўзини "Ватанни қутқариш штаби" деб атовчи, Шодмон Юсуф томонидан ёзда ташкил этилган жангарилар гуруҳи мавжуд. Раҳмон Набиевни тутиб келиш учун гуруҳ айтиш шу штабдан йўлга чиқди, Тожикистоннинг бош прокурори Нурилло Хувайдуллаев ўлдирилгандан кейин ярим соат ўтгач иш бажарилди, деган ахборот айтиш шу штабга берилди."

Сентябрь ойининг бошларига келиб Раҳмон Набиев ҳукумати, Президентнинг ўзи — воқеаларнинг кечилишига бироз бўлса-да таъсир кўрсатишга қодир бўлмаган сиёсий мурда эканлиги равшан бўлди. Маълумки, чўкаётган киши хасга ёпишади. Набиев ҳам истисно эмасди. Унинг таклифига кўра, депутатлар Олий Кенгашнинг навбатдаги шошилинич сессиясини Хўжандда ўтказишлари керак эди. Бу масала юзасидан улар орасида бирлик йўқ эди. Халқ ноибларининг етарлича катта қисми сессия Душанбеда ўтказилишини талаб қилди. Набиев бу фикрга қарши чиқди. Парламентнинг янги тайинланган раиси Акбаршо Искандаров ҳам сессиянинг Хўжандда ўтказилиши тарафдори бўлиб, бу ҳақда Президент билан келишиб олган ва мамлакат шимолига учигга тайёр эди.

Қувғинга учраган Президент аэропортга ҳаммадан олдин келди. Кучайтирилган қўриқчилар паноҳида депутатлар залида жойлашди. Бироқ аэропорт атрофида ва залда қуролланган кишилар пайдо бўлиб, "Душанбе ёшлари" вакиллари эканликларини айтишди. Улар Президентнинг учишини қаердан билишган, ким уларга ахборот берган? Ахир самолётнинг учиш вақти қаттиқ сир тутилган эди-ку. Ҳозир бу ҳақда фақат фол очиш мумкин. Лекин жангарилар халқ депутатларидан ҳам, ақидапарастлар

ғоялари тарафдорлари, юқори мартабали амалдорлардан ҳам энг махфий ахборотларни олишга қодир эдилар.

Қисқаси, 7 сентябрда Душанбе аэропортида ўқ товушлари эшитилди, бунинг оқибатида учта қўриқчи оғир яраланди. Қўрқиб кетган Президентга шу ернинг ўзида истеъфога чиқиш ҳақида аризага имзо чекишни таклиф этишди. Раҳмон Набиев бироз ўйлаб кўриб, "Душанбе ёшлари" вакиллари билан гоёт баланд мартабали шахслар учун мўлжалланган хонага кириб кетди. Қисқа музокарадан сўнг у истеъфога чиқиш ҳақида Тожикистон Олий Кенгаши Раёсати номига битилган аризага имзо чекди. Тўғри, Р. Набиев мухолафатчилар олдига битта: ўзи ва оиласининг хавфсизлигини тўла таъминлашдек муҳим шарт қўйди. Собиқ президентга бундай кафолат берилди. Келишув амалга ошди...

Тожикистон Конституциясига кўра, бутун ҳокимият Олий Кенгаш раиси, Тоғли Бадахшон мухтор вилоятидан чиққан, олий функционерлардан бири Акбаршо Искандаров қўлига ўтди. Маълумки, уни ўз вақтида қозикалон, Ислом уйғониш партияси ва Демпартия раҳбарлари қўллаб-қувватлашган эди. Табиийки, "Лаъли Бадахшон" ҳаракати бошлиқлари ҳам ундан жуда умидвор эдилар.

Аэропорт ҳудудига Россиянинг 201-мото-ўқчи дивизияси қўшинлари кириб келганда истеъфога чиқиш ҳақидаги аризага имзо чекилган, вақт ўтган эди. Дивизия командири, генерал-майор Муҳритдин Ашуров кейинчалик журналистлар билан қилган мусохабасида баён қилганидек, аскарлар миллий хавфсизлик қўмитаси раҳбарлари ва шахсан Р. Набиевнинг илтимосига кўра уни ва депутатларни жисмоний йўқ қилишнинг олдини олиш мақсадида киритилган эди.

Бутун сиёсий кураш даврида Россия қўшинларининг Тожикистон ҳудудида жойлашиши мухолафатдаги партиялар ва қозихонанинг ошқора газабини келтирди. Улар энг нозик инсоний туйғуларни қитиқлаб, суверен давлат ҳудудидан чет эл қўшинлари олиб чиқиб кетилган тақдирдагина ҳақиқий мустақилликка эришиш мумкинлигини бетўхтов таъкидладилар.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, дастлабки пайтларда одамлар бундай шиорларни қабул қилишди ва улар таъсир кўрсатди. Қонли жанг бошлангунча шундай бўлди. Лекин шу қалтис вазиятда ҳам мухолафатнинг ташвиқот маши-

наси кўп нарсага эришиди. 201-дивизия бутун зиддият давомида бетараф турди. Лекин Россия омборларидаги қуролларнинг бир қисми жангарилар, Сангак Сафаров бошчилигидаги Халқ fronti отрядлари қўлига тушганлиги тўғрисида маълумотлар ҳам бор.

Россия қўшинларининг Тожикистондаги аҳволи жуда қийин бўлди. Офицерлар омбор ва бўлинмалар ҳудудини кечаю-кундуз қўриқлашга мажбур бўлдилар. Улар авто-матлардан, гранатомётлардан, мерган милтиқларидан ўққа тутиб турилди. Шахсий состав орасидаги қурбонлар оз эмас. Бироқ... Россия раҳбариятининг, унинг ташқа сиёсий идорасининг иккиёқлама сиёсати офицерларнинг ўзида ҳам акс этди. Одамлар ким учун жанг қилишини, кимни ҳимоя қилишини билишмас эди. Аслида, дастлабки вақтларда Россия дивизияси тақдир тақозосига ташлаб қўйилган эди.

Ҳарбийлар ҳам одам-да. Улар оилаларининг тақдирига бефарқ қарай олмайдилар. Уларни ўз ватани — Россияга жўнатиб юбориш мумкин эди, лекин жуда озчилик кета олди. Чунки, у ерда кўпчилигининг на уйи, на бирор ижтимоий кафолати бор. Шунинг учун постларда офицерлар билан бирга уларнинг хотинлари ҳам бўлишарди.

Лекин маҳаллий аҳоли бир қисмининг Россия дивизиясига қанчалик нафрати бўлмасин, минг-минглаб кишилар шу дивизия бўлинмалари ҳудудида ҳимоя топди. Ўт ичида қолган Тожикистон шаҳарлари ва қишлоқлари аҳолиси ақидапарастларнинг қонли терроридан қочиб, ҳарбийлар ҳузурига келишарди. Бу ерда уларга вақтинчалик бошпана, оз бўлса-да овқат топиларди...

201-мото-ўқчи дивизияси аскарлари ва офицерларига осон бўлмади. Полк ва батальонлар шахсий состави ярим эди. Танкларнинг, пиёдалар жанговар машиналарининг, бронетранспортерларнинг механик-ҳайдовчилари мутлақо етишмас эди. Ақидапарастлар бундан хабардормидилар? Албатта! Улар маҳаллий аҳоли орасида бу ҳарбий касбга эга бўлган мутахассисларни аниқлаш бўйича тайёргарлик ишларини беҳуда олиб бормадилар. Россияликлар чидай олмай, бутун жанговор техникани ташлаб, Тожикистондан кетишга мажбур бўладилар, деб ишонишарди мухолафатчилар. Бундай талаблар мунтазам қўйиб туриларди. Ҳар куни ифвогарлик уюштирилди. Масалан, Қўрғонтепа атрофида жойлашган мото-ўқчилар полки штабига кўпинча

қўнғироқ қилишиб: "Сизларнинг бронетранспортерларинг бугун эрталаб бир неча оилани ўққа тутишди. Бундан ҳамма хабар топди. Бунинг учун ўч оламиз!" — дейишарди.

Россия аскарлари ва офицерлари мерганларнинг ўқи остида шаҳар ва қишлоқ кўчаларини чириётган мурдалардан тозалашарди. Бу ишни улардан бошқа ҳеч ким қила олмас эди...

Дивизия командири, 40 ёшли тожик, генерал-майор Муҳритдин Ашуров ақидапарастларнинг қаттиқ ғазабини келтирар эди. Уни нималарда айбламадилар, нималар деб ҳақоратламадилар! Шунда ҳам у ўз қасамёдига, ҳарбий бурчига содиқ қолди.

Тожик-афғон чегарасини қўриқловчи чегарачилар ҳам худди шундай, ҳатто бундан ҳам оғир аҳволга тушишди. "Чегарага қулф солинган" деган ибора аллақачон ўз маъносини йўқотган эди. Чегарачиларнинг ва заставаларнинг озлиги, тажрибали командирларнинг етишмаслиги кўп километрли, мураккаб рельефли чегарани "шаффоф" қилиб қўйган эди. Ҳар куни ўнлаб одамлар у ёқдан-бу ёққа ва бу ёқдан-у ёққа ўтиб туришарди. Кўпчилиги қуролланган эди. Доим отишмалар бўлиб турар, зангори фуражкали йигитчалар ҳалок бўлишарди. "Чегарани кимдан қўриқлаяпмиз, орқадан отишса, ҳақиқий душман қаерда ўзи?" деган савол уларни қийнарди. Бу — муболаға эмас эди. Тун пардаси остида Афғонистонга ўтаётган жангарилар отрядлари кўпинча чегарачилар назорат қилаётган доvon ва сўқмоқларни штурм билан эгаллашар эди. Кўпгина чегара бузувчилар қўлга олинар, тегишли идораларга шахсини аниқлаш учун топширилар эди. Лекин шу бир неча кундан сўнг кишиларнинг ўзи яна чегарадан ўтишга ҳаракат қилганини кўрган чегарачиларнинг ҳафсаласи пир бўларди.

Тоғли қишлоқ аҳолиси ҳам чегарачиларга жуда салбий муносабатда бўлишарди. Ислом уйғониш партияси ва Демпартия ташвиқотчилари, уларнинг афғон Бадахшондаги қариндошлари билан дийдор кўришишга Россия ҳарбийлари йўл бермаётганликларига, уларнинг жафолари рус "босқинчилари" туфайли эканига усталик билан ишонтаришар эди. Қозихона ноиблари масжидларда шу ҳақда ваъзхонлик қилишарди. Одамлар эса бунга ишонишарди. Улар ақидапарастлар қандай жарга бошлаётганликларини

тушунмасдилар. Белорусь Олий Кенгаши вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, тожик-афғон чегарасида хизмат бурчини адо этаётган етти юзта фуқаросини чақириб олиш ҳақида қарор чиқарди. Ундан аввалроқ худди шундай қарорни Украина қабул қилган эди.

Нима бўлса ҳам, Ислом ақидапарастлари олдиларига қўйган мақсадларининг кўпчилигига эришдилар. Чегара бир неча йил илгаригидек қаттиқ қўриқланмасди. Таланган бойликлар, пул, машина, қизлар "мужоҳид биродарлардан" олинадиган қурол-аслаҳа ўрнига кетма-кет юборилиб турибди.

Чегарани бузиб ўтаётганлар асло тасодифий кишилар эмасди. Пул, тавсияномалар билан таъминланган, паролни, мужоҳидлар билан учрашув жойларини билган бу одамлар жўшқин Панжни сузиб ўтишар, ислом ақидапарастларининг масъулиятли топшириқларини бажариш учун ўтиб бўлмайдиган сўқмоқлардан фойдаланишарди. Иброҳим Бобоев деган шахс чегарани бузиб, Афғонистондан Тожикистонга ўтишга ҳаракат қилаётганда қўлга олинди, унинг ёнидан НИФА — "Саид Али Фронти" тамғаси босилган босма бланкларга ёзилган иккита хат топилди.

Уларни сўзма-сўз келтирамиз: "Азиз мужоҳид оғам Мулло Ҳамидулло. Биз, Афғонистон мусулмонлари Тожикистонда муқаддас уруш ғалаба қозонгани ва ислом ҳамда шариат байроғи тиклангани учун Аллоҳга шукрлар қилмоқдамиз.

Кофирларни, худосиз коммунистларни ва уларнинг малайларини ўлдилинг ва йўқ қилинг! Бу курашда сизнинг биродарингиз истаган топшириқларингизни бажаришга тайёр. Бундан кейин пул жўнатманг, уларни ҳеч ким олмаяпти. Олтин жўнатсангиз яхши бўларди. Иш дуруст кетади. Иброҳимжон билан бирга иккита "Калашников", РПГга ўқлар, қўл гранаталари ва ўзимизнинг бир мужоҳид биродаримизни жўнатдик.

Ҳурмат билан оғангиз Саид Малехи Саид Ақрам".

"...Биродарим Мулла Ҳамидулло. Иккита АКМ, РПГ ўқлари ва бир нечта қўл гранаталарининг умумий қиймати 300 минг афғони бўлади. Иброҳимжондан бериб юборган пулларингиз 195 минг афғони бўлди. Саид Солиҳ".

Мана яна бир қизиқарли ҳужжат. У Қўргонтепа вилояти Ильич тумани Ғози Малик жомеъ масжиди

бланкасига ёзилган ва "мужоҳид биродарларга" бериш учун мўлжалланган.

"Бисмиллаҳир Раҳманир Раҳийм!

Ассалому алайкум, ҳурматли Устод. Мен, Нурулло, Сизга маълум қиламанки, 6 сентябрда 47 киши кетди, бугун, 10 сентябрда яна 22 киши жўнашга тайёр. Худо хоҳласа, етиб боришади! Бироқ йигитларни тўплаш борган сари қийинлашяпти. Албатта, бу баъзи раҳбарларнинг масъулиятсизлигидандир. Худо хоҳласа, ҳаракат қилурмиз. Лекин сиз сўраган миқдордагича бўлмаслиги ҳам мумкин.

Хатимнинг охирида, Қундуз вилоятида бизнинг йигитлар кўплигини сизга маълум қиламан. Уларни сафарбар қилинг.

Ҳурмат билан шогирдларингиз Нурулло ва Ёқуб".

Бу ерда гап жангариларни тайёрлаш марказларига ақидапарастларга хайрихоҳ йигитларни жўнатиш ҳақида бормоқда. Лекин исломчиларда "йиғиш" иши унча яхши бормаётгани кўриниб турибди. Кўпчилик Афғонистонга таълим олишга бормаслик учун жуда катта пул билан қутулишга ҳаракат қилишган. Жомеъ масжид бутун ташкилий иш маркази бўлди.

Қурол учун Афғонистонга жўнаш хатарли иш. Чегаранинг "шаффоф"лигига қарамай, ақидапарастларни ҳар қадамда хавф-хатар кутиб турар эди. Чегарачилар нарядига дуч келиб қолиш, отишма вақтида ҳалок бўлиш, жўшқин Панжда чўкиб кетиш, нариги томонда курашаётган мужоҳидлар гуруҳига дуч келиб қолиш мумкин — улар гапни қисқа қилиб, автоматдан шартта отиб ташлашади-ю, бобокалонларинг ҳузурига равона бўлаверасан.

Бинобарин, оппозиция раҳбарлари қурол олиб келиш учун тажрибасиз ёш йигитлар хизматидан кўпроқ фойдалана бошладилар. Кимнидир қўрқитишар, кимнидир алдашар, бошқаларини сотиб олишар, уларга, "ишончли акаларини" бириктириб қўйишар ва Худо ёр бўлсин, деб "муқаддас ишга" жўнатишар эди. Ислом ақидапарастларининг муҳим топшириғи билан "дарёнинг нариги томонида" бўлган учта тожикнинг ҳикоясини эшитинг. Маълум сабабларга кўра уларнинг исмлари ўзгартириб берилган.

"Ўтган йили мен деярли ишсиз эдим,— дейди Ҳисор туманидан келган йигирма уч ёшли Иброҳим.— 1992 йил октябрь ойи бошларида менинг танишим, Ислом уйғониш

партиясининг аъзоси бўлмиш Фатхулла "озодлик ва мустақиллик учун курашувчиларга" қурол етказиб бериш учун Афғонистонга ўтиб кетишни таклиф этди. У ишонarli қилиб гапирар, эътироз билдиришга ўрин қолдирмасди. Мен рози бўлдим. Бизлар 22 киши эдик. Юк машинасида Тоғли Бадахшон мухтор вилоятидаги Қалаи-Хумбагача етиб олдик. Кофарниҳон, Обигарм, Комсомолобод орқали кетдик. У ерга қийналмай етиб олдик. Келишилган жойда чегарадан олиб ўтувчини кута бошладик. Ярим кечада Панжга етиб келдик, афғон томонга унча қийналмай ўтиб олдик. Дарбоз уездида бизни бир афғон кутиб олди. У гуруҳимизни мужоҳидларнинг ҳарбийлашган тузилмаларининг бирига кузатиб қўйиши керак эди. Бадахшон музофотидаги Файзободгача саккиз кун пиёда юриб бордик. Басирхон тузилмалари ихтиёрига келдик. Бизнинг бошлиғимизни унинг ҳузурига олиб кетишди. Лекин биз ҳақимизда улар эшитмаган ҳам экан. Тавсия хатлари ва уларни олиб келиши керак бўлган ИУП вакилини улар кўришмапти ҳам.

Орқага қайтишимиз мумкин эмасди. Шунинг учун бошлиғимиз Тохар вилоятига қози Кабир ҳузурига етиб боришга қарор қилди. Борган жойимизда унинг ўзи йўқ экан. Бизни Кабирнинг ўринбосари қабул қилди. Диққат билан тинглади, Тожикистондаги вазият ҳақида маълумот олди. Пировардида бизга қурол берди ва тезда уйга қайтишимизга буйруқ берди.

Яна ўша йўл билан Панж кечувига етиб олдик. Талочотсиз Душанбега етиб келдик. Қуролларни топширдик ва синчиклаб текширишгандан сўнг бизларни уйга қўйиб юборишди. "Жойларингиздан жилманглар. Керак бўлганда, хабар қиламиз!"—деб огоҳлантиришди. Лекин жуда оз пул беришди.

"Олдимга Ислом уйғониш партияси аъзоси, ҳамқишлоғим Фатхулла келганида уйда фақат ун қолган эди,—деб гап бошлади ўн саккиз ёшли Шомоҳмад."—"Муҳтожликда яшайсанми?"—сўради у. Мен, ҳозир ким қийналмай яшайпти, деб жавоб бердим. У, агар мен Афғонистонга қурол олиб келишга борсам, катта пул ишлаб олишим мумкинлигини айтди. Бу ишни у қизиқарли саёҳат тарзида тасвирлаб берди. Ҳеч қандай хавф-хатар йўқ, чегарачилар ўз заставалари ҳудудидан ташқарига чиқмайдилар, деди. Начора, рози бўлдим. Ўн кун очин-

тўқин Файзободгача пиёда юрдик. Бошлиғимизда қози Кабир номига хат бор эди. Унинг ҳузурида бизни узоқ тутиб туришмади. Тамадди қилиб, оғир қуролларни юклашиб, ҳеч қаерда тўхтамай уйга қайтишга буйруқ беришди, чунки "биродарлар кофирлар билан муқаддас уруш олиб бормоқда. Ҳар бир соат ганимат." Мени афғонларнинг жуда камбағал яшаши ҳайрон қолдирди. Бизнинг ҳаётимиз уларникидан анча яхши.

Чегарадан кечаси ўтдик. Автомат ва ўқларнинг оғирлигидан қўлларда дармон қолмади. Ўз еримизга ўтиб олгандан сўнг дам олдик. Сўқмоқлар орқали Қалаи-Хумбагача келдик. Бу ерда тўхтаб дам олдик. Мени бошлиқ чақириб, қуролни тортиб олди-да; "Бор, йўқол, ...Сен муқаддас иш учун курашишга ҳали ёшлиқ қиласан,"—деди.

Бир тийинсиз, гоҳ пиёда, гоҳ йўловчи машинада Душанбега етиб олдим. Йўлда мени ақидапарастлар тўхта-тишди. Кимсан, қаердансан, қаерга кетяпсан, деб сўраб-суриштиришди. Мен бор нарсани гапириб, улар учун қурол олиб келсам ҳам бир тийин ололмаганимни айтиб, шикоят қилгандай бўлдим. Мени аёвсиз калтаклашди. Кетаётганда "Тирик қолдингми, Аллоҳга шукур қил!" дейишди...

"Афғонистондан қурол олиб келдик. Менинг омадим келди: жангарилар лагерида афғон мужоҳидлари кийимини совға қилишди. Нима билан ёқиб қолганимни билмайман-у, аммо менга жуда яхши муносабатда бўлишди,—деб ҳикоя қилади Панж туманида яшовчи Нурулло.—Овқатлантиришди, слкамга қоқиб: "Сабр қил, биродар. Яқинда ҳаммамиз бир давлатда яшаймиз. Фақат муқаддас заминдан кофирларни ва уларнинг коммунист малайларини ҳайданглар",—дейишди. Очиғини айтсам, уйга қанот қоқиб келдим. Ўзимни қаҳрамондек ҳис этардим. Панждан кечув анча қийин бўлди. Чегарачилар қирғоқни узлуксиз текшириб туришарди. Лекин кузатувчилар ёрдамида тўсиқлардан ўтиб олишга муваффақ бўлдик. Менга ҳозирги нарх бўйича арзимаган пул беришди.

Уйимга қайтганимда мудҳиш хабар эшитдим: Ислом ақидапарастлари укаларим Мирали ва Эгамбердини ўлдиришибди. Қариндошларни кўриб келишга кетишган экан. Уларнинг ҳаммасини ҳаммомга қамаб, туни билан таҳқирлаб, кейин отиб ташлашибди.

Мен дунёдаги ҳамма нарсага ва уларнинг хизматкори бўлганим учун биринчи навбатда ўзимга лаънат ўқидим. Бу воқеа оғир тош бўлиб, ўла-ўлгунимча, юрагимни эзиб ётади..."

Бундай изҳори дилни кўплаб келтириш мумкин. Албатта, "ақидапарастларнинг муқаддас ғояси" учун ўлимга тайёр ҳақиқий мутаассибларнинг ҳам мулоҳазалари бор. Бу ёшларнинг онглари қандай қилиб заҳарлашган, уларнинг қалбида ҳамма "кофирларга" нисбатан униб чиққан душманлик уруғлари нақадар заҳарли?..

Уруш доим ўлимларни келтиради. Бироқ бир-бирига ўхшаш урушлар бўлмайди. Уларнинг ҳар бири ўзининг даҳшатли, бетакрор қиёфасига эга. Тожикистонда бир миллат кишиларининг муҳолафати энг жирканч қиёфани олди.

Фактлар, тирик қолганларнинг гувоҳликлари — бунинг яққол далилидир. Улардан баъзиларини келтирамиз. "Ислом жангарилари Бахтар туманидаги "Туркменистон" давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган ҳаммомни штаб қилиб олишган эди, у ерда тинч аҳолини сўроқ қилиб, қийноққа солишарди. Ўлдирилганларнинг мурдаларини топиб бўлмас даражага келтириб, Вахш дарёсига улоқтиришарди".

"1992 йилнинг 28 сентябрида ислом жангарилари, Шаартуз туманида ақидапарастларнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган шахсларнинг ҳаммаси тигдан ўтказилди.

29 октябрда Гарсути қишлоғининг деярли ҳамма аҳолиси йўқ қилинди. Бунда исломчилар ғоят ваҳшийлик билан иш қилишган: ёшига етмаган қизларни зўрлашиб, кейин кўзларини ўйишган, кўкракларини кесиб ташлашган. Одамларнинг терисини тириклайин шилишган...

Тожиқлар ўз тожиқларини шу қадар ваҳшийлик билан ўлдира олиши мумкинми? Кўпчилик шу саволга жавоб топишга ҳаракат қилди. Ҳамма бир фикрга келарди: бундай ишни қилиш учун катта "мактаб" кўриш керак. Тожиқларнинг бахтига қарши юзлаб жангарилар бу "мактабни" Афғонистонда ўқиб келишган. Талончилик, ваҳшиёна босқинчиликларида улар билан бирга мужоҳидларнинг ўзлари ҳам иштирок этишар эди. Бунга мисоллар жуда кўп. Мана улардан бири:

Ислом ақидапарастлари алоҳида ваҳшийлик қилган Колхозобод туманида Афғонистоннинг Қундуз вилояти,

Оқча уездида тутилган 22 ёшли Жалолоддин Саид Хошимий ўғли ўлдирилган эди. Ундан Афғонистон Ислом партиясининг аъзоси гувоҳномаси топилди. Уни АИПга Абдул Раҳмат Абдул Ғаффор ўғли ва Нейматулло Муҳаммадхон тавсия этган. Жамолиддин 1991 йил май ойида партиёга аъзо бўлган, Тожикистонга йўриқчи тарзида йўлланган бўлиб, шахсий намунаси билан бўйсунмаганларни ўлдиришнинг нозик усуллари кўрсатган. Исломчиларнинг жанговор гуруҳларида бунга ўхшаганлар кўп эди. Мутахассислар турли рақамларни айтишмоқда: Тожикистонда бегуноҳ кишиларни ўлдиришда ҳар куни уч юздан беш юзгача афғон мужоҳидлари фаол иштирок этишган.

Бир қатор оммавий ахборот воситалари "ислом демократик иттифоқи" тарафдорларини коммунистик тузумдан кейин вужудга келган нотавон ва консерватив ҳокимиятга жавобан ўз-ўзидан вужудга келган куч, деб кўрсатишга интилишмоқда. Бу нашрлар жамоатчилик фикрини шакллантиришдан қандай мақсадни кўзлашмоқда? Улар ё қаттиқ янглишиш оқибатида, ёки кимларнингдир қаттиқ таъсирида миллионлаб одамларни чалғитишмоқда. Аслида эса аҳвол бундай: қозилик Демпартия ва Ислом уйғониш партияси сиймосидаги оппозиция қуроли курашга аллақачон тайёр эдилар! Воқеалар ривожининг тасодифийлиги ёки ички таъсир натижасида вужудга келганлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Кўпгина мисоллардан бирини келтирамиз. Бу — улар Қўрғонтепани қўлдан чиқарганларидан сўнг тайёрлаган "Тожикистон халқи-га мурожаат" эди.

"Оппозиция кучларининг ҳамма штабларига, душманларимизга қуроли қаршилик кўрсатиш мақсадида энг жанговор отрядларнинг республиканинг бутун ҳудуди бўйлаб, айниқса Душанбега ҳужум қилиши учун зарур шароит тайёрлансин.

Республика оппозицион кучлари тарафдорлари бўлган барча қуроолланган отрядлар ҳар қандай йўллар билан Қўрғонтепа, Кўлоб вилоятлари ҳудудига, Душанбега киришга ҳаракат қилишсин. Бирон-бир куч қаршиликка дуч келинган ҳолатда қуроли қаршилик кўрсатилсин ва жойларга жанг билан ёриб кирилсин.

Душанбе фавқулодда ҳолат зонаси деб эълон қилиниши учун зарур шароит яратилсин. Бунинг учун яқин вақт

ичида ҳамма усуллардан, шу жумладан террористик актлардан ҳам фойдаланилсин.

Душанбеда истиқомат қилувчи барча ёт фикрли кишиларни ва оппозиция душманларини жумладан:

— русий забон аҳоли;

— Кўлоб ва Ленинобод вилоятларидан чиққанларни;

— оппозиция кучларини қўллаб-қувватламайдиган барча кишиларни гаровга олинган деб ҳисоблансин.

Бу тадбирларнинг барини амалга ошириш учун оппозицияда зарур куч ва маблағ бор.

Оппозиция тарафдорларига нафақат инсонпарварлик ёрдами, балки ҳарбий ёрдам ҳам берилади.

Жанговор отрядларга келганда, республикадаги ҳар қандай фуқаро ўз эътиқодини очиқ ифодалашини ва уни ҳимоя қилиш учун қуролдан фойдаланишни қонун тақиқламайди.

Барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан бетараф бўлишларини илтимос қиламиз. Республиканинг бутун ҳудудидаги вазият оппозиция кучлари томонидан назорат қилинмоқда".

Одамларни қўрқитишга асосланган оммавий тарғибот ўтказмасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини ақидапарастлар жуда яхши тушунар эдилар. Мисол учун сентябрь ойида республиканинг кўпгина шаҳарларида улар "Ислом кунлари"ни байрам қилишди. Кўчаларда машиналардан ташвиқотчилар овозкучайтиргичлар орқали турли шиорларни айтиб ўтишарди:

"Тожикистондаги тартибсизликларнинг сабаби — исломнинг йўқлиги ва ҳокимият тепасида ҳамма жойда тугатилган коммунистик партократиянинг сақланиб қолганидир!"

"Ҳокимият — исломга!", "Йўқолсин Набиев!", "Кофирларга ўлим", "Коммунистлар ва пионерлар, партбилет ва галстукларингизни ҳамманинг олдида ёқиб юборинг!".

Айни вақтда ҳамма ерда барча мўмин мусулмонларга Тожикистон Республикасида ислом жамиятини тузиш учун курашга қурол жамғариш талаб қилинган варақалар тарқатилди. Уларга қонуний ҳокимият тарафдорларининг, лавозимлари, оиласи таркиби, турар-жойи муфассал ёзилган рўйхатлар илова қилинар эди. Рўйхатдагилар кофирлар ва жисмонан йўқ қилиниши керак бўлганлар, деб эълон қилинарди.

Ҳар қандай фуқаролар урушининг фожиаси шундаки, ваҳшийлик ваҳшийликни туғдиради, фожиавий ҳодисалар эса сиёсий жаззакиликдан йироқ бўлган минглаб бегуноҳ одамларни ўз домига тортади. Даҳшатга солувчи бир рақамни келтирамиз: фуқаролар муҳолафати даврида тоғли ўлкада бутун Улуғ Ватан Уруши давридагидан кўпроқ тожик ҳалок бўлди. Бироқ "ислом демократларига" ўз юртдошларининг қони камлик қилди. Улар Тожикистон чегараларидан йироққа ҳам ўз тўрини қўйишди. Ақидапарастларни Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятларида, хусусан, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида пинҳона қўллаб-қувватлаганликлари маълум. Руҳонийларнинг талаби билан бу ерда "исломнинг мусулмон ҳимоячилари" учун пул тўпланган. Бу пуллар миллионлаб сўмни ташкил этган.

Ақидапарастлар отрядларига Ўзбекистондан юборилган вакиллар ҳам қўшилган. Улардан бир қанчаси ҳибсга олинган. Булар — нима учун мутаассиблар томонида туриб курашгани келганини тузукроқ тушуниб ҳам етмаган ёш йигитлардир. "Ислом демократик иттифоқини" қўллаб-қувватлашларини "Бирлик" деб аталмиш демократик ҳаракат аъзолари очиқ-ойдин билдиришди. Улар Шаҳидон майдо-нида бутун ўзбек халқи номидан сўзга чиқиб, "тожик биродарлар ҳақиқий демократия йўлига кириб, ҳали ҳам коммунистик ҳукумати бўлган мустақил давлатларда яшовчиларнинг барчаси учун муносиб намунадир", — деб таъкидлашди.

"Бирлик" — қўшнигикида бўлаётган фуқаролар урушидан сиёсий фойда кўрмоқчи бўлгани тушунарли. У асосан Тожикистонда яшовчи кўп сонли ўзбекларга таянганди. Лекин "Бирлик" раҳбарлари тоғли ўлкада мутаассиблар қўлида минглаб ўзбеклар ҳалок бўлганини негадир сезишмади. "Шимолдан келган биродарлар" Ўзбекистоннинг "Бирлик" халқ ҳаракати" дастурини тарқатиб, хайрихоҳларни ўз сафларига қабул қилар эдилар. Масалан, Турсунзодада Халқ fronti "гвардиячилари" Абдулмўмин Тўроевни ушлаб олишди, унинг ёнидан "Бирлик" фаолияти билан боғлиқ турли материаллар, ҳаракат аъзоларининг тўлдирилмаган гувоҳномалари, бланкларни топилди.

Тожикистондаги фожиали воқеаларда "у томонда туриб" курашган Сангак Сафаров ақидапарастларга қарши курашчи сифатида кенг танилди. У Халқ фронтини ва

унинг қуролланган тузилмаларини бошқарди. Уни тавсифлаган кўпчилик муаллифлар унинг жинойи ўтмишига урғу беришади.

Ҳақиқатан ҳам, Сангак Сафаров "қонга қон" принципи асосида ҳаракат қиларди. У тўртта исломчини, қилган ваҳшийликлари исботлангандан сўнг, шахсан ўзи отиб ташлагани маълум. Унинг "гвардиячи" отрядларида интизом — қаттиқ. Талончилик, зўравонлик қилганлар қўлга тушган жойида отиб ташланади.

Маълумоти кам Сафаровга Тожикистонда ва ундан ташқарида икки ёқлама муносабат мавжуд эди. "Правда" газетаси мухбирлари у билан қилган мусоҳабаларида халқ fronti бошлиғи: "Жанглarda ақидапарастлар томонида негрлар — Душанбе олий ўқув юртлари талабалари жанг қилишади", — деганди.

— Негрлар? — деб ундан қайта сўрашди.

— Қайси мамлакатдан?

— Африкадан.

Географияни лагерларда ўрганган маълумоти кам қария устидан кулманг. Дастлаб, бутун мамлакатни иллатдан тозалашдан олдин ҳеч бўлмаса ўз маҳаллангизни безоридан ҳалос қилишга уриниб кўринг-а..."

Лекин шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Баъзи маълумотларга кўра, яқинда Душанбе яқинидаги дарада Душанбе дорилфунунининг қора танли талабаси қатл қилинган. У катта пул эвазига ақидапарастлар тузилмаларига аъзо бўлган. Айтишларича, у аёлларни айниқса ваҳшийларча таҳқирлаган. Зўравонни, отишмаларга қарамай, аёлларнинг ўзлари тутиб олиб, осиган.

Сафаровнинг боши учун ақидапарастлар бир неча бор миллионлаб сўмлик мукофотлар белгилашган. Сафаров уларнинг жуда ваҳшийликлари учун ўч олар эди. Қўрғонтепадаги қонхўрликлардан сўнг у қозикалонни ва унинг энг яқин ёрдамчиларини ўз қўли билан ўлдиришга қасамёд қилган. Сангак бу фикрдан умрининг охиригача қайтмади.

Уни душманларга нисбатан ғазаби кучлиликда айблашади, унинг бўлиналарига Россиянинг 201-мото-ўқчи дивизияси пинҳона ёрдам бериб тургани ҳақида гапиришади. Лекин дивизия бошлиқларининг ўзи кўлобликлар раҳнамосига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишади. Бу унинг ўтмиши туфайли бўлса керак.

Ваҳшийликка келганда, С. Сафаровда асосли сабаблар кўп. У кўпинча саволга савол билан жавоб беради: "Вахш туманидаги "Туркменистон" совхозида исломчилар тозалаш иншоотлари биносида "Кушхона" очишди. Бир кунда учта "КамАЗ"да 160 бегуноҳ одам келтирилди. Қийноқлардан сўнг ҳаммалари отиб ташлашди. Бундайларни нима қилиш керак? Улар одам эмас — ҳайвонку!"

Шаҳар ва қишлоқларни озод қилгандан сўнг Сангак Сафаров одамларни митингга тўплашни, улар олдида, айниқса русий забон аҳоли олдида гапиришни хуш кўрар эди. Кўпинча: "Агар исломчилар русларни ўлдирадиган бўлса, мен уларнинг терисини шилиб оламан..." — дерди. Тожикистоннинг туб ерли аҳолиси бўлмаганлар, ҳатто тожикларнинг асосий кўпчилиги ҳам уни халоскор, халқ ҳимоячиси, деб биларди.

Набиев ҳам Сангакка эҳтиёткорона муносабатда бўларди. Бу одамда ислом ақидапарастларига қарши тура олишга қодир кучни кўриб, унинг "гвардиячиларига" "Калашниковлар" тарқатиш ҳақида фармойиш берган. Лекин ўшанда, Шаҳидонда улар муваффақиятсизликка учрашди, шундан сўнг Сафаров мустақил ва қатъият билан ҳаракат қила бошлади. Чунки унинг ортида аниқ ва қудратли куч турар, кўпчилик одамлар орасида обрў қозонганди.

Лекин у сиёсатчи эмас эди. Унинг вазифаси — тартиб ўрнатиш, зўравон ва қотиллардан ўч олиш эди. Буни унинг ўзи ҳам жуда яхши тушунар ва бу ҳақда бир неча бор гапирган эди.

Бу китоб нашрга тайёрланаётганда Сангак Сафаров ўлдирилди, деган фожиали хабар келди. Бунга ишониш қийин бўлса-да, айтиш керакки, кўпгина аналитиклар охири шундай бўлишини олдиндан кўра билишган эди. Тожикларнинг "Робин Гуди", бечораларнинг ҳимоячиси ислом ақидапарастлари қўлидан ҳалок бўлди. Кўпчилик, фожиавий тасодиф бўлган, гўёки бу — унинг билан ўз одамлари орасидаги "ҳисоб-китоб" дир, дейишади. Йўқ, йўқ! Кейинги вақтларда Сангак Сафаров тинчлик ўрнатиш бўйича фаолият олиб борар, оппозициячилар билан қочоқларни Афғонистондан Ватанига қайтариш ҳақида оғир музокаралар олиб бораётганди. Кўп жиҳатдан у мурасасиз эди. Сангак ўз мамлакатининг тинч келажагини орзу қилар эди. "Калашников" ўқлари бир неча кишининг

ишини қила олган бу ажойиб одамнинг қалбини уришдан тўхтатди.

Ҳа, ақидапарастлар Сафаров билан "ҳисоб-китоб" қилишди. Улар оддий одамларнинг ҳимоячисининг ҳаётини барбод қилишди. Лекин улар бу билан ўзларининг ожизлигини, аниқроғи — қўрқоқликларини кўрсатишди. Чунки Сангак душманлари билан доим очиқ жангда учрашар эди.

Уни миллий қаҳрамон сифатида дафн этишди. У юз минглаб тожик, ўзбек, рус, қирғизлар хотирасида шундай қоладики, чунки у мамлакат учун бурилиш вақтида шу халқлар ҳимоясига отланганди. Сангак Сафаровнинг тақдири — Тожикистон тарихининг қисқа бўлса-да, лекин ёрқин саҳифасидир.

1990 йил февраль воқеаларидан кейин, ислом ақидапарастлари ўзининг биринчи синов чиқишини қилган пайтда биринчи қочоқлар пайдо бўлганди, булар асосан русий забон аҳоли эди. У вақтда митинг ва бебошликларга Бокудан келган армани қочоқлар сабабчи бўлганди. Айни маҳалда Тожикистон Компартиясининг биринчи котиби Қ. Маҳкамовга қарши шиорлар ҳам илгари сурилди. У пайтда оппозиция сиқиб қўйилган, эҳтирослар бироз босилган эди.

Лекин узоқни кўрабиладиганлар серкӯёш ва тинчликсевар Тожикистонда энди осойишталик бўлмаслигини тушунишди. Шаҳидон ва Озоди майдонларидаги муҳолафат бошлангунча республикада 300 минг рус яшар эди. Одатда, булар моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган юқори малакали мутахассислар эди. Илк ўқ товушлари эшитилиши ва қон тўкилиши билан аҳолининг оммавий кетиши бошланди. Табиийки, бу ҳол ақидапарастларга қўл келади. Демпартия аъзоси Шодмон Юсуфнинг телевидения орқали, русларга гаровга олинганлар тарзида қаралади, деб эълон қилган чиқишидан сўнг аниқ ҳаракатлар бошланди. Қўлга олинган шаҳар автобусларида кетаётган рус аёллари автоматлар тираб 201-дивизия штаби олдига олиб келинди. Жангариларнинг талаблари бундай эди: одамларнинг ҳаёти эвазига бронетехника бериш. Генерал Ашуров ҳавас қиларли даражада матонат кўрсатиб, шартни бажаришдан мутлақо бош тортди. Шунингдек, агар гаровга олинганлар қўйиб юборилмаса, дивизия фаол ҳаракатга киришишини айтди. Жиддий таҳдид ўз ишини қилди.

Сўнг муҳолафат бошқача хуружга ўтди — ақидапарастлар мактабга бостириб киришди ва Душанбедаги 8-мактабнинг ўқувчилари ва муаллимларини гаровга олишди. Узоқ давом этган музокаралардан кейин гаровга олинганлар озод қилинди.

Қўрғонтепа ва Тожикистоннинг бошқа шаҳарларида бўлиб ўтган жанговар ҳаракатлар чоғида русий забон аҳолининг кўпчилик вакиллари ҳалок бўлдилар. Туб жойлик бўлмаган аҳолининг деярли барча уйлари ва хонадонлари талон-торож қилинди. Хўш, Исломпарастлар дўқ-пўписа ва ифвогарлик йўлини тутиб, нимага эришдилар? Улар бу масалада Россия ҳукуматининг сусткашлигини, 201-дивизиянинг тушуниб бўлмайдиган позицияни тутганини фаҳмлаб, жанговар техника талаб қилдилар. Талон-торожга келганда эса, бу ерда улар соф моддий манфаатдорликни кўзда тутган эдилар.

Мебеллар, гиламлар, маиший техника босиб ортилган юк машиналари Афғонистон чегараси томон тинмай қатнар эди. Одамларнинг ўн йиллар давомида тўплаган барча бойликлари мужоҳидларга қурол-яроғ учун жўнатилар, бориш қийин бўлган тоғ қишлоқларида қолиб кетар эди. Фақат кўп қаватли уйлардаги хонадонларгина талон-торож қилинмади.

Душанбедаги 64 та "Тез ёрдам" машинасидан 59 таси хорижий ташхис мосламалари ўрнатилган қимматбаҳо реанимобиллари билан бирга ном-нишонсиз йўқолди. Қолганлари эса дабдаласи чиқарилиб, йўқ қилинди.

Бу ва кўпгина бошқа хатти-ҳаракатлар Тожикистон Олий Кенгаши раиси, ўша вақтда Президент вазифасини бажариб турувчи Акбаршо Искандаровнинг алам билан шундай дейишига баҳона бўлди: "Замонавий сиёсий амалиёт тилида янги ибора "тожикча андоза" пайдо бўлди, бу ибтидоий жоҳиллик, сиёсий ёввойиликнинг синоними ҳисобланади. Бироқ на унинг ва на коалицион ҳукумат аъзоларининг бирон-бир чора кўришларига журъатлари етмади.

Республиканинг янги пайдо бўлган хўжайинлари — ақидапарастлар ўзларининг қонли ишларини давом эттирдилар.

...Одамлар эса яшаб турган жойларидан ким қаёқни истаса ўша ёққа қочарди. Руслар бир ярим ой мобайнида етарли озиқ-овқатлар, иссиқ хоналарда, вайрон қилинган

жойларда, темир йўлнинг очилишини муштоқ бўлиб кутдилар. Ўн минглаб ўзбеклар ва тожиклар ҳосили йиғиштириб олинмаган далалардан Ўзбекистон чегараси томон, осойишта Ленинобод вилояти томон оқар эди. Кўплар эса Афғонистонга ўтиб кетди.

Қочоқлар — булар ҳар қандай фуқаролар урушининг номсиз қурбонлари ва аянчли йўлдошларидир. Улар Тожикистонда қанча эди? Рақамлар турлича — 680 дан 800 минг кишига қадар! Юз мингларча одамлар бошига тушган фожиа! Ҳамма зудлик билан, кескин чоралар кўриш зарурлигини тушунар эди. Акс ҳолда Тожикистондаги ёнгин, унинг "қонли асорати" (синдроми) минтақа фожиасига айланиб кетиши, у ўн миллионлаб кишиларни ўз домига тортиши мумкин эди. Тожикистон берган даҳшатли сабоқ энди асло қайтарилмаслиги керак.

ТОЖИКИСТОН ФОЖИАСИ ТАСВИРИ

Юз минглаб кишиларнинг фожиаси. Беҳисоб жисмоний ва руҳий жараҳатлар. Уларни даволаш учун ўн йиллар талаб қилинади. Тарихчилар ва социологлар, психологлар ва ёзувчилар Тожикистонни даҳшатли ва шафқатсиз фуқаролар уруши гирдобига тортган барча воқеаларнинг миридан сиригача ўрганишлари лозим бўлади.

Бироқ ҳаммасини ҳам "кейинга" қолдиравериш ярамасди. Бўлган воқеаларни тўғри англаш, кўпгина саволларга ҳаққоний жавоб бериш учун ҳеч қандай изоҳга ҳожат қолдирмайдиган аниқ ва тезкор (оператив) маълумотлар зарур бўлади.

Бу маълумотлар аланга олаётган Тожикистондан кўпгина манбалар: журналистлар, хорижий кузатувчилар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ходимлари ва ҳарбийлар орқали келар эди. Телеграф орқали олинган лўнда хабарлар Тоғли ўлкада вужудга келган вазиятнинг ғоят аниқ манзарасини кўрсатар эди. Қуйида 1992 йил июнь ойи бошларида олинган хабарлар келтирилади. Уларнинг аксарияти хронологик тартибда "тўпланган" бўлиб, катта қизиқиш уйғотади.

...Тожикистон ўзининг мустақиллигини эълон қилиши билан Эрон Душанбега тўғридан тўғри икки томонлама муносабат ўрнатишни биринчи бўлиб таклиф қилди. Бу

билан биринчи галда сиёсий мақсадни — ислом ақидапарастларидан фойдаланиб ўз таъсирини Тожикистонда кенгайтиришни, эрон майл-ҳолатларни ёйишни, унга теократик давлат ғоясини мажбуран қабул қилдиришни кўзда тутган эди. Ўрта Осиёда Эрон Ислом Республикаси (ЭИР)нинг биринчи элчихонаси айнан Душанбеда очилиши ҳам бежиз эмас.

Теҳроннинг ташаббуси билан Эрон, Покистон ва Афғон муҳождлари вакиллари биргаликда иш юритадиган қўшма ташкилот тузиш ҳақида келишиб олдилар. Бу ташкилот уч қардош мамлакат ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш ва маданий меросни тарғиб қилиш билан шуғулланмоғи лозим эди.

...Эронга талабалар — теологлар, Тожикистонга эса — араб ва форс тиллари бўйича мутахассислар юборилади. Жумладан, 1992 йил кузида Тожикистондан келган 50 нафар талаба Теҳрон дорилфунунининг турли куллийтларида билим олишни бошлаб юбордилар.

...Афғонистон ҳудудига ўтган Тожикистонлик фуқаролар, асосан ёшлар, кейинчалик Тожикистонга қайтиш ва террорчилик ҳаракатлари олиб бориш учун жанговар тайёргарлик кўрадилар. Масалан, Латиф (АИП) қуроли қисмлар бошлиғи Шерхон бандаргоҳи атрофида жойлашган тайёрлаш марказига тожик фуқароларини мунтазам равишда юбориб туради. Марказнинг фаолияти тўғрисида чегарани бузиб ўтган гуруҳларнинг биридан топилган баёнотномалар ёзилган дафтарлар, жанговар тайёргарлик бўйича рисоалар далолат беради.

...Афғонистон ҳудудининг Панж аҳоли манзилгоҳида ИПА қуроли қисмларининг миқдори кўпайиб бораётганлиги хабар қилинади. Афғон муҳолафатининг олий мартабали арбоблари Тожикистонга мунтазам равишда ташриф буюриб тургани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

...Тожик-афғон чегарасини бузувчилар асосан Ислом уйғониш партияси вакиллари бўлиб, ўз бошлиқларининг топшириғи бўйича ўзларининг жангариларини қуроллантириш учун қурол-яроғ олиб келиш мақсадида чегарадан ўтадилар.

...Кўлоб жангариларининг командири Сангак Сафаровнинг айтишича, унинг отряди коалицион ҳукумат истеъфога чиқиб кетмас экан, қуролни қўлдан қўймайди.

...Кузатувчиларнинг хабарларига қараганда, Гулбиддин Ҳикматёрга содиқ бўлган афғон мужоҳидлари отрядлари Тожикистоннинг Исломи уйғониш партияси отрядларига қурол етказиб бермоқда. Мужоҳидлар шунингдек, тожик тўдаларини партизанча уруш олиб бориш услубига ўргатмоқдалар ва уларни Тожикистонда "жиҳод"—муқаддас уруш эълон қилишга даъват этмоқдалар.

...Зафаробод аҳоли манзилгоҳидаги кичик станцияда ёнгин чиқди. Трансформатор қизиби кетди, уни совитиш учун 20 тоннага яқин мой ишлатилди. Натижада бир нечта районлар электр қувватисиз қолди, 20 км ли кабель ишдан чиқди. Ҳукумат вакиллари ёнгин қўпоровчилик хатти-ҳаракати натижасида чиққанини инкор этмайдилар...

...Асосий қисми Тожикистоннинг туб жой аҳолиси бўлмаганларни ташкил қилган қочоқлар муаммоси аввалгидек кескин бўлиб турибди. Ўзбекистон республикасига келаётган қочоқлар оқимини камайтириш бўйича Ўзбекистонлик маъмурлар томонидан кўрилатилган тадбирлар натижасида уларнинг катта миқдори Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош бўлган Қўрғонтепа ва бошқа вилоятларида тўпланиб қолди. Қочоқларнинг бир қисми Вахш водийсидан Кўлоб вилояти томон юра бошладилар. Бу вилоятнинг Данғара ва Совет районларидаги қочоқлар сони аллақачон бир неча ўн минг кишидан ошиб кетди.

...Колхозобод районида номаълум тўда бу ерда яшовчи туб жойлик бўлмаган аҳолининг ҳаётига хавф солмоқда.

...АИП ҳудудида қўпоровчилик гуруҳини тайёрлаш бўйича марказлар ташкил этилган бўлиб, тайёргарлик тугагандан сўнг, улар Ўрта Осиёнинг собиқ жумҳуриятлари ҳудудига разведка-террорчилик вазифаларини бажариш учун ташланадилар. Гуруҳларни ташлашдан асосий мақсад Тожикистон ва Ўзбекистонда разведка ишларини олиб бориш ва вазиятга баҳо бериш, қурол-яроқларнинг тақсимланишини назорат этишдир...

...Душанбедан АҚШ элчихонаси эвакуация қилинди. Эвакуация Россия ҳарбийларининг ёрдамида амалга оширилди. Америка дипломатлари россиялик ҳамкасблари орқали ҳарбий транспорт самолёти экипажига ёрдам бергани учун ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

...Кўлоб вилояти диний бошқармасининг бошлиғи Ҳожи Ҳайдар Шарифзода радио орқали мурожаат қилиб,

Тожикистон халқини қуролни топширишга чақирди. Шу йўл билан ихтилофларни авж олдиришдаги айбларини ўзидан соқит қилди.

...Бадахшон ўлкаси ҳудудидаги жангариларни тайёрлайдиган махсус лагерлардан бирида (бу лагерь Афғонистон ислом жамияти томонидан назорат қилинади) Тожикистонга ҳар бири 15 кишидан иборат бўлган иккита тожик жангарилари гуруҳини ташлашга ҳозирлик кўрилмоқда. Гуруҳлар жанговор ва ўт очиш қуролларидан, шунингдек турли артиллерия системаларидан фойдаланишга ҳам ўқитилган. Мавжуд маълумотларга кўра, тожик жангариларини тайёрлайдиган бундай лагерлар кейинги вақтда Афғонистон Исломи жамиятининг фаол ҳамкорлигида Покистон ҳудудида ҳам ташкил этилади.

...Қундуз ўлкасида жангариларни тайёрлайдиган марказ ташкил этилган. Марказда партизан уруши қоидалари ва усулларини ўргатадиган қисқартирилган уч ҳафталик дастур бўйича ва қўпоровчиликни ўргатадиган икки ойлик дастур бўйича таълим берилади. Янги "мужоҳидлар" тайёрлашда покистонлик мутахассислар фаол иштирок қилмоқдалар.

...Тожикистон ИИВ маълумотларига кўра, республикада жиноятчилик кейинги уч ой ичида ўтган йилнинг шу даврига қараганда 40,6 фоиз ўсган. Кўлоб ва Қўрғонтепа вилоятлари ҳудудида айниқса ташвишли аҳвол вужудга келган бўлиб, бу ерда ўта хавfli жиноятлар сони 50 баробар кўпайган.

...Мавжуд маълумотларга кўра, Қундуз ўлкасида Саудия Арабистонидан келган маслаҳатчилар, тожикистонлик қочоқлардан фойдаланиб, Тожикистон бўйича ва эҳтимол Ўзбекистон бўйича ҳам разведка ва контрразведка тадбирларини амалга оширмоқда.

...Вахш, Комсомолобод, Қўрғонтепа вилоятининг Панж ва Ҳисор туманларидаги айрим қишлоқларда ислом жангариларини тайёрлайдиган ўқув марказлари ташкил этилган. Улардаги айрим йўриқчилар Афғонистон мужоҳидларидан иборатдир.

...АИПдан чиққан миссионерлар Кўлоб вилоятида АИРга жўнатиш учун кўнгиллиларни танлаб олдилар, бу ерда улар Г. Ҳикматёрнинг қуролли отрядларида тайёргарлик кўрадилар.

...Афғон мухолафатининг юқори мартабали арбоблари Тожикистонга мунтазам равишда келишлари ҳақида маълумотлар бор. Тожикистонлик контрабандачиларга қурол тақиб беришда ёрдам берган Г. Ҳикматёрнинг тарафдори — дала командири Абдул Латиф кўмаклашгани тахмин илинади. У Афғонистоннинг айрим шимолий районларини назоратда тутиб турган.

...Афғонистоннинг айрим фуқаролари афғон мужоҳидларининг қуролли қисмлари командирларидан, шунингдек Турон ва Покистон махсус хизматидан олган турли вазирларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтишлари мумкинлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

...АИП қуролли қисмларининг командири А. Латиф азведка олиб бориш ва вазиятга баҳо бериш топшириқлари билан ўз кишиларини (икки-уч киши) бир неча бор Тожикистоннинг чегара районларига юборган, улар Афғонистондан олиб келинган қурол-яроқларнинг тақсимланганини назорат қилганлар.

...Кўлоб жангариларининг раҳбарларидан бири Анвар Асанов ўзининг мухолифчи тўдалари назоратидан чиқди ва ҳукуматнинг истеъфо беришини талаб қила бошлади. Ҳукумат истеъфо бермаса улар ўз қуролларини шламасликлари билан қўрқитишга тушди.

...ИУП раиси Муҳаммадшариф Ҳимматзода Тожикистонда вужудга келган ижтимоий сиёсий вазиятни тушунириб бериш ва республикада ислом ақидапарастлари қимиятини ўрнатиш учун қўллаб-қувватлаш ва ёрдам бериш ҳақида илтимос билан яқин вақтлар ичида АҚШга шриф буюради.

...Ҳозирги вақтга қадар Афғонистондан олиб келинган қурол-яроқлар йўли беркитилгани йўқ. Чегара шинлари давлат чегараларини қўриқлаш бўйича ўз вифаларини бажаришларига қодир эмаслар, чунки чегара заставасининг шахсий таркиби 40 фоиизгагина тўлдирилган.

...Тожикистон Демократик партиясининг раиси Шодн Юсуф Республикадан "хорижий" армияларнинг чиқиши талаб қилар экан, ўтиш даврида Тожикистонда Россия армиялари мақоми ҳақидаги розилик билдирилган ва улар билан келиша олмаслигини айтди. Унинг фикрича,

республика ўз армиясини шакллантириш учун барча зарур имкониятларга эга.

...Қурол ва ўқ-дориларни олиш мақсадида Тожикистон ҳудудига тўпланган қисмлар ва чегара қўшинларининг ҳарбий хизматчиларига маҳаллий аҳолининг мурожаат қилиш ҳоллари ҳам хавф туғдиради.

...Кўлоб вилоятида ақидапарастлар ва уларнинг душманлари ўртасида қуролли тўқнашувлар ҳам чиққанлиги ҳақида маълумотлар бор. Натижада бир киши ўлдирилган.

...Август ойидан бошлаб тожик-афғон чегарасида 38 нафар чегара бузувчи ушланган. Улардан 12 та автомат, 6 та пулемет, 5 та милтиқ, 1 та тўппонча тортиб олинган. Бу даврда чегарада иккита жанговар тўқнашув бўлганлиги, натижада бир чегара бузувчи ўлдирилганлиги ва икки нафари ярадор қилинганлиги қайд қилинади.

...Биродаркушлик уруши яна 300 кишининг ўлимига, 335 га яқин кишининг ном-нишонсиз йўқолишига олиб келди. Шу жумладан, 11 нафар байналмилалчи-жангчи, Тожикистон ИИВ ходимларидан 12 киши ўлдирилди.

...Исломчиларнинг "яшиллар" деб ном олган турли тўдалари байналмилалчи-жангчиларнинг Қўрғонтепадаги маҳаллий биноларини талон-торож қилиб, архивни ва шаҳарда яшовчи "афғонлар" рўйхатини қўлга киритдилар. "Яшиллар" сафида жанг қилаётган Афғонистондан келган ёлланмалар уларни таъқиб қилмоқдалар ва ваҳшийларча ўлдиarmoқдалар.

...Вахш шаҳри ҳудудига 250—300 кишига мўлжалланган ИУП тарафдорларининг ўқув базаси рўйхатга олинган.

...Қўрғонтепа вилоятида аввалгидек кескин вазият сақланиб турибди. Ўзаро этник заминда гаровга олиш ва қуролли тўқнашув ҳоллари давом этмоқда. Вилоятнинг Бахтар туманида ваҳҳобийлар билан "кўлобликлар" ўртасида тўқнашув рўй берган. 22 нафар ваҳҳобий ва Кўлоб жамоасининг 72 вакили ўлдирилган.

...Ислом уйғониш партиясининг амалдаги раҳбари қозикалон Хўжа Акбар Тўржонзоданинг айтишича, улар ҳатто агар ислом мухолафати яширин ҳолда ишлашга ўтган тақдирда ҳам то ғалабага эришмагунларича сиёсий курашни давом эттираверадилар.

...ИУП бошлиги Ҳимматзода ўз партиясининг аъзолари олдида Қумсангир "йўлагидан" фойдаланиб туриб, Афғони-

стонга ўт очиш қуроллари етказиб бериш учун куч-гайратларини фаоллаштириш вазифасини қўйди.

...Республикада барча қуролларнинг қарийб 70 фоизи ИУП тарафдорлари қўлидадир.

...Кўлоб вилояти раҳбарияти айтдики, вилоят ижроия қўмитаси қарори билан ташкил этилган миллий гвардия бўлинмалари қарши урушаётган томондан то ишончли бирон-бир кафолат бўлмагунча, ҳеч қандай қуролни топширмайдилар.

...АИП бошлиғи Г. Ҳикматёр Қундуз ва Бадахшон афғон ўлкаларида ҳаракат қилаётган ўзининг дала командирларига тожик жангариларига қурол ва ўқ-дори билан ёрдам бериш ҳақида кўрсатма берди. Дала командири А. Латифнинг отрядида ИУП тарафдорларидан бўлган 300 дан ортиқ тожик фуқароси тайёргарлик кўрмоқда.

...Кўрғонтепа вилоятининг Бахтар туманидаги Куйбишев номли совхоз-техникум ҳудудида урушаётган тўдалар ўртасида ўқ отар қуроллар қўлланилган. Тўқнашувлар ҳескин тус олди. Масалан, бир гуруҳ кишилар совхоз марказида хўжалик аҳолисидан тузилган ўз-ўзини ҳимоя қилиш отряди томонидан ўққа тутилди. Отишмалар натижасида отряд командири ҳалок бўлди. Унинг икки қангчиси эса оғир жароҳатланди.

...Чегараларни қўриқлашда чегарачиларга Кўлоб қарчилиқ кўрсатиш ҳаракати раҳбарларидан бири Сангак Сафаров жиддий ёрдам кўрсатмоқда. У ўз одамларини чегарачилар билан биргаликда нарядга тақсимлайди ва чегара отряди командирлари билан яхши муносабатда бўлмоқда.

...Кўрғонтепа шаҳрида 3 сентябрдан 4 сентябрга ўтар кечаси Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан кўчиб келган ўзбеклар яшайдиган жойга ҳужум қилинган. Уйлар қирқилган, юзга яқин киши жабр кўрган.

...Кўрғонтепада бўлиб ўтган жанглار натижасида Ургут вилояти бундай йўқ қилинган. Қурбонлар сони минг кишига етади. Шаҳарни 30 мингдан зиёд қочоқ тарқатилган.

...Кўрғонтепага Болтиқбўйи ва Кавказдан ёлланмалар келтирилганлиги ҳақида маълумотлар тушмоқда. Улар ақида-растрлар томонида туриб жанг қиладилар.

...Қундуз шаҳри атрофларида тожик жангариларни тайёрлайдиган иккита база ташкил этилганлиги ҳақида

маълумотлар бор. Тожикистонга тожик-афғон чегараси орқали Эрондан қурол келтирилаётганлиги факти қайд қилинади.

...Кўлоб жангарилари томонидан Нурек ГЭСи ва Нурек шаҳри қўлга киритилган. Бунда 9 киши ўлдирилган ва 8 киши ярадор бўлган.

...Эрон ва Тожикистон ўртасида бу мамлакатларга дипломатик ва хизмат паспортлари бўлган кишиларнинг визасиз бориш-келиши ҳақида шартнома имзоланди.

...АИП бошлиғи Г. Ҳикматёрнинг айтишича, Қундузнинг афғон ўлкасига Тожикистон Республикасининг ички ишларига аралаштиш учун плацдарм сифатида қаралади.

...Тожик жангарилари АИРга Ҳирот ўлкаси орқали ўта бошладилар. Бунда Кушка шаҳри районининг туркман-афғон чегарасидаги ўтиш осон бўлган Турагундид пунктидан фойдаланганлар.

...Чегаранинг Қумсангар қисмида Тожикистон ҳудудига суқилиб киришга ҳаракат қилган қуролли гуруҳнинг йўли тўсилди. Афғон томонидан ёриб ўтадиган гуруҳлар 50 кишига қадар қуролли отряд таъмин этилган. Жангларида 15 киши қуршовга тушган ва асир олинган. Асирга олинганлар орасида АИРнинг 8 фуқароси ҳам бор эди. Улардан бир нечта автомат, гранатомёт, ўқ-дорилар тортиб олинди...

...Тожикистон ҳукумати биноси Демократик партия раиси Шодмон Юсуф умумий раҳбарлик қилган жангарилар томонидан эгаллаб олинди. Президент маслаҳатчиси Шарипов, Вазирлар кенгаши ишлари бошқармаси бошқарувчиси Мирзоев, Бош вазир ўринбосарлари Каримов ва Гафоровлар гаров тариқасида ҳибсга олинди.

...Мухолафатнинг қуролли отрядлари ҳукумат биносини эгалладилар. Бинони қўриқловчи милиция қаршилиқ кўрсатмади. Шу кунги маҳаллий радио ва телевидение орқали мухолафат вакиллари сўзга чиқиб, Президентнинг истеъфо беришини ва Давлат кенгаши тузилишини талаб қилдилар. Оммавий ахборот воситалари тўлиқ равишда ИУП томонидан назорат этилмоқда...

...Эронда телевидение ҳар кунги Тожикистон ҳақида икки соатлик кўрсатув бермоқда. У Оятулла Ҳумайнийнинг жазавага тушган оломон ўртасига чиқиши тасвирланган лавҳа билан бошланади. Сўнг Тожикистон

воқеаларига ўтилади. Воқеалар яққол ақидапарастлик нуқтаи назари билан шарҳланади.

...Қўрғонтепа шаҳрида вилоят кенгаши биноси қарши-сида, қонуний равишда сайланган Президентни қўллаб-қувватлашга йиғилган вилоят аҳолисининг кўп миң кишилиқ митинги ўққа тутилди. Кўлоб радиоси вилоят раҳбариятининг аҳолини Тожикистоннинг қонуний сайланган ҳокимиятини ҳимоя этишга, муҳолафатга қарши уруш эълон қилишга даъват этувчи мурожаатини ўқиб эшиттиради.

Душанбе туманида ИУП қуролли қисмларининг умумий сони қарийб 20 миң кишини ташкил этади. Штаб қозихона биносида жойлашган. Асосий база — пойтахтнинг шимолий чеккасидаги "Варзоб" пионер лагери ҳудуди.

...Қоратол туманида (Душанбедан 40 километр шимоли ғарбда) граждан мудофаасининг собиқ полки базасида ва Ромит дарасида ислом жангариларини тайёрлаш ўқув марказлари ташкил этилди. Уларда АИР, Эрон йўриқчилари таълим бермоқдалар...

...Қўрғонтепа вилоятида ақидапарастларнинг қуролли қисмлари Россиянинг 201-мото-ўқчи дивизиясига қарашли қуроллар ва ўқ-дориларни эгаллаб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Тинч аҳолини Қизилқалъа манзилгоҳи чеккасида мажбурий равишда тўплаш кузатилмоқда. Улардан бу ерда жойлашган омборларни қўлга олиш жараёнида жонли тўсиқ сифатида фойдаланишни режалаштирмоқдалар. Қўрғонтепада дивизиянинг жанговар техникаси орттилган колоннаси икки марта ўққа тутилди. Ҳарбий шаҳарчага снайперлар тез-тез ўқ узиб турибди.

...Қозихона вакиллари республика аҳолисига қуролли қисмлар ташкил қилиш учун ҳар бир оиладан бир эркак кишини унинг ўрнига 40 миң сўм миқдорида тўлов тўлаш ақидадаги мурожаатини тарқатдилар.

...Қозикалон ўзининг Тоғли Бадахшонга сафари давомида ақидапарастларнинг жанговар отрядлари сафига кўп-кўп помирликларни тортишга ва улар учун Афғонистондан қурол-яроқ келтириш йўллари кенгайтиришга муваффақ бўлди.

...Кўлоб вилоятидан келганларни Душанбедан зўрлаб чиқириш фактлари, уларнинг мол-мулкларини талон-тоқоқ қилиш ва жисман озор бериш ҳоллари учрайди.

...Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Ўзбекистондан келган десантчилар қисмлари тожик-афғон чегарасининг энг оғир участкаларини мустаҳкамладилар. Уни кесиб ўтишга уриниш ҳоллари рўй бериб турибди. Бу фақат Тожикистон учун эмас, балки ёнма-ён жойлашган яқин-йироқ хорижий давлатлар учун ҳам хавф туғдиради. МДҲ мамлакатларининг барча ҳудудларига қуроллар оқиб келиши мумкин. Афғонистон ҳудудида жангариларни тайёрлайдиган учта марказ ташкил этилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Агар чегара мустаҳкам бекитилмаса, у ҳолда уруш алангаси бошқа республикаларга ҳам ўтиши мумкин.

...Ислом уйғониш партияси бошлиқлари ўта қарама-қарши позицияни эгалладилар. Улар АИР билан чегарани очиш ва Ўзбекистон билан беркитиш керак, деб ҳисоблайдилар.

...Ҳозирги босқичда миллий заминдаги оммавий чиқишлар авж олишининг асосий сабаби республикалар ўртасида чегараларнинг шартли ўтишига эмас, балки у ёки бу район аҳолисининг қандай ижтимоий-иқтисодий даражага эга бўлишига, унинг ижтимоий тузилишига ва ҳуқуқий ҳимояланишига боғлиқдир.

...Кейинги пайтларда Тожикистоннинг қатор сиёсий партиялари, аввало, республикада ғарб мамлакатлари таъсирининг кучайиб кетишидан хавфсираб АҚШ, Туркия ва Россия билан муносабатларни кенгайтиришга ошқора қаршилиқ кўрсатмоқдалар. Улар тожикларни Эрон ва Афғонистондаги қондош биродарлари билан янада жипсроқ бирлашишга даъват этмоқдалар.

...Темир йўллар қамалда қолганлиги сабабли қўрғонтепалик қочоқлар вилоят ҳудудидан чиқиб кета олмай-тибдилар. Аҳолининг тожик бўлмаган қисми таҳқирланишга дучор бўлмоқда.

...Чормағзак довоми муҳолафат томонидан қуршаб олиниши натижасида Кўлоб вилоятини энг зарур товарлар билан таъмин этиш тўхтади.

...Қарама-қарши томонларнинг артиллерия тўплари ва гранатомётларни қўллашлари муносабати билан Қўрғонтепа шаҳрида кўпгина вайронликлар юз берди. Шаҳарда озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар етишмаслиги сезилади. Вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан исломчилар ихтиёрига тўлиқ жанговар ҳолатдаги учта БТР берилди.

Ҳозирги вақтда жангариларнинг қуролли қисмларида 7 та БТР, БМП, иккита артиллерия замбараги бор.

...Қўрғонтепа вилоят ижроқўмининг раиси Қадриддин Аслонов минтақадан Россия қисмларининг бутунлай чиқиб кетишини талаб қилди. У ҳарбий ҳаракатлар авж олдирилгани учун барча жавобгарликни улар зиммасига юклади. Матбуот конференциясида ноқонуний тўдалар учун доимий равишда Россиянинг ҳарбий тузилмалари томонидан қурол етказиб берилаётганини айтиб ўтди.

...Душанбе тайёрагоҳига АИРдан яна битта юк самолёти келди. Унинг бортида, айрим маълумотларга кўра, инсонпарварлик юклари қаторида мухолафат кучлари учун қуроллар ва ўқ-дорилар бўлган.

...Тожикистон ҳаво йўлларини иккита афғон вертолётни бузиб ўтганлиги ҳақида аниқ маълумотлар олинган. Ҳар икки вертолёт чегарани Панж ПОГО қисмида кесиб ўтган. Бу вертолётлар бортида "исломчилар" гуруҳларини шакллантириш учун қуроллар ва ўқ-дорилар бўлган. Юклар тушириб бўлинганидан сўнг вертолётлар АИР ҳудудига қайтиб кетган.

...А. Искандаровнинг таъкидлашича, Тожикистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари "кўлобликлар"нинг яхши уюшган кучларига қарши ҳаракат қилишга ожиз. Чунки улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қараганда анча яхши қуролланган ва техникавий жиҳатдан таъминланган.

...Афғонистонлик ёлланганлар — 400 га яқин киши Қўрғонтепада ваҳҳобийлар томонида туриб ҳаракат қилмоқда, Покистондан келган йўриқчилар ишламоқдалар.

...201-мото-ўқчи дивизиянинг командири генерал-майор Ашуров айтдики, унинг дивизияси доимий жойлашган пунктда қолади, Тожикистондан чиқиб кетмайди. Дивизия Ташкентда имзоланган битимга мувофиқ келувчи вазифаларни бажаради.

...Тожикистоннинг жанубий туманларида яшовчи ўзбекларга нисбатан ақидапарастлар томонидан қилинган кабр-зулм зарур чораларни кўришга мажбур қилади. Панж туманида жангарилардан ҳимоя қилиш мақсадида Бегмат раҳбарлигида маҳаллий ўзбеклардан қуролли гуруҳ узилиди.

...Ленинобод вилоятида Тожикистоннинг жанубий туманларидан бўлган қочоқлар оқими кўпаймоқда. Кейинги

маълумотларга қараганда, уларнинг сони 10 минг кишига етади.

...Қўрғонтепада 70 минг аҳолидан бор-йўғи 5 мингга яқин одам қолди. Қўрғонтепалик қочоқлардан 25 мингга яқини ҳозирги вақтда Ўзбекистон билан чегарадош бўлган Қабодиён ва Шаартуз туманларида тўпланган. Уларнинг кўплари оч, юқумли касалликларга йўлиққанлари ҳам бор.

...Қозикалон Тўражонзоданинг кофирларга қарши жиҳод эълон қилгани ҳақида, кофирлар қаторига биринчи галда "кўлобликлар", руслар, ўзбекларни қўшганлиги тўғрисида ишончли далиллар бор.

...Қизилқалъа туманида "кўлобликлар" отряди мухолафат кучлари учун ёрдам келадиган Вахш дарёси кўпригини эгаллашга муваффақ бўлди. "Кўлобликлар"нинг қуролли отряди Қўрғонтепа вилоятида исломчиларнинг қисмларини мустаҳкамлаш учун Душанбедан қурол ва қўшимча кучлар олиб кетаётган тўртта машинадан иборат автомобиль колоннасини яксон қилди.

...Кўлобда ва бошқа аҳоли манзилгоҳларида юздан ортиқ терлама билан оғриш ҳоллари қайд қилинди.

...Қўрғонтепа, Тоғли Бадахшон ва айниқса, Кўлоб вилоятларида озиқ-овқат маҳсулотлари кескин етишмаётгани сезилмоқда. Бу ерда бир киши учун бир кеча-кундузлик нон миқдори 100 граммни ташкил қилади. Ичтерлама маси эпидемиясининг тобора кенг тарқалиб бораётгани вазиятни кескинлаштирмоқда.

...Қозикалон Тўражонзода республикадаги ақидапарастларга қарши кучларнинг ҳужумини барбод қилишга йўналтирилган ўз фаолиятини кучайтирди. Қозилик ўзининг қуролли қисмларини қуроллантириш учун қозикалоннинг яқинда Саудия Арабистонига қилган сафари вақтида давлатнинг махсус хизматидан берилган 50 миллион доллар ажратди. Бундан ташқари, у Хўжанддаги музокараларда қатнашган етти нафар дала командирларини ҳам отишга буйруқ берди.

Ақидапарастлар томонидан Оврупо миллатига мансуб бўлган шахсларни жисмоний жабрлаш ҳоллари учрайди. Ҳарбий хизматчиларнинг болаларини ўғирлаш ва кейинчалик уларни Афғонистон ҳудудига ўтказиб юбориш фактлари ҳам бор. Исломчилар ҳарбий қисмлар командирларига, оғир қуроллардан душманнинг зирҳли техни-

касига қарши ўт очишда фойдаланиш учун, пора таклиф қиладилар.

...Мухолафат Россия қўшинларини ўзаро урушга тортишга уринмоқда. Шу мақсадда ҳарбий хизматчиларни ушлаб қолмоқда. Масалан, улар Кофарниҳон туманидан ўтган 12 нафар ҳарбий хизматчини ушлаб қолганлар. Россия чегара қўшинлари бошқармасининг хизмат автобуси ўққа тутилди. Натижада подполковник ва прапорщик аёл ярадор бўлган.

...Испечак микрорайонидаги учта уйнинг йўлагидан ўнлаб жасад топилган. Бу ерга ташланган варақаларда, исломга қарши курашган ҳар бир киши ёши ва жинсидан қатъи назар, шу кўйга тушади, деган таҳқирли сўзлар ёзилган эди.

...Оржоникидзеободнинг шимоли-ғарбий чегарасида илгарироқ жангарилар томонидан ушланган Россия қўшинларига мансуб уч нафар ҳарбий хизматчининг жасади топилган эди. Мавжуд маълумотларга кўра, улар аёвсиз қийноққа солинган, сўнг эса отиб ташланган.

...Тожики мухолафати бошлиқларининг фаолияти кучаяётганлиги кўзга ташланмоқда. Чунончи, декабрь охириларида қозикалон Тўражонзода Душанбега икки бор келди. Бундан мақсад республика раҳбариятига нисбатан террорчилик фаолиятини кучайтириш бўйича ўз гуруҳларига вазифа топширишдан иборат эди. Унинг кўрсатмаси бўйича, ўзларини халқ fronti аъзолари деб кўрсатган 200 га яқин жангарилар Душанбега томон йўлга чиқдилар.

...Тожикистонга октябрь ойида келган БМТнинг махсус комиссияси экспертларининг кўрсатишича, зиддиятлар авж олишининг йўналишларидан бири тажовузкор кайфиятдаги сиёсий арбобларнинг "ўзбек картаси" ҳокимияти учун курашга ва бу мақсадларда тожикиларнинг уруғ-аймоқлари ўртасидаги низоларни элатлараро, яъни тожикилар билан ўзбеклар ўртасидаги низога айлантириш учун ҳаракат қилишга уриниш ҳисобланади.

...201-Россия дивизиясининг қисмлари ўзаро урушаётган гуруҳлар ўртасида туриб низоларнинг авж олишини бартараф этмоқдалар. Душанбеда қирғинбаротга йўл қўйилмади, жангариларнинг шаҳарга киришига тўсиқ қўйилди ва барча муҳим объектларни ҳимоялари остига олдилар.

...Аҳолининг талабига кўра Қўрғонтепа ва Кўлоб вилоятлари ягона Хатлон вилоятига бирлаштирилди. Гармлик Сафарали Кенжаев тарафдорлари томонидан темир йўлни қуршаб олиш давом этмоқда.

...Ислом ақидапарастларининг бошлиқлари хорижий ислом давлатлари ва экстремист мусулмон ташкилотлари раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши ва ёрдамига умид боғламоқда. Чунончи, Мисрга шахсий ташрифи давомида ИУП раиси М. Ҳимматзода дин доираларининг вакиллари билан алоқа ўрнатиш билан жиддий машғул бўлди. Учрашувлар вақтида у Тожикистонда ислом давлати барпо этилиши учун барча шарт-шароитлар бор, деб қайта-қайта таъкидлади.

ФАҚАТ КУЧЛИ ҲОКИМИЯТГИНА ТЕЛБАЛИКНИ ТЎХТАТИБ ҚОЛИШГА ҚОДИР

1992 йил баҳорида, Шаҳидон ва Озодида фожиавий тўқнашувлар арафасида, Ўрта Осиёдаги мустақил давлатларга сафар қилган АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Душанбеда бўлган эди. Раҳмон Набиев билан суҳбатда юқори мартабали америка дипломати Тожикистон раҳбарининг АҚШдан ёрдам олиб Эрон йўлини тутмаслик тўғрисидаги ваъдасини эшитган эди. Бу суҳбатнинг тафсилотлари номаълум. Бироқ ҳар икки томон ҳам суҳбатдан қаноатланган эдилар.

Эрон йўлини тутиш Набиев учун сиёсий жиҳатдан ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробар эканлиги аниқ. Мухолиф партиялар ва ҳаракатлар ҳақиқий ислом республикаси тузишни, Тожикистонни Эрон, Покистон, Афғонистонни ўз ичига олган янги геосиёсий кенгликка тортишни талаб қилдилар. Собиқ тожик раҳбарининг қалбида республикада муроса ва ён беришга бориш йўли билан тинчликни сақлаб қолишга бўлган ишонч ётар эди. Қолбуки, буларнинг ҳаммаси натижа аксинча бўлишидан дарак берарди. Чунки унга бир неча йилдан бери Тожикистонда ақидапараст ташкилотлар эмиссарлари ҳаракат қилаётгани, ижтимоий фикрлар чуқур ва кенг кўламда таъқиб этилаётганлиги ҳамда миллатчилик ривожланаётганлиги ва кучаяётганлиги яхши маълум эди. Ҳикматёрга мансуб разведка ва контрразведка бошлиғи, кўпорувчилик

ва диверсия ишлари бўйича мутахассис инженер Баширнинг Тожикистонда бир неча маротаба бўлганлиги ишончли манбалардан маълум эди.

У сайёҳлик мақсадидагина келмаган эди. Апрель ойига келиб республикада кучли ижтимоий портлаш учун барча шарт-шароитлар етилган эди.

Буни қўшни республикалар — Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозоғистонда билишар ва хавотирга тушган эдилар.

Бироқ тоғли ўлка ҳокимиятининг юқори доиралари бу аломатларни сезиб-сезмасликка уринишарди. Раҳмон Набиев дўстона давлатларга расмий сафар қилиб, юқори лавозимларни ўзига алоҳида яқин ва содиқ бўлган одамларга саҳийлик билан улашарди. Аммо момақалди-роқ гумбурлаб қолди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Воқеаларнинг ундан кейинги ривожини маълум: ақидапарастларнинг жоҳиллиги, бегуноҳ одамларнинг ўлими ва қайғу-алами. Бундай вазиятда мустақил республикалар бошлиқларининг қандай позиция тутганликларини кузатиш гоят қизиқарлидир.

Россиянинг Тожикистонда ўз таъсирини йўқотиши, ўзининг ички муаммолари собиқ империянинг жанубида кечаётган воқеалар билан қизиқишига имкон бермас эди. Дастлабки кезларда оммавий ахборот воситалари бир-бирига зид маълумотлар бера бошлади. Россия Федерациясининг асосий аҳолиси: "ислом демократлари" коммунистларга қарши урушмоқда деб ишонди. Демак, коммунистик тузумнинг охириги таянчи ағдарилар экан. Шундай бўлиши ҳам керак! Ёмон қўриқланаётган Афғонистон чегараси аҳволи қандай кечади, у Россиядан узоқ-ку. "Дарёча учун" кўп йиллик уруш энди етар. Албатта, у ерда яшаётган кўп минг кишилик рус аҳолисига оғир. Бироқ россияликларнинг ўзига ҳам енгил эмас.

Қозоғистонда ҳам Тожикистондаги фожиаларга дастлабки пайтларда етарлича жиддий муносабатда бўлинмайди. Чунки бу республика билан бевосита чегаралар ўтмайди. Қозоғистон ҳудудида зиддиятларнинг ёйилиши учун жиддий хавф йўқ.

Қирғизистонда бу бошқача кечди. Сув ва ўтлоқлар учун азалий баҳслар, бу нотинч ўлкада яшаётган кишилар, қўшнилари билан етарли равишда чўзилиб кетган чегара Бишкекдаги раҳбарлар бошини қотира бошлади.

Ўзбекистон ҳам ноқулай вазиятда қолди. Бузилган, қўриқланмаётган юзлаб километрга чўзилган чегара, Тожикистон фуқароси бўлган бир миллион уч юз мингдан ортиқ ўзбеклар аҳволи, ақидапарастларнинг айрим вилоятларда тарафдорлар излаши минтақадаги энг йирик республикани тобора авж олаётган зиддиятлар гирдобига тортиши мумкин эди. Тошкентда фақат сиёсий йўлгина қўшни биродарларнинг жафокаш заминига тинчлик олиб келиши мумкинлигини англаб етдилар. Бироқ қандай қилиб?

Май ойидан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудига қочоқлар: ярадорлар, касаллар, очлар оқиб кела бошлади. Уларга ёрдам кўрсатилди, ҳатто пул билан кўмаклашилди. Лекин одамлар орқага қайтариб юборилди.

Республика ҳокимиятининг бундан бошқа иложи ҳам йўқ эди. Гап бу ерда фақат мустақил давлат ишига ақидапарастларнинг аралашишига чек қўйиш, хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки битимининг барча халқаро нормаларига амал қилган ҳолда ўзига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан иборат эди. Бу, бир томондан. Иккинчи томондан эса, республиканинг ўзида тожик миллатига мансуб миллионга яқин фуқаро яшайди. Бу ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Жонажон еридан қувилган, мол-мулкидан ва умуман яшаш учун барча воситалардан маҳрум этилган қочоқлар билан маҳаллий тожиклар ўртасида чигалликлар келиб чиқиши мумкин эди. Балки бундан ҳам ортиқ бўларди. Озарбайжон — арман зиддияти қандай бошлаганлиги ва ривожланганини, кейинчалик у бир-бирига қарши тўғридан-тўғри ҳарбий ҳаракатга олиб келганини бир ўйлаб кўрайлик. Ўзбекистон раҳбарлари ҳеч қачон, ҳар қандай ҳолда ҳам бунга йўл қўйиб бўлмастикни тушунардилар. Акс ҳолда бутун минтақада портлаш, ҳалокат ва бу ерда яшаётган эллик миллион киши учун қайғу-алам ва жудолик юз бериши мумкин эди.

Тожикистондаги фожиалар ўзининг авж нуқтасига чиққан бир пайтда, сентябрь бошида, ўлганлар сони минглаб кишини ташкил этган бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкентда аккредитация қилинган журналистлар учун зудлик билан матбуот конференцияси ўтказди. Ўзбекистон бошлигининг фикри-зикрини қўшни республикада кечаётган воқеалар қанчалик банд этганини

кўриш мумкин эди. Одатда вазмин ва мулойим, ҳатто қандайдир нимтабассумли бу киши ўша сентябрь кунларида ўз ҳис-ҳаяжонини яширмас эди. И. Каримов биродаркушлик урушига зудлик билан барҳам беришга доир ўз дастурини олға суриб, бу масалада Ўзбекистон мавқеини аниқ чизиб берди. У нимага асосланарди?

— Фақат тожикларнинг ўзи ўзлари ўртасида чиққан зиддиятларни ҳал қила оладилар ва ҳал қилишлари керак, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон мустақил республика ишига аралашинишга мутлақо қарши. Бироқ у ерда рўй бераётган воқеаларга бир чеккадан томошабин сифатида қараб тура олмайди.

Тожикистон ва Афғонистон ораллигидаги юз минглаб кишилар милтиқ остида кун кечираётган, аҳоли зич жойлашган йирик минтақада ҳозир чегара амалда очиқлиги янги кескинлик ўчоғини вужудга келтириши мумкин. Шу боис Ўзбекистон мавжуд кескинликни қисқа муддатда тинч тараққийпарварлик йўли билан ҳал этиш учун саъйи ҳаракат қилмоқда.

Қочоқлар масаласига келганда эса, Ўзбекистон ўн минглаб кишиларни ўз бағрига олиш имкониятига эга эмас. Бу ерда ҳеч ким биродар халқ кулфатларига, муаммоларига лоқайд қараб турмаяпти, албатта. Республика қўшниларининг ҳаловат турмуши учун қўлидан келган ёрдани беришга тайёр. Бу мураккаб муаммо борасида бизнинг позициямиз аниқ ва қатъий: Тожикистонда яшаб келаётган тожиклар ҳам, ўзбеклар ҳам мазкур суверен республиканинг тўла ҳуқуқли фуқаросидирлар, бинобарин, унинг Конституциясига, қонунларига риоя этишлари даркор. Мазкур воқеаларнинг энг даҳшатли оқибати — миллатлараро нифоқ алангасини ёқишга ҳаракат қилишдир. Зеро бундай машъум хатти-ҳаракатлар илгари ҳам бўлганди. Бу борада Ўш вилоятида юз берган хунрезликни осланинг ўзи кифоя...

Ислом Каримов ўшанда биринчи бўлиб бонг урди. Ўта зийрак ва узоқни кўра билувчи сиёсатдон сифатида у мазкур тоғли ўлкадаги фуқаролар уруши яна авж олиши мумкинлигини аниқ кўра билди. Мавжуд вазиятни тўғри баҳолади.

Давлат бошлиқларининг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувларидан бошлаб И. Каримов Ҳамдўстлик қатнашчилари бўлмиш мамлакатларнинг раҳбарларини,

жаҳон ҳамжамиятини Тожикистондаги аҳволнинг фожиавийлигига эътибор билан қарашга, халқнинг ўз ёғига ўзи қовурилишига йўл қўймасликка қатъий чақириб келди. Бишкекда ҳам, Москвада ҳам, Хельсинки учрашувларида ҳам шундай қилди... 1992 йил сентябрида БМТ Бош қотиби Бутрос Галига жўнатган номасида у бундай ёзган эди: "Шуни назарда тутиш керакки, бу ердаги одамлар ва халқларнинг катта гуруҳлари ўзаро муносабатларидаги ҳар қандай қарама-қаршилик, тўқнашув ва зиддиятлар қайси жойда содир бўлмасин, бутун минтақа учун бениҳоя ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлган.

Қардош Тожикистонда содир бўлаётган воқеаларни ўлкаамизнинг 50 миллион аҳолиси мана, ярим йилдан буён катта фалокатни сезгандек, ташвишланиб, изтироб билан кузатиб турибди. Тожикистонда жанглари тўхтамаяпти, доимо ўқ овозлари эшитилаяпти. Турли сиёсий кучлар ва гуруҳлар ўртасидаги кескинлик ҳамда қарама-қаршилик кун сайин кучаймоқда. Бегуноҳ гўдаклар, аёллар, қариялар, оддий фуқаролар тобора кўпроқ ҳалок бўлмоқдалар. Оз сонли миллатларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмоқда. Қаттиқ биродаркушлик тўқнашувлари давом этаётган туманлардаги турли миллатларга мансуб қочоқлар кўпаймоқда. Улар бошқа мамлакатлардан паноҳ излашга мажбур бўлмоқдалар...

Тожикистон халқининг ўз ички ишларини ўз хоҳишича ҳал этиш ва ўз тақдирини белгилашдан иборат суверен ҳуқуқи табиий ва дахлсиздир. Бироқ қардош республиканинг мардона, меҳнатсевар ва афсуски жафокаш халқи ўз дахлсиз ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун қулай ташқи шароит яратилиши керак. Аввало минтақага жанговар қуроли келтирилишини тўхтатиш лозим."

Шундан сўнг тўрт президентнинг — Нурсултон Назарбоев, Борис Ельцин, Асқар Ақаев ва Ислом Каримовларнинг баёноти эълон қилиниб, унда Қозғистон, Россия, Қирғизистон ва Ўзбекистон Тожикистон Республикасининг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлаш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг жанубий чегараларини мустаҳкамлаш учун бор имкониятни ишга солишга шай эканликлари қатъий таъкидланди.

Шу ўринда яна бир нарсага ойдинлик киритмоқ жоиз. Ислом Каримов ўзининг Бутрос Галига йўллаган номасида ҳудудий тақсимланишга йўл қўйилмаслиги кераклигини

етарли даражада асослаб берган эди. Нима учун Ўзбекистон раҳбари мазкур муаммога бот-бот эътиборни қаратди? Мазкур масалага теранроқ назар билан қарайдиган бўлсак, бу ерда ҳамма гап Ленинобод вилояти аҳолиси тутган позицияда эканлиги маълум бўлади. Иқтисодий жиҳатдан Тожикистоннинг бошқа ҳудудларига нисбатан анча ривожланган мазкур вилоят аввалдан Ўзбекистонга алоҳида бир яқинликни ҳис этиб келган, буни фақат ҳудудий яқинлик билан изоҳлаш нотўғри бўлур эди. Вилоят аҳолисининг кўпчилиги ўзбеклар. Душанбедаги низолар кучайиб, пойтахтда ҳўжандликлар сиқувга олина бошлагани сайин бу ерда мазкур вилоятнинг Тожикистон таркибидан чиқиши ҳақидаги гап-сўзлар кўпая борди. Бу борада икки вариант тавсия қилинарди — ё Ленинобод вилоятига тўлиқ, Тоғли Бадахшон мухтор республикасиникига қараганда кенгроқ мухторият берилиш керак ёки мазкур вилоят Ўзбекистон таркибига ўтиши керак. Агар шундай йўл тutilганда бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу сабабли Ислом Каримов қўшнларнинг бундай таклифини қатъий рад этди.

Тожикистондаги фуқаролар урушини тезда бартараф этиш борасида Ислом Каримов тутган изчил позиция ва сиёсий ташаббуслар жаҳон жамоатчилиги эътиборидан четда қолмади. Деярли барча етакчи ахборот агентликлари, рўзномалар, радиостанциялар Ўзбекистон раҳбари тутган позицияга ўз шарҳларини бердилар. Қуйида улардан айримларини келтирамиз.

"Ўзбекистон Президенти Каримов Ўрта Осиёда зўравонликнинг кенг ёйилиши хавфидан огоҳлантирди.

Тожикистондаги фуқаролар уруши,— деди у,— Тоғли Қорабоғдаги аҳволдан кўра хавфлироқ ҳолат юзага келишига сабаб бўлиши мумкин". ("Немецкая волна".)

"Тожикистондаги воқеаларни баҳолар экан, қўшни Ўзбекистоннинг раҳбари Ислом Каримов, ислом ақидапарастлигини мазкур минтақада ўз дақиқаларини санаб тугатаётган аста-секин портловчи бомба деб атади". (Би-Би-Си.)

"Агар низоларнинг олди олинмаса, уларнинг оқибати Ўзбекистоннинг Тожикистонга чегарадош туманларига ҳам хавф солиши мумкин. Зеро бу ерда яқинда мазкур туманларнинг ҳудудий бўлинишини қайта кўриб чиқишни

талаб қилиб чиққан тожик миллатига мансуб кишилар истиқомат қиладилар.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари энг хавfli омил сифатида бир нарса хусусида такрор ва такрор гапирдилар: Тожикистондаги айрим агрессив сиёсий гуруҳларнинг экстремизми ислом ақидапарастлиги ниқобига ўраниб олиши мумкин" ("Свобода").

"Тожикистондаги мураккаб аҳвол барча қўшнларда, айниқса Ўзбекистон Республикасида катта ташвиш туғдирмоқда. Тожикистоннинг қайғу-кулфатларига ўзбекистонликлар ҳам шерик. Зеро бу икки халқ орасидаги ўзаро муносабатларнинг илдизи қадим-қадим даврларга бориб тақалади. ("Озодлик").

"Жаноб Ислом Каримов таъкидлаб кўрсатишича, Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ўрнатилмас экан, Ўрта Осиёда барқарорлик, эҳтимол бўлмас.

Афғонистондан Тожикистонга пинҳона қурол-яроғ олиб ўтиш мазкур республикада фуқаролар уруши авж олишига олиб келди. Бу икки давлатнинг қўшниси бўлган Ўзбекистонни ушбу муаммо ниҳоятда ташвишлантирмоқда" (Би-Би-Си).

Ислом Каримовнинг ташаббуси ва Борис Ельцин ҳамда Нурсултон Назарбоевнинг фаол қўллаб-қувватлаши туфайли тожик-афғон чегарасига қўшимча ҳарбий қисмлар жўнатилди. Бир пайтлар ниҳоятда мустаҳкам бўлган чегара яна илгаригидек мустаҳкам ва ишончли бўлиб қолди. Суверен давлатлар раҳбарларининг бу ҳаракатини Би-Би-Си қуйидагича баҳолади: "Ҳозирги пайтда ҳар иккала йўл ҳам ўта мустаҳкам берк эканлигига рус генералларининг ишончлари комил. Ана шу мақсадда Россия ва Ўрта Осиёдаги уч Республикадан ҳарбий ёрдам жўнатилди. Чегарачи-генераллардан бирининг фикрича, эндиликда катта гуруҳларнинг чегарани бузиб ўтишларига имкон йўқ. Россия чегара хизмати раҳбарларининг баёнотида кўра, юзлаб тожик муслмонлари Афғонистон шимолидаги лагерларда махсус ҳарбий тайёргарликни ўтаб, чегара орқали Тожикистонга қайтиб келардилар".

МДХ давлатлари раҳбарларининг Бишкекдаги учрашувлари тоғли ўлкадаги фуқаролар урушига алоқадор кўплаб саволларга жавоб бериши керак эди. Аммо, Шаҳидон ва Озоди майдонларидаги мухолафатдан сўнг Тожикистон Республикаси бош вазири ўринбосари лавозимини эгалла-

ган, Демократик партия ва Ислом уйғониш партияси ғояларининг изчил тарғиботчиси Усмон Давлат бироз эпчиллик қилиб қолди. У оммавий ахборот воситаларига Тожикистон Республикаси ҳам мазкур учрашувга ўз вакилларини юборажagini, бироқ улар фақат иқтисодий ҳамкорлик муаммоларига алоқадор мунозараларда иштирок этишларини маълум қилди. Ўзининг бундай қарорини у собиқ СССР республикаларининг Ҳамдўстлиги бор-йўғи расмиятчиликдан иборатлиги билан изоҳлади. Шу сабабли Тожикистоннинг бундан кейинги ташқи сиёсий алоқаларида МДҲ таркибига кирмаган қўшни мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқалар устуворлик қилиши маълум бўлиб қолди. Худди шу йўсинда мухолафатнинг ислом дунёси билан яқинлашиш йўлини яна бир карра мустаҳкамлади.

Тожикистон фожиаси ниҳоятда улкан Марказий Осиё минтақасида яшовчи турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг қалбини ларзага солди. Бироқ кўпчиликни бир савол ҳайратга солиб қўйди: нима сабабдан дастлабки паллада Туркменистон ва унинг Президенти Сапармурод Ниёзов ғайриоддий ва мавҳум бепарқлик йўлини танлади?

Туркменистон раҳнамоси, Тожикистонда юз бераётган воқеалардан ҳамма қатори ҳаяжон ва ташвишда эканлигини маълум қилган ҳолда, ўзининг серқуёш республикаси бошқа мамлакатлар ишига аралашмаслик йўлини танлаганини, у бошқараётган республика раҳбариятининг асосий эътибори ўзларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилганлигини эътироф этди. Агар бу ибораларни соддароқ тил билан ифодалайдиган бўлсак, унинг мазмуни: Тожикистон — олисда жойлашган, Туркменистоннинг осойишталигига ҳеч нарса таҳдид солмайди. Минтақанинг бошқа мамлакатлари раҳбарларининг ташвишланишини эса тушуниш мумкин. Ахир улар, Тожикистон билан девор-дармиён қўшнилари-да. Шундай экан, бу борадаги муаммоларни улар ўзларича ҳал қилаверсинлар.

Яхшиям, С. Ниёзов кейинчалик ўз позициясини ўзгартирди. Айниқса бу — Тошкентда бўлиб ўтган январь ойидаги учрашувдан кейин яққол сезилди. Зеро ўша учрашув чоғида Марказий Осиёдаги биродар давлатларнинг янги ҳамжамиятини тузиш ҳақида қарор қабул

қилинган эди. Туркменистон давлати жафокаш тожик халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

...1992 йилнинг 4 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тайёраси учигашай бўлиб турарди. Кутиш залида уни кузатиш мақсадида бир гуруҳ экспертлар тўпланишган. Олмаотага учиб кетиш кўзда тутилганди. Аммо ҳеч ким бу сафар қандай учрашувни мўлжаллаётганлигини билмасди.

Ислом Каримов тайёрагоҳга тушликдан кейин етиб келди. У келибоқ тайёрага чиқди. Олмаота замини уни момиқдек биринчи қор билан кутиб олди. Машиналар кортежи машҳур "Медео" қароргоҳига йўл олди. Зеро худди мана шу Олатов ёнбағридаги шинам ҳукумат қароргоҳида Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Президентлари, Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Акбаршо Искандаров ва Россия Ташқи ишлар вазири Андрей Козиревлар йиғилишган эдилар.

Учрашув ўта жиддий ва расмий тарзда бўлди. Жуда камсонли экспертлар ва журналистларгина киритилган саҳна ортида ҳаммаси аён эди: муҳокама қилинадиган масала битта — Тожикистон, тоғли ўлкадаги аҳволни изга солиш, қонли биродаркушлик урушига барҳам бериш. Орадан уч соат ўтгач қароргоҳнинг мрамар ва кўзгулар билан жилоланган пурвиқор залига делегациялар вакиллари кириб келишди.

Мезбон сифатида Нурсултон Назарбоев биринчи бўлиб сўз олди.

— Бизлар ушбу фавқуллодда учрашувга Тожикистондаги аҳволнинг янада оғирлашиб бораётганлиги боис тўпландик, — деди Қозоғистон раҳбари. — Бизнинг давримизда юз бераётган, бизнинг маърифатли, тараққий этган асримизда рўй бераётган биродаркушлик уруши, бир тожикнинг иккинчи тожикни ўлдираётганлиги, юз минглаб кишиларнинг ҳалоқат ёқасида турганлиги ақл бовар қилмас фожиадир. Тожик халқига аниқ ва муайян ёрдам бермоғимиз лозим. Биз можароларни бартараф этиш борасида жуда кенг қамровли муаммоларни муҳокама қилдик. Тожикистон — суверен давлат, бундан буён ривожланишнинг қандай йўлидан кетишини унинг ўзи белгилаши керак. Бироқ бу танланган йўл қон билан бўялмаслиги лозим. Тожикистон Республикаси Олий Кен-

гашининг раиси Акбаршо Искандаровга 20 ноябреча халқ ноибларининг навбатдан ташқари сессиясини чақиришни тавсия қилдик. Уни Республиканинг нисбатан тинч ва барқарор шаҳри бўлган Хўжандда чақириш мантиқан тўғри бўлади, деб ўйлаймиз. Майли, ноиблар бу борада ўз нуқтаи назарларини айтсинлар. Қон тўкиш тез орада тўхтатилиши керак. Қўшни республикалар ўз навбатида Тожикистонга лозим бўлган барча инсонийлик ёрдами кўрсатадилар. Қўшнимизни, аниқроғи биродаримизни кулфатда ёлғизлатиб қўйиш — бизнинг анъаналарга хилоф.

Ислом Каримовнинг сўзлари хийла мухтасар бўлди:

— Ўзбекистон Тожикистондаги ижтимоий-сиёсий аҳволнинг барқарорлашувини чин дилдан истайди, — деди Президент. — Минг-минглаб ҳеч бир гуноҳи бўлмаган кишиларнинг тўкилган қони, қарама-қарши гуруҳлар кенг миқёсларда олиб бораётган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қирғин, — буларнинг барчаси нафақат тожик халқи, балки бутун Ўрта Осиё бошига тушган балои офатдир. Ўзбекистон ўз биродарларига қўлидан келган ҳар қандай кўмакни беришга тайёр. Қиш яқинлашиб келяпти, бу эса очарчилик демакдир. Қийинчиликларга қарамасдан биз у ёққа озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, агар зарур бўлса — врачлар бригадасини ҳам жўнатамиз. Менинг назаримда, Олмаота учрашуви барчамизнинг хаёлимизни банд қилиб турган асосий савол — аланга ичида қолган Тожикистон республикасини қандай қилиб инқироздан олиб чиқиш керак? — деган саволга жавоб бериш имконини яратди. Бунини тожикларнинг ўзи, халқ томонидан қонуний сайланган ноиблар амалга оширадилар!

Ҳар иккала президент ўз фикр-мулоҳазаларини билдираётган чоғда Асқар Ақаев одатдагидек кулимсираб, ўз ҳамфикрларининг мулоҳазаларини маъқуллагандек бош иргаб ўтирарди. Ғарбда ўзининг мулойимлиги, ҳамсухбатларининг фикрини ҳамиша маъқуллашга шай бўлганлиги туфайли "жаноби — Ҳа" деган ном олган Андрей Козирев Олатов ёнбағрида ҳам ўзини жуда эркин тутди.

— Россия Тожикистонда юз бераётган воқеаларга ҳеч ҳам бепарқ қарай олмайди, — деди Россия Федерацияси ташқи сиёсий алоқалар идораси раҳбари. — Бу ерда мутасил равишда тожик-афғон чегараси очиб қўйилганлиги фақат мазкур минтақа учун хавф тугдириб қолмасдан, ҳатто Россияга ҳам хавф тугдираётганлигини таъкидлаган

президент Каримовнинг сўзларига қўшилмаслик мумкин эмас. Биз узоқ йиллардан буён мавжуд бўлиб келган Тожикистон билан ўзаро яқин алоқаларимиздан воз кеча олмаймиз. Бинобарин, у ерда русийзабон аҳоли ҳам кам эмас.

Хўш, бу мулоҳазаларга Акбаршо Искандаров нима деб жавоб берди? У ниҳоятда тажанг, асабий ҳолда ўтирарди. Олмаота учрашувларига Сиз қандай баҳо берасиз, деган саволга Тожикистон парламент етакчиси даставвал, Тожикистонга кўрсатаётган ғамхўрликлари учун президентларга узуқ-юлуқ миннатдорчилик изҳор этиб, сўнг деди:

— Хўжандда бўлиб ўтадиган сессия Тожикистоннинг сиёсий тизими бундан кейин қандай бўлиши ҳақида пировард жавобни бериши керак. Биродаркушлик урушини тўхтатиш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилиш керак. Умид қиламанки, йигирманчи ноябрга қадар парламент Ленинобод вилоятида тўпланади. Унинг ишида Ҳамдўстлик мамлакатларидан кузатувчилар иштирок этиши яхши бўлади. Чунки мухолафат Олий Кенгашнинг ушбу сессиясига қаршилиқ қилади.

Учрашув қатнашчилари анъанавий кечки зиёфатга ҳам қолмай, шу кунини кечқурун Олмаотадан учиб кетишди. Ислом Каримов — Тошкентга, Асқар Ақаев — Бишкекка, Акбаршо Искандаров ва Андрей Козирев Россия тайёрасида — Душанбегга йўл олишди.

Тожикистонга ёрдам берамиз, дея сўз берган қўшни республикалар ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар. Қозғистондан таланган, қонга ботган бу давлатга ғалла келтирила бошланди. Ўзбекистон эса ўз қўшнилари учун ун, шакар, макарон маҳсулотлари, ўсимлик мойи, гуруч ва дори-дармонларни муттасил равишда юбориб, дўстона "кўприк" қурди. Ҳукумат қўшинлари ва халқ fronti "гвардиячи"лари томонидан озод қилинган районларга врачлар бригадаси етиб борди. Ахир, ярадорлардан, очлик азобига йўлиққанлардан ташқари, республикада терлама эпидемияси ҳам тарқалган эди-да. Ўзбекистонда миллионлаб кишилар қўшниларининг қайғу-аламларини юрак-юракдан изтироб билан қабул қилдилар. Турли миллат вакилларидан иборат маданий марказларнинг ташаббуси билан Марказий Осиё халқларига ва ҳукуматларига Тожикистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш фонди тузиш хусусидаги Мурожаат қабул қилинди. Тез орада

мазкур фонд учун маблағ йиғила бошлади. Ҳар ким қўлидан келганича: биров ўн сўм, биров минг сўм ёрдам берарди. Бу хайрли, савобли ишдан меҳнат жамоалари ҳам четда қолмади. Бир ҳафта ичида мазкур махсус фондга ўзбекистонликлардан миллионлаб сўм келиб тушди. Қисқа муддатларда Душанбега болалар кийимлари, озиқ-овқат, дори-дармонлар билан лиқ тўла иккита тайёра учиб борди. Ушбу маблағларни турли миллий марказлар ҳада этишган эди. Зеро, буларнинг барчаси — Ўзбекистон ҳукумати кўрсатаётган ёрдамдан ташқари қилинаётган хайру саховат эди.

Аммо бу кўрсатилган ёрдамлар турли-туман сиёсий найрангларга ҳам сабаб бўлди. Тожикистонда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам "Ўзбекистоннинг экспансионистик фаолияти янги бир геосиёсий майдон ташкил этишга қаратилган бўлиб, унда мустақил Тожикистон бор-йўғи тобе бир вассал бўлиб қолади" — деган миш-мишлар авж олиб кетди. Бундай миш-мишлар нима учун керак бўлиб қолди?

Биринчидан, жамоат фикрини ҳақиқий аҳволдан чалғитиш учун, қолаверса, вужудга келиши эҳтимол тутилаётган янги "катта оға"нинг тазйиғи билан оммани кўрқитиб қўйиш учун керак эди.

Иккинчидан, жаҳон жамоатчилигини Тошкент ва Олмаота биродаркушлик урушини тугатиш йўлида олиб бораётган сермулоҳаза, вазмин сиёсатга қарши гиж-гижлаш учун зарур эди. Бу мақсадга эришиш учун улар ҳеч қандай воситалардан қайтмадилар. Тожик мухолафатчилари — Демпартия, Ислому уйғониш партияси етакчилари, қозилик "Кўлоб жангарилари" Тошкентдан келаётган қурол ва пуллардан фойдаланаётир, қолаверса уларга Афғонистон ҳарбий кучларининг ўзбекпараст генерали Дўстум ҳам кўмаклашяпти, дея муттасил равишда айюҳаннос солиб келишарди.

Учинчидан, яна аввалдан синалган "зот қарталар" ишга тушган эди. Ҳайратланарли бўлса-да, аниқ факт: кўплаб ахборот агентликлари яна аввалгидек Раҳим Масовнинг "Калтафаҳмларча чегара ўтказиш тарихи" китобидан иқтибос келтиришни канда қилмасдилар.

Бироқ ислому ақидапарастлари томонидан йўлдан урилган юз минглаб тожиклар эрон типидagi "ислом давлати"

қандай эканлигини бошдан ўтказганликлари сабабли энди бу мутаассибларга ишонмай қўйган эдилар.

Қилинган башоратларга қарамай, Хўжандга амалда Тожикистон Республикасининг барча халқ ноиблари етиб келдилар. Сирдарёнинг қирғоқларига ястанган мазкур шаҳарга мухолафатдаги партиялардан ҳам бир қатор вакиллар етиб келишди. Табиийки, қозикалон — Хўжа Акбар Тўражонзода сессияда иштирок этишдан воз кечди. Қасосдан қўрқиб жангарилар ҳимоясида юрган Тўражонзода муттасил ўз жойини ўзгартирар, ақидапарастларнинг қонхўр каллакесарларига раҳбарлик қилар эди.

...Хўжандда осойишталик ҳукмрон. Гўё бу дилбар ўлкага қиш ҳам келишни истамаётгандай. Кўчалар ва хиёбонлар олтин япроқлар билан зийнатланган. Ваҳоланки, ноябрнинг сўнги кунлари эди. Ҳаммаёқда одамлар. Тожиклар, ўзбеклар, руслар, немислар. Барча асосий чорраҳаларда пулемётлар ўрнатиб ташланган бронетранспортёрлар турарди.

Бунинг боиси бор эди албатта. Бу ерга, Ленинобод вилоятининг марказига Тожикистон Республикасининг халқ ноиблари етиб келишган эди. Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўн олтинчи сессияси бўлиб ўтадиган манзил сифатида бежиз бу ерни танлашмаган эди. Душанбеда — ҳамон уруш, қон тўкиш авжида. Халқ вакиллари тожикларнинг Умумжаҳон анжуманини чақириш учун мажлисга тўпланганларида ислому ақидапарастлари ҳукумат аъзоларини гаровга олган кунни яхши эслаб қолган эдилар.

Ҳаммининг хаёлида биргина савол айланарди, ташвишга соларди: биродаркушлик урушини "ўчириш" учун энг муҳим қарорларни қабул қилишга парламент аъзолари етарли миқдорда тўпланармиканлар? Хўжандга 198 халқ ноиблари етиб келди, бу ноибларнинг кўпчилик қисми эди. Кворум етарли эди!

Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясини ўтказиш жойи сифатида икки маротаба Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўрунхўжаев номли жамоа хўжалигининг Маданият саройи танланди. Бу бино дарҳақиқат жуда салобатли. Санкт-Петербургдаги Петродворецнинг мўъжаз нусхаси. Айнан ўша услуб, ҳатто фаввораларнинг ўрни ҳам ўша, лекин, тўғри, бу ерда машҳур Самсон фаввораси йўқ. Бино рўпарасида кўркем боғ. Аммо ҳар бир дарахт,

бута остидан пулемётчилар жой олишганди. Бинога олиб чиқувчи зинапояга етгунимизча етти марта текширишди. Бу текширувдан ҳеч ким мустасно эмас эди. Журналистлар ҳам, парламент аъзолари ҳам, Бош вазир ҳам... Зеро, шундай қаттиққўллик зарур эди: ислом ақидапарастлари — Хўжандда ҳам қасос оламиз — дея онт ичган эдилар-да.

Сарой пештоқида шундай шиор осилган: "Халқ ноиблари! Сиз бу ерга қон тўкилишини тўхтатиш учун келдингиз. Тожикистон заминида тинчлик тантана қилсин!"

Сессияни бошлашдан олдин сулҳ комиссиясини йиғиш ҳақида қарор қилинди. Комиссия кечга қадар мажлис қилди. Аммо, афсуски, кутилган натижага эришилмади. Сабаб?

Тожикистон тупроғида жуда кўп қон тўкилган эди. Кўлобликлар помирликларни тушунишни истамас, гармликлар — ленинободликларни, қўрғонтепаликлар — душанбеликларни тушунгиси келмасди. Бошқача бўлишини кутиб ҳам бўлмасди! Шундай бўлса-да, сессия ўз ишини бошлади.

Парламент раҳбари, ҳамшиша қозикалонга яқин киши бўлиб юрган Акбаршо Искандаров навбатдаги сессияни очиқ деб эълон қилди. У қаттиқ ҳаяжонланар, шу боис парламентни бошқара олмас эди. Бу ҳаяжон унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида сезилиб турарди. Парламент етакчиси кечириб бўлмас хатога йўл қўйди: гала-ғовурли овоз бериш тугагач, ноиблар орасидан ҳисоб ва таҳририят комиссиясига сайланган ноибларни белгиланганидан бошқа жойларга. "ўтказиб қўйди". Нутқ сўзлаганда ҳам, ҳадеб калаванинг учини йўқотиб қўяр, керакли сўзларни тополмай узоқ муддат жимиб қоларди. Зал эса сув қуйгандек жимжит.

Танаффуслардан бирида москвалик журналистлар Раҳмон Набиевнинг уйига амаллаб қўнғироқ қилишди. Асли хўжандлик бўлган бу сиёсатчи ҳокимиятдан воз кечгач, ҳамюртлари уни совуқдан-совуқ қарши олишди. Зеро, сиёсатдаги заифлик, айниқса у фуқаролар урушига олиб келса, — йўл қўйиб бўлмас ва кечирилмас хато эди!

Мана ўша суҳбат мазмуни.

— Салом, Раҳмон Набиевич! Бугун сизнинг кадрдон шаҳрингизда Республика Олий Кенгашининг сессияси

очилди. Бироқ, нега Сизни сессияга таклиф қилишмади? Ахир Сиз қонуний сайланган, автоматлар таҳдиди остида истеъфога чиқишга мажбур бўлган раҳбарсиз-ку?!

— Менинг ўзим ҳам шунга ҳайронман. Ахир, оддий одоб, қолаверса, Президентга ҳурмат деган нарса ҳам бўлиши керак-ку. Ишонаманки, ноиблар буни тушуниб етишади. Менинг халқ вакилларига айтадиган гапларим бор. Мен ҳеч бир нарсада ўзимни айбдор деб ҳисобламайман...

Ҳатто ҳозир ҳам у ҳеч нарсани тушунмабди, англаб етмабди.

Собиқ Иттифоқнинг узоқ йиллик тарихида, умуман ҳозирги мустақил республикалар тарихида ҳам Хўжанд яқинида бўлиб ўтган бу узоқ чўзилган ва кескин сессияга ўхшайдиганини топиш маҳол. Мазкур сессия давомида ҳамма нарсани кўриш мумкин эди: айбашлар, танбеҳлар, залдан намойишкорона чиқиб кетишлар, сўкишлар ва ҳатто... кўзёшларни ҳам! Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди-да! Ўн минглаб кишилар ҳалок бўлди, юз минглаб кишилар уй-жойдан, Ватандан маҳрум бўлдилар...

Сессия арафасида, аниқроғи, у очиқ деб эълон этилгач, ҳар бир томон ўзига "очко" ишлашга ҳаракат қила бошлади. 24 октябрь куни ўз отряди билан Душанбени қўлга олиш учун ҳамла қилиб кўрган, собиқ етакчи Сафарали Кенжасв шундай деди: "Биз ҳужум билан пойтахтни олмоқчи бўлиб Искандаровга тазйиқ ўтказмаганимизда, сессия чақирилмаган бўлур эди".

Ўшанда ўнлаб бегуноҳ кишилар қурбон бўлган эди. Ислом ақидапарастлари эса шундан сўнг шаҳарда ҳақиқий қиргинбарон ўтказган эдилар. Фақат 201-Россия дивизиясининг аралашуви билангина, пойтахт йўллари беркилиб, яна бир "шамширлардан қон томган кеча"нинг олди олинди.

Қозикалон ҳам бундан четда қолмади. Маълум бўлишича, 18 ноябрь куни у Москвада Эрон элчихонасида бўлган. Нима учун у айнан ўша ерга борган? Шунинг учунки, Эрон авиакомпаниясининг Боку орқали тўғри Техронга борадиган рейслари мавжуд. Душанбе телевидениесида дафъатан пайдо бўлиб қолган Хўжа Акбар Тўражонзода шундай баёнот берди: сессия қуроли тазйиқ остида ўтказилмоқда, мен ва мен каби "ҳақиқий тожик" бўлган кишиларга унда иштирок этиш ўз ҳаётини ўлим хавфи остига қўйиш демакдир.

Қизиқ деталь: қозикалоннинг баёнотидан кейин, суҳандон йигит, кўзини қоғоздан узмасдан унда ёзилган матнни ўқиб эшиттирди: "Зарур бўлиб қолса, бизнинг отрядларимиз Ҳисор водийсини 4 соат ичида тозалаб чиқади". Энди бу ҳақиқий талваса эди.

Аммо ақидапарастларнинг ҳар қандай тазйиқларидан қатъи назар, сессия давом этарди. Акбаршо Искандаров залдагиларнинг авзоига қараб, ўзининг етакчилик ўрнини йўқотганини ҳис қилди! А. Искандаровни ишдан олиш овозга қўйилганида, "қарши" овоз бўлгани ҳолда, ноибларнинг аксарият қисми, яъни — бир юз қирқ бир киши "тоғлиқлар вакили"ни Тожикистон Олий Кенгаши раислигидан олиб ташлаш учун овоз берди.

Акбаршо Искандаровнинг бу ерда қиладиган бошқа иши қолмаганди. "Лаъли Бадахшон" вакили, қозикалон томонидан фаол қўллаб-қувватланувчи бу шахс, шу тариқа сиёсий индирозга юз тутди ва ўз она юртига равона бўлди.

Мамлакатга янги раҳбар — чигал тугунни еча биладиган етакчи керак эди. Парламент етакчиси қилиб 40 ёшли Эмомали Раҳмонов сайланди. У Қўлоб вилоят ижроқўмининг раиси бўлиб ишларди. Ижроқўм раиси лавозимига келганига ҳам атиги бир ой бўлганди холос, бунгача эса давлат хўжалигини бошқарарди. Кўплаб четдан келган кузатувчиларни парламент янги раҳбарининг мансаб пиллапояларидан бу қадар ақл бовар қилмас даражада юксаклаб кетиши ҳайратга соларди. Бироқ, Тожикистон халқ ноиблари бу борада бошқача фикрда эдилар.

"Сиёсий тажрибасининг камлигига қарамасдан, Эмомали Раҳмонов, ўзининг бу камчилигини удабуронлик ва қатъийлик билан, фикрларидаги мулоҳазакорлик билан, ҳатто керак ўринларда — қаттиққўллик билан тўлдириб туради". Парламент аъзолари томонидан ўз етакчиларига берилган ушбу тавсиф, унинг энг асосий хислатларини етарли даражада тўлақонли ифодалайди. Э. Раҳмонов ҳозирнинг ўзидаёқ, мухолафат билан сичқон-мушук ўйнаб ўтирмаслигини амалда исбот қилди. Бинобарин, у ўзига берилган ҳокимият — осмондан ёғилган чалпак эмаслигини ҳам яхши англайди. Кўпчилик унинг ўтмишини кавлаштиришга интилиб кўрди. Эмишки, у бир пайтлар партократ бўлган. Бироқ бу бўлмағур гап. Янги етакчи — асли

хўжалик одами, у ҳеч қачон ҳокимият ишларига, ҳатто ҳокимият теварагидаги кишиларга ҳам яқин йўламаган.

Бир неча кунлик баҳс-мунозаралардан кейин ноиблар, ниҳоят мажлислар залига собиқ президент — Набиевни таклиф қилишга келишдилар. Ноиблар билан саломлашгач, Р. Набиев бир ярим соат мобайнида Э. Раҳмонов билан ёлғиз суҳбатлашди. Улар нималар ҳақда гаплашдилар? Буни фақат иккалови билади. Эҳтимол, Набиев парламентни ўз томонига оғдириб олишга интилгандир. Янги раҳбар эса унга қарши асосли далилларни рўкач қилгандир. Собиқ президент, барибир, истейфога чиқиш ҳақида ариза берди. Бу унинг иккинчи бор ёзган аризаси эди. Тўғри, бу гал мазкур ариза автоматлар таҳдиди билан ёзилгани йўқ. Шундан сўнг у, минбарга чиқиб олиб, деярли бир соат, пойинтар-сойинтар нутқ сўзлаб, ўз позицияси ҳақида гапирди, кимларнидир айблади, кимларгадир танбеҳ берди. Аммо бирор маротаба ҳам ўз айбларини бўйнига олмади.

Шундай бўлса-да, аксарият кузатувчилар учун Э. Раҳмоновнинг бундай катта лавозимга сайланиши кутилмаган ҳол бўлди. Бунга бир неча сабаб мавжуд. Раҳмонов азалий анъанани бузди, ахир неча йиллардан буён Республика раҳбариятини Ленинободдан чиққан кишилар бошқариб келишган эди-да. Э. Раҳмонов эса кўлоблик. Бунда кўлобликларнинг ислом ақидапарастларига қарши нафрати, ўз рақибларига нисбатан муваффақиятли ҳаракатлари асосий омил бўлди. Қолаверса, Э. Раҳмоновнинг ўзи ҳам ривожланишнинг ақидапарастларча усулига тамоман қарши. У мусулмон динини ҳурмат қилади, оддий кишиларнинг қайғу-ташвишларини тўғри тушунади. Аммо бу раҳбар ислом дини билан унинг бузилган шакли — ақидапарастлик ўртасидаги фарқни ҳам кескин ажрата билади. Янги раҳбар — Ҳамдўстлик мамлакатлари, биринчи галда Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарафдори.

Олий Кенгаш Раиси лавозимига бошқа номзодлар ҳам бормиди? Албатта! Асосий даъвогарлардан бири — Тожикистон Бош вазири Абдумалик Абдуллажонов эди. У Искандаров даврида Бош вазир қилиб тайинланганди. Раҳмонов раҳбарлигида ҳам ўз лавозимида қолди. А. Абдуллажонов — Ленинобод вилоятидан. Ўз даврида у нон маҳсулотлари вазири эди, кейинчалик "Нон" концернини

бошқарди, унинг ишбилармонлар орасида ҳар томонлама ва мустақкам алоқалари мавжуд.— Агар биродарларимиз, айниқса Россия, Ўзбекистон ва Қозоғистон бизга ёрдам кўрсатмаганида, Тожикистондаги оммавий террорнинг оқибатлари янада даҳшатлироқ бўлар эди,— дейди Э. Раҳмонов.— Республика ўз тараққиёти даражасидан бир неча ўн йиллар ортга чекиниб кетди. Ҳар томонлама пугурдан кетган қишлоқ хўжалигимизни қайта тиклаш ёлғиз ўзимизнинг қўлимиздан келиши даргумон. Ҳозирги энг асосий вазифа — қон тўкишни тўхтатиш, миллий келишувга эришиш, қуролларни йиғиштириб олиш, қочоқларни қайтариш, аҳолининг у ёқдан-бу ёққа кўчиб юришига чек қўйиш. Буларнинг барчаси бизлардан катта куч талаб қилади. Бироқ, бундан бошқа йўл ҳам йўқ!

Тожикистон Республикасининг ўн олтинчи сессияси муҳим қарорларни қабул қилди. Улар орасида энг асосий қарорлардан — низолар авж олиб кетган ҳудудга тинчлик қўшинларини киритишни сўраб Ҳамдўстлик мамлакатларига мурожаат қилиш ҳақидаги, миллий армия тузишга киришиш ҳақидаги, чегарани мустақкамлаш ҳақидаги қарорларни кўрсатиш мумкин. Россия ҳукуматидан Тожикистон Республикаси ҳудудида 201-мото-ўқчи дивизиясини қолдиришни сўраш ҳақида қарор қабул қилишди.

Шундан кейин чегарада жойлашган Термиз шаҳрида Марказий Осиё ва Россия давлатлари мудофаа вазирларининг учрашуви бўлди. Ушбу мажлис МДХ бирлашган ҳарбий кучларининг бош қўмондони, авиация маршали Евгений Шапошников раислигида ўтди. Унда Э. Раҳмонов ҳам иштирок қилди.

— Ҳозирги кунда турли-туман партиялар ва ҳаракатлар собиқ Иттифоқ республикаларининг — эндиликда мустақил бўлган давлатларнинг ички ишларига аралашмасликни даъво қилиб чиқмоқдалар,— деди маршал.— Бунда асосий ургу давлатларнинг мустақиллигига берилмоқда. Бироқ МДХ армиясининг фаолиятини Тожикистон ички ишларига аралаштириш деб ҳисоблаб бўладими?! Ахир, бу ерда ўн минглаб кишилар ёвузларча ўлдирилган! Бизга республика раҳбарларининг алам ва ташвишлари тушунарли. Тўғри, Иттифоқ энди йўқ, аммо халқларимиз ўртасидаги узоқ йиллар, асрлар давомида мавжуд бўлиб келган дўстлик, биродарлик ҳисси, ўзаро ёрдам ҳисси сақланиб қолган-ку. Тожикистондаги фуқаролар урушини тез кун-

лар ичида бартараф этиш учун биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

Декабрь ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари Олий Кенгашларининг сессиялари биродар Тожикистон Республикаси парламентининг фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун ҳарбий қисмлар киритиш борасидаги илтимосини қондириш тўғрисида қарор чиқарди. Қўшни мамлакатларнинг халқ ноиблари яқдил шундай қарорга келдилар: халқ бошига қонли хунрезлик ва зўравонлик келтирувчи ақидапарастликка қарши ҳамма бир бўлиб, ҳамжиҳат бўлиб кураш олиб бормоғи керак.

Ё ТУБСИЗ ЖАРЛИК, ЁХУД НУРЛИ ЧЎҚҚИ! ЎЗГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Ҳар қандай урушда ҳам умумий жиҳатлар бўлади, булар—қон тўкилиши, ёнғинлар, кўзёшлар. Шундай бўлса-да, кенг миқёсли ҳаракатдаги армияларнинг урушлари "окоп"да ўтирган душманларнинг аниқлиги билан кишига табиийроқдек туюлади. Фуқаролар уруши эса бутунлай бошқа нарса. Зеро бундай урушда ака укани ўлдириш учун, ота ўз фарзандини ҳалок қилиш учун қонли жангга киришади. Тожикистонда айни шундай бўлди. Бир воқеа хотирамда узоқ сақланиб қолди. Яқин қишлоқлардан бирида яшовчи аёллар Сангак Сафаровнинг тўдасида туриб уруш олиб бораётган "гвардиячи"лардан бирини ярадор ҳолда топиб олишибди. У пахта майдонининг қоқ ўртасида қонга беланган ҳолда беҳуш ётарди. Атроф кенг дала. Эгатларда лўппи-лўппи пахталар халқнинг кўзёши каби "оқиб" ётибди. Аёллар ана шу пахталарни чаноқларидан ситиб олиб, шу ернинг ўзидаёқ уни чигитдан тозалаб йигитнинг ярасига боғлашди...

Бир пайтлар осойишта ва файзли Тожикистон заминидеги уруш шу қадар даҳшатли тус олиб кетди-ки, бу ерда рўй бераётган ваҳшийликлар олдида ўрта асрлардаги инквизиторларнинг азоблаш ва қийнаш усуллари шунчаки болаларча шўхликдек бўлиб қолади. Бундай ваҳшийлик қаердан пайдо бўлди? Нима учун бу ерда душманларга нафрат ҳисси, кишиларни, худди ўзи каби инсонларни шафқатсизларча маҳв этиш деб англашилади?

Бу саволга жавоб беришнинг имкони йўқ. Бироқ, тожиклар фожиасининг, бир халқ вакиллари ўртасидаги

Ўзаро нафратнинг илдишлари яхши маълум. Фуқаролар урушида ваҳшийлик ваҳшийликни тугдиради, қонга-қон, жонга-жон олинади. Биродаркушлик урушининг даҳшатли диалектикаси — қонуниятни ҳам мана шунда. Бироқ бундай аянчли ва манфур фалокат қачонгача ҳукм суради? Уни қим, қандай қилиб тўхтата олади? Ким кишиларнинг аввалги инсоний ҳаловатли турмушини қайтара олади? Ахир инсон бу дунёга яхшилик қилиш учун, ёмонликка қарши курашмоқ учун келмайдими?!

Мана, ёшгина бир йигитнинг айтганлари. У дала командири, бугунги кунда унинг учун энг олий мақсад — душманларидан ўч олиш.

"Бу ерни Осиё дейдилар. Бунда олифталик билан урушиб бўлмайди. Эс-ҳушдан айрилмаслик учун бу ерда биргина восита бор — у ҳам бўлса, дарё-дарё қон тўкиш. Шунга кўниксанг — бас, унча-мунча нарсани кўрмагандай бўлиб юраверсан. Сен яна бир нарсани абадул-абад билиб олмоғинг керак. Сенинг душманинг бу замин устида юришга нолойиқ. Мен, масалан, буни ўз оилам аъзоларининг — опам, хотиним ва уч фарзандимнинг жасадларини кўрганимдаёқ англаганман. Улар шунчаки жасад эмас эди. Ислому ақидапарастлари уларни ўлдиришдан аввал кўнгилларига келган нарсани қилганлар. Энди, менинг қўлимга бирорта душман тушгудек бўлса, уни шунчаки ўлдириб қўя қолмайман. Мен ҳам унинг азобланиб, узоқ қийналиб, аввал қулоғидан, кейин тилидан, бурнидан, бармоқларидан айрилишини... хору зор бўлиб ўлишини истайман. У оғзи қонга тўлиб додлаб бақиради. Менинг кўз ўнгимга эса қорни ёрилиб, ичига гўнг тўлдирилган болаларимнинг жасадлари келади. Мен шу пайт бир нарсага: мана шу манфур душманимнинг азоблари, уқубатлари абадий эмаслигига, уни бундан ҳам узоқроқ чўзиш мумкин эмаслигига жуда-жуда ачинаман..."

Нақадар аянчли, даҳшатли сўзлар! Аммо бу — бугунги оддий ҳол. Тожикистондаги уруш, уни йўлаб топганлар учун минтақаларо урушга айланиши керак эди, фуқаролар уруши эмас, балки миллатларо уруш бўлмоғи керак эди. Дунё харитасида "ёғлиқ луқма" бўлган Ўрта Осиё азал-азалдан кўплаб мамлакатларнинг иштаҳасини қитиқлаб келган. Иттифоқ тарқаб кетгач, ҳар бир республика ўз мустақиллигини қўлга киритди. Шундан сўнг "Коинотни қайта қурувчилар" Ўрта Осиёга нигоҳини бот-бот қаратадиган бўлиб қолдилар.

Бу ишни турлича амалга оширдилар. Булар орасида ақидапарастларга хайру-садақа беришдан тортиб, "диндош биродарларга ёрдам" ниқоби остидаги кенг миқёсли иқтисодий дастурларгача бор. Масалан, ушбу минтақадаги энг катта иншоот — Роғун ГЭСининг қурилишини тугатиш учун 500 миллион доллар ажратишга ва Қорақум магистралини қуришда иштирок этишга розилик берган, зеро бу магистрал Тожикистон учун Ҳинд океани бандаргоҳларига чиқиш имконини беради. Эрон исталган пайтда насияга 50 миллион доллар беришга ва бир йўла ёрдам тариқасида 300 минг тонна нефть етказиб беришга тайёр турибди.

Иқтисодий жиҳатдан кафангадо Афғонистон ҳам ислому ақидапарастларини қурол-яроғ билан таъминламоқда. Бу қуроллар орасида "Калашников"лардан тортиб, "стингер"ларгача топилади. Албатта, бу хайру эҳсон текиндан-текинга эмас. Хизмат учун ё олтин билан ёки ёши 15 дан ошмаган қизлар билан ҳақ тўланади. 15 ёшдан ошган қизлар уларда қари саналармиш...

"Динсизларни, худосиз коммунистларни, ёлланганларни ва уларнинг атрофидаги малайларни аёвсиз ўлдириш. Худо хоҳласа, сиз, мусулмон биродарлар, кофирларга қарши жиҳодда ҳормагайсизлар. Бизлар адолат ва поклик йўлида, кофирларга қарши муқаддас урушда сизларга ҳар қандай кўмак беришга, ҳамкорлик қилишга тайёрмиз!" Ана шундай битиклар, мурожаатлар Тожикистондаги "дин фидойилари"га муттасил келиб турарди. Табиийки, бундай "битиклар" мазкур минтақанинг ислому ақидапарастлари ғояларини тушуниб, қўллаб-қувватлаган бошқа мамлакатларида ҳам тарқатилади.

Буларнинг барчаси "қайта тузувчилар"нинг узоққа мўлжалланган режалари йўлида амалга оширилмоқда. Уларнинг фикрича, Марказий Осиё давлатлари янги геосиёсий уюшмага, ислому деб аталувчи қандайдир янги империяга киришлари керак эмиш! Бироқ бу пировард мақсад бўлиб, унга эришиш учун вақт керак. Ҳозирча эса кўплаб тарафдорларни оғдириб олиш лозим. Бу ўринда бевоҳита аралашув нохуш қабул қилинади, албатта. Демак, бошқача йўл тутиш керак. Ниҳоят, йўли топилди. Демократик партия ва Ислому уйғониш партияси (ИУП) ақидапарастлар ғояларининг ишончли тарғиботчилари саналадилар. Шунга кўра Тожикистонда мухолафат тўла мағлубиятга учради, деб айтишга ҳали вақт эрта.

Маълумки, кўплаб каллакесар тўдалар Тожикистон билан Афғонистон чегарасидаги жойларга чекиниб, яхшигина жиҳозланган, инженерлик алоқа воситалари билан таъминланган ҳамда қурол-яроқлар, ўқ-дорилар ва озиқ-овқат маҳсулотлари аввалдан ғамлаб қўйилган ғорларга беркиниб олганлар.

Эрон, Покистон, Афғонистон Тоғли Бадахшонни айниқса диққат-эътибор билан кузатиб турибди. Бу тасодифий ҳол эмас. Бу заминда уран, плутоний, вольфрам ва молибденнинг катта захиралари қидириб топилган. Бундан ташқари, улар мухтор жумҳуриятга наркобизнеснинг янги қудратли базаси сифатида қарамоқдалар. Мутахассисларнинг тасдиқлашича, СССР парчаланиб кетиши муносабати билан эндиликда наркотик моддаларни Жанубий Осиёдан Европага олиб ўтишнинг анъанавий маршрутларига муайян ўзгартишлар киритилди. Ўрта Осиё минтақаси орқали ўтиб, олис-олисларга кетадиган янги "сўқмоқ йўллари" очилди. МДХ даги ҳозирги алғов-далғовлар, айниқса, Тожикистон чегаралари амалда пароканда этилган шароитда бундан яхшироқ йўл топиш қийин. Бунинг устига Россияда, Болтиқбўйида, Кавказ ва Шарқий Европада наркотик моддалар билан савдо-сотиқ қилинадиган янги "бозор"лар пайдо бўлди. Қатъий назоратнинг йўқлиги, чегараларнинг ҳамон "шаффофлиги" наркобизнес қиролларига ғоят қўл келмоқда, улар бундан "заҳри қотил"ни ташиб ўтиш учун ишончли кўприк сифатида тўла фойдаланмоқдалар. Бу эса улар учун шахсий бойлик орттириш йўли демакдир. Улар "синалган" йўлдан, янгидан яратилаётган занжир ҳалқалари бўлмиш дастёрлардан воз кечмайдилар, албатта. Бундан шундай хулоса келиб чиқади. Халқаро мафия тузилмалари Тожикистонда вазиятнинг барқарорлашувидан манфаатдорми? Асло йўқ.

Тожикистонда фуқаролар урушининг келиб чиқиши сабаблари таҳлил этилар экан, беихтиёр, яна шундай фикрга келиш мумкин: одамларни осонлик билан қўзғатиш, уларнинг бошини айлантириб, муте тўдадай ўз ортларидан эргаштириш учун сиёсий лўттибозларга кучли афъюн зарур эди. Юзага келаётган шароитда улар миллатни жипслаштириш, уни ягона, ҳамма учун муштарак бўлган ғояга бўйсундириш йўли билангина ўз мақсадларига эришишлари мумкинлигини яхши тушунардилар. Бу

ғоя эса маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва бошқа манфаатлардан устун туриши керак эди.

Тарих шундан далолат берадики, инсоният ўтган асрлар мобайнида миллатчиликдан ҳам самаралироқ ҳеч нарса ўйлаб тополмаган. Бунинг учун эса душман — ташқи душман бўлиши лозим. Ўшанда у умумий душманга айланади.

Тожикистон миллатчилиги мафкурачилари аллақачонлардан буён ана шу йўлдан бормоқдалар. Улар қўшнилари уйдирма пантуркизм кўринишида "душман тимсоли"ни яратдилар. Кейинги йилларда улар янги "катта оға" тўғрисида ва минтақада ана шу ролга гўёки ўзбеклар кўз тикаётганлиги хусусида зўр бериб ёлғон-яшиқлар тарқатмоқдалар. Айрим олимлар томонидан бир неча бор чайналган ушбу фикрни кейинчалик Россияда чиқадиган айрим газеталар илиб кетдилар.

Ушбу космополитларнинг ўз мақолаларига акс садо тариқасида, ёмғирдан кейинги заҳарли замбуруғлар мисол, Москванинг айрим "мустақил" (чамаси, виждондан айро тушган) нашрлари саҳифаларини тўлдириб юборган фикр-мулоҳазалар билан иши йўқ. Уларнинг ўзлари кўкка кўтарган, ҳатто атамаси ҳам чиройли танланган "ислом демократлари" ўн минглаб турли миллат кишиларининг ёстиғини қуритгани билан, яна ўшалар янгидан оммавий зўравонлик ва қотилликка, бу гал, аниқроғи — ўзбекларни гиж-гижлашаётгани билан ҳам иши йўқ. Ўзбекистон мансабдор шахсларининг тожиқлар билан тожиқлар ўртасидаги қонли тўқнашувлар домига тушиб қолиб, ҳалок бўлаётган ўзбекларнинг мадад сўраб қилган минглаб илтимосларига жавобан сукут сақлаб туришга мажбур бўлганликларини ва бундан юрак-бағирлари қанчалар эзилганлиги билан ҳам ишлари бўлмаган уларнинг.

Ўзбекистон суверен қўшнисининг ички ишларига аралашиб ҳуқуқига эга эмас эди ва буни истамасди ҳам. Қанчалик аламли, аччиқ бўлмасин, қонун шунини тақозо этарди. Бундан жумҳурият раҳбарлари маънавий жиҳатдан қанчалик изтироб чекканликлари ёлғиз ўзларига аён, холос. Лекин аллаким томонидандир олдиндан шай қилиб, белгилаб қўйилган "Ўзбекистоннинг тажовузкорона интилишлари тўғрисида"ги карта муайян бир вақтда яхшигина бошқарилаётган сиёсий ўйинга қўшиб юборилди. Бу ким-

ларнинг манфаатини кўзлаб қилинган эди? Энди фақат фол очиш керак, холос. Лекин бир нарса аниқ: ҳокимиятга жон-жаҳди билан интиланган кучлар ўзларининг мақсадлари йўлида ҳар қандай қурбонга ҳам тайёр эдилар. Мақсад эса уларнинг кўз олдида белгиланган воситаларни оқламоқда эди. Уларнинг сиёсий иззатталабликлари ўтхонасига юз минглаб кишиларнинг тақдири ва ҳаёти ташланган эди.

Яна бир карра қозикалоннинг, майли, тожикларнинг ярми ҳалок бўлиб кетаверсин, қолганлари билан эса ҳақиқий ислом давлати барпо этаман, деб айтган сўзларини эслайлик. Агарда у тожикларга шундай муносабатда бўлган эрса, руслар, ўзбеклар, яҳудийлар, татарлар ва Тожикистоннинг бошқа аҳолисига муносабати тўғрисида нима дейиш мумкин. Ана шу боисдан умумий террор авж олдириб юборилди. Унинг олдини олиш мумкинмиди?

Йўқ, мумкин эмас эди! Ҳозир бу ҳақда қатъий қилиб бир фикр айтиш мумкин. Ҳокимият батамом фалаж ҳолатида бўлиб, бу ҳол жумҳуриятни фуқаролар урушига олиб келган вазиятда натижа бундан бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Раҳмон Набисв "қўй билан бўри"ни яраштиришга уринар экан, бир гал: "Мустақиллик ва суверенитет биз учун бошимизга қулаб тушган метеоритдай бўлди..." деб айтган эди.

Яхши образ. Ваҳоланки, халқ муяссар бўлган озодлик эмас, балки ундан ақл-идрок билан фойдалана билмаслик бамисоли метеоритдай бўлди-ку. Сиёсий майдонда юзага келган бўшлиқни Тўражонзода раҳбарлик қилган ислом ақидапарастлари эгаллаб олишга уриндилар.

Улар мағлубиятга учрадилар. Тожикистон халқи, ҳатто "яшиллар"нинг собиқ ашаддий тарафдорлари ҳам уларнинг маънавий раҳнамолари бошлаётган йўл тубсиз жарликка олиб боришини тушуниб етдилар. Бироқ жумҳуриятда тинчлик ва осойишталик ҳукмронлик қилиши тўғрисида гапиришга ҳали эрта. Бунга жиддий сабаблар, далиллар, мисоллар бор...

Ташқи сиёсат билан боғлиқ сабаблар бошланиб кетган ва ҳамон давом этаётган фуқаролар урушининг биринчи сабабларидандир. Жаҳоннинг турли мамлакатларидаги кўпгина нуфузли кучлар Марказий Осиёнинг ушбу минтақасида ўз манфаатларига эгадирлар. Масалан, Эрон

"муросасизлари" ислом инқилобини экспорт қилиш сиёсатини давлат сиёсати даражасига кўтаришни талаб қилиб чиқмоқдалар, ўз тажрибаларини тоғли жумҳурият бўйлаб тарқатиш истагида юрибдилар. Шунингдек Покистон доиралари ҳам "Ислом жамияти" сингари нуфузли, ҳукуматга қарашли бўлмаган диний-мафкуравий ташкилотлардан фойдаланиб, Тожикистонда ўрнашиб олишга, сўнгра Осиёдаги бошқа давлатларга ҳам ўз таъсирини ёйишга уринмоқдалар. Ваҳҳобийларнинг кучли Саудия сектаси ҳам фақат "раҳмат" эшитиш учун сезиларли даражада моддий-техник ва молиявий ёрдам кўрсатаётгани йўқ. Афғонистон мужоҳидлари тўғрисида эса гапирмаса ҳам бўлади. Улар "диндош биродарлари"га нафақат қурол-яроғ етказиб бермоқдалар, балки бошқа мамлакатлардан ўзлари учун юборилган ажал юқларини ҳам уларга жўнатмоқдалар.

Ҳозирги шароитда қирғин келтирувчи бу оқимни тўхтатишнинг бирдан-бир чораси чегарани мустаҳкам қилиб тўсишдир.

Тожикистоннинг бир ўзи бунга қодир эмас. Ягона умид минтақадаги қўшни давлатлардан ва Россиядан. Бироқ Россиянинг ҳозирги раҳбарияти бирмунча ғалати, гоҳида иккиёқлама позицияни эгаллаб турибди. Бир томондан у радикалларнинг қутқуси билан демократия учун жонбозлик кўрсатади. Иккинчидан, ислом ақидапарастлигининг ўз ҳудуди бўйлаб ёйилиши хавфини сезгач ва кўргач, бошқа мамлакатлар билан биргаликда вазиятни назорат остига олишга интилади.

Тожикистоннинг ўзида эса ҳарбий-сиёсий вазият оғир ва мураккаблигича қолмоқда. Тўғри, соғлом кучларнинг жипслашиш тамойиллари ҳам кўзга ташланаётир. Янги раҳбарият вилоятлар ва музофотларнинг бир-бири билан курашишига йўл қўймаслик тарафдоридир. Эҳтимол, қозикалоннинг айтиши шу нарсага умид боғлагани тасодифий эмасдир. Вилоятларнинг бир-бири билан мухолафати, пировард-натижада уруғ-аймоқларнинг, турли партия ва диний гуруҳларнинг ўзаро мухолафати демакдир. Аҳолининг аксарияти мутаассибларнинг ғояларини қабул қила олмайди. Аммо турли уруғ-аймоқчилик гуруҳлари, мафия гуруҳлари ҳокимиятнинг сояи давлатидан кўпроқ баҳраманд бўлишга интилаётганлиги ҳам яққол кўриниб ту-

рибди. Жумҳуриятда вазиятни беқарорлаштиришга собиқ ҳукуматнинг заифлиги, мурасосозлик сиёсати кучли таъсир кўрсатди. Эндигина шаклланаётган миллий қуролли кучлар ғанимларга қақшатқич зарба беришга қодир эмас. Натижада халқ жабр кўрмоқда, нималар бўлаётганлигини тушунолмай гаранг.

Жумҳурият Олий Кенгашининг XVI сессияси ва янги ҳукумат тузилгандан кейин ҳам Тожикистон парламентида, Вазирлар маҳкамасида, давлат ҳокимиятининг жойлардаги идораларида, ИИВ ва МХҚ да раҳбарлик лавозимларини ҳамон собиқ раҳбариятнинг кўплаб тарафдорлари эгаллаб турибди, улар Ислом уйғониш партиясини ошкора ёки пинҳона қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Айни замонда вазирликлар ва маҳкамаларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, судлар ва прокуратуранинг кўпгина раҳбарлари кутиб турувчилик позициясини эгаллаб олганлар ва Олий Кенгаш сессиясида қабул қилинган қарорларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўришга шошилмаётирлар. Ақидапарастлар устидан ғалаба қозониш манфаати йўлида бирлашган ҳукумат ҳамда Халқ fronti вакиллари раҳбарлик лавозимларини тақсимлаш масалаларида ягона фикрга келолмаяптилар.

Ҳар қандай ҳолатда бўлмасин, Р. Набиевга, А. Искандаровга бирдай садоқат билан хизмат қилган, энди эса Э. Раҳмоновга хизмат қилаётган эски "номенклатура гвардияси" ўз манфаатларининг камситилишига йўл қўйишини истамайди.

Шуниси характерлики, Р. Набиев Тожикистон Президенти этиб сайлангандан буён вазирликлар ва маҳкамалар раҳбарларининг аксарияти Вазирлар Кенгашида, Олий Кенгашда ҳамда бошқа раҳбарият идораларда юксак лавозимларни бир неча бор алмаштиришга улгурдилар. Савдо-таъминот тузилмаларининг вакиллари айниқса "ўтда ёнмас, сувда чўкмас" чиқиб қолдилар. Масалан, савдо вазири Х. Солиев Тожикистоннинг барча раҳбарлари даврдан "эсон-омон" ўтди. Ички ишлар вазири этиб тайинланган Я. Салимовга тааллуқли мисолнигина қоидадан мустасно ва рўй берган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг тортғи деб ҳисоблаш мумкин.

Нима сабабдан Тожикистон мумтоз раҳбариятининг сезиларли қисми ошкора равишда кутиб турувчилик по-

зициясини эгаллаб олди? Чунки улар бўлиб ўтган савдо-лар учун ҳам, айниқса келгуси воқеалар учун ҳам масъулиятни ўз зиммасига олиш ниятида эмас. Мана шундай вазиятда Тожикистоннинг янги раҳбари учун муаммоларнинг "шоҳ томирини" ечиш анча мушкулдир. Бироқ қаттиққўл, игволарга учмайдиган спикер аллақачоноқ ўз феъл-атворини намойиш қила бошлади. Тўғри, унинг тажрибаси камлик қилиб қолаётир, лекин у кундан-кунга тажриба ортириб бормоқда. Э. Раҳмонов жумҳурият идоралари раҳбарлигига навқирон, қобилиятли, ҳақиқатан демократик руҳда фикрловчи кадрларни жалб этмай туриб, ҳақиқий ҳокимиятни эгаллаб тура олмаслигини яхши тушунади. Бусиз эса тоғли ўлкада вазиятни барқарорлаштиришнинг асло иложи йўқ.

Ушбу жараёнга ислом ақидапарастлари билан фаол курашаётган Халқ fronti ҳарбий қисмлари командирлари ўртасидаги тобора кучайиб бораётган ўзаро келишмовчиликлар жиддий зиён етказиши мумкин. Бу кутилган ҳол эди.

Дала командирларининг бир қисми уларга юқори раҳбарлик лавозимларини беришлари тўғрисида ультиматум тарзидаги мурожаат билан чиқмоқдалар, ўзлари назорат қилиб турган районларда яккабошчилик ҳокимияти сари интилмоқдалар. Шу тариқа Халқ фронтининг бирмунча жанговар қисмларининг баъзи командирлари собиқ Қўрғонтепа вилоятида диктаторлик вазифаларини амалда ўз қўлларига олдилар. Улар ҳарбий кучга таяниб, мустақил равишда, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари фикрлари билан ҳисоблашмай, турли лавозимларга ўз яқинларини қўймоқдалар, ёқмаганларни эса вазифаларидан бўшатмоқдалар.

Юқорида Тожикистоннинг сиёсий харитасида Ленин-обод вилояти ўзига хос ўрин тутиши хусусида гапирилган эди. Жумҳурият саноат потенциалининг катта қисми, анча-мунча одам ресурсини ўз измида тутиб турган Хўжанд маъмурлари ажралиб олишга интилмоқдалар.

Тожикистондаги ички сиёсий вазиятнинг шаклланишида Тоғли Бадахшон сезиларли роль ўйнайди. 1991 йил декабрдаёқ халқ ноиблари вилоят кенгаши сессияси Тожикистон Республикаси таркибида Бадахшон Мухтор жумҳуриятини тузиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Бироқ у ерда воқеалар ўзгача сценарий бўйича ривожланиб кетди. Тоғли ўлкада вазиятнинг барқарорлашуви ҳам, тинч-осойишта ҳаётга қайтиш ҳам кўп жиҳатдан помирликларнинг позициясига боғлиқдир.

Тоғли Бадахшоннинг ўзига хос хусусиятларига кўра бу ерда иқтисодий муносабатлар етакчи роль ўйнайди. Вилоят фойдали қазилмаларнинг улкан захираси соҳиби, икки юз минг сонли нуфусга эга бўла туриб, ҳозирги вақтда амалда барча озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини четдан ташиб келтиришга мажбур бўлмоқда. Афсуски, мазкур вилоят қурол-яроқ, ўқ-дорилар, наркотик моддалар ва контрабанда моллар етказиб беришнинг "синовдан ўтган" канали ҳисобланади.

Тоғли бадахшонликлар жумҳуриятнинг сиёсий йўлига жиддий таъсир кўрсатиш ғоясидан ҳам воз кечганларича йўқ. Бу эса "Бадахшон халқ fronti" (БХФ) деб ном олган янги ташкилот тузилишига олиб келди. Унинг раҳбарияти таркибига жумҳурият Олий Кенгашининг собиқи раиси А. Искандаров, "Лаъли Бадахшон" ҳаракатининг раиси Амирбек Отабековлар кирдилар.

Фактлар шундан далолат берадики, янги партия ўз куч-ғайратини кўп жабр-жафо тортган Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштиришга йўналтираётгани йўқ. ИУП ва БХФ Тожикистон билан Афғонистон чегарасининг Дарвоз йўналишида бирмунча актив фаолият олиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда, бу ерда Афғонистондан яширин равишда қурол-яроқлар, ўқ-дорилар ва наркотик моддалар етказиб беришнинг мустаҳкам каналлари ўрнатилган. Фақат 66-чегара бўлинмаси районидагина (Хорог) бир неча кечув ҳаракатда. Афғонистон ҳудудидаги Дарвоз уезида Тожикистондан қочиб ўтганларни қабул қилиш бўйича лагерлар барпо этилмоқда, жангариларни танлаш ва тайёрлаш ана шу ерда амалга оширилмоқда. БХФ нинг барча қуролли гуруҳлари, турли манбалардан олинган маълумотларга кўра, 2000 кишига яқинроқдир. Бироқ уларнинг сони ақидапарастларнинг гуруҳлари мағлубиятга учраши натижасида жанговар ҳаракатлар зонасидан чиққанлар ҳисобига янада кўпайиши кутилмоқда.

Хорижий оммавий ахборот воситаларининг тасдиқлашича, зарурат бўлган ҳолларда бу кучлар афғон Бадахшонининг етакчи дала командирларидан бири Абдул Басир

Холидий ҳисобига кучайтирилиши мумкин. Унинг ҳарбийлашган бўлинмалари Афғонистон-Тожикистон чегаралари чизигига элтувчи даралар бўйлаб жойлашган. Шубҳасиз, Тожикистон ҳукумати олис вилоятда қандай вазият юзага келаётганлигини билади.

Шундай экан, фуқаролар уруши яқин вақтлар ичида, баҳор келиши ва тоғ сўқмоқларидан қор ариши билан яна давом этиши мумкин. Эҳтимол, шиддатли ҳаракатлар, айнан шу жойдан — тоғдан бошланиши мумкин. Селни эса тўхтатиш анча қийин бўлиши маълум. Бу ўринда Афғонистон тажрибасини унутиш ярамайди.

Ислом уйғониш партияси бўлинмалари, мағлубиятга учраганликлари ва ҳукумат қўшинлари ҳамда Халқ fronti кучлари билан бўлган жангларда кўрилган талафотларга қарамай, чамаси, жанговар гуруҳларни сақлаб қола олган кўринадилар.

Тожикистондаги фуқаролар уруши янги куч билан аланга олиши мумкин ва шундай деб ўйлаш учун ҳамма асослар бор. Унинг доирасига бошқа давлатларни ҳам тортишга уринишлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Нега? Чунки ақидапарастлар ўз мақсадларидан воз кечганлари йўқ. Бугунги кунда улар куч тўпламоқдалар. Эртага эса...

Ишончли манбалардан маълумки, мухолафатчиларнинг асосий гуруҳлари Хатлон вилоятидан Афғонистон ҳудудига чиқариб юборилган бўлиб, у ерда жангарилар сафини тўлдириш, қурол-яроғ билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда, "қочоқлар" ҳисобидан янги бўлинмалар тўпланмоқда. Бу ишда афғон мужоҳидлари, бошқа мамлакатлардан келган йўриқчилар фаол иштирок этмоқдалар. Турли манбаларга қараганда, АИРда Ислом уйғониш партияси жангариларини тайёрлаш бўйича ўндан ортиқ лагерь жойлашган. Эрон ва Покистон ҳудудида оғир қурол-яроқларни ишлатиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда, қўпуровчи-разведкачилар гуруҳлари учун кадрлар ўқитилмоқда. Лагерларда жангариларни "ўргатиш" қисқа муддатли, яъни уч ҳафталик дастур бўйича олиб борилмоқда, бу эса мухолифчи кучларга мўлжалланаётган ҳарбий ҳаракатлар бошлангунга қадар сони 5—6 минг кишидан иборат қуролли лашкарларга эга бўлиш имконини беради.

Ушбу аниқ фактларнинг ўзи бунинг исботидир. Қундуз шаҳридаги аэродром ҳудудида тожик жангариларини тайёрлаш лагери барпо этилган бўлиб, унда бир неча юз киши жойлашган. "Дин учун курашчилар"ни тайёрлашга Амир Чуган раҳбарлик қилади. Ўқув марказида уларга Саудия Арабистонидан келган маслаҳатчилар ва йўриқчилар маслаҳат берадилар. Бу ерда ўтиладиган асосий машғулотлар — тактика ва отиш бўйича тайёргарлик, партизанлар кураши тактикасидан иборатдир. Шу билан бир қаторда ислом ақидапарастлиги асосларидан таълим берилади, чунки унинг ғояларини кейинчалик Тожикистон ҳудуди бўйлаб ёйиш кўзда тутилган. Барча шогирдлар сир тутиш мақсадида афғонча ҳарбий уст-бошлар кийиб олганлар.

Қундуз вилоятида ИУП қўмитаси фаол ҳаракат қилмоқда, унга тожикистонлик бир неча амалдорлар раҳбарлик қилмоқдалар. Г. Ҳикматёр кўрсатмаси бўйича бу ерга моддий ёрдам тариқасида 25 миллион афғон пули юборилди. Қўмигада радиостанция мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида ИУП раҳбарлари, Тожикистондаги мухолафат раҳбарлари билан доимий равишда алоқа боғлаб туришади. Бошқа жойларда ҳам худди шундай тайёргарлик кўрилмоқда.

Тожик қочоқларининг Афғонистондаги лагерларида ёшларни ҳарбий гуруҳларга ёллаш фаоллик билан олиб борилмоқда. Халқ фронтга яқин бўлган тожик журналистларининг маълумотларига кўра тожик ва ўзбек миллатларига мансуб бўлган 200 киши МРБ йўли билан танлаб олинди, АҚШга икки йиллик ўқишга юборилган.

Афтидан, тожик мухолафати раҳбарлари "Қасос" деган хос ном остидаги операцияни 1993 йил баҳорида амалга оширишни режалаштирганлар. Жанговар ҳаракатлар Афғонистон — Тожикистон чегараларининг бутун йўналиши бўйлаб бошлаб юборилиши тахмин қилинмоқда.

ИУП мужоҳидлар айрим бўлинмаларининг қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда барча кучларини ана шу жангга ташлайди. Ҳаракатларнинг йўналишлари ҳам аллақачон белгилаб олинган. Албатта, воқеаларнинг қандай ривожланишини бугунча айтиш қийин. Қаттиқ қўриқланадиган чегарагина бунга тўсқинлик қилиши мумкин. Марказий

Осиёнинг бошқа давлатларига қарши ҳам ифвогарлик ҳаракатлари рўй бериши эҳтимолдан холи эмас.

Бундай тахминлар учун жиддий асослар бор.

Тожикистон ақидапарастлари ички фуқаролар урушини минтақавий ихтилофга айлантириш, унга бошқа давлатлардаги ислом тарафдори бўлган кучларни ҳам тортиш ниятида эканликлари энди ҳеч кимга сир эмас. Ана шу мақсадда Қирғизистоннинг жануби-ғарбий районларидан фаол фойдаланилмоқда, у ерларда базалар барпо этилмоқда, маҳаллий аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Улар Ўзбекистоннинг айрим жойларида вазиятни беқарорлаштириш учун ҳам анча-мунча куч сарфлаётганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Сиёсий кузатувчиларнинг тахмин қилишларича, Марказий Осиёнинг мустақил давлатлари ҳудудида баҳор ва ёз таҳликали кечади.

Башарти диндор мутаассиблар ва уларнинг музюрак, сурбет раҳнаомаларининг қонхўрликни, одамларга душманликни кўзлаган режалари амалга ошгудай бўлса, бу бепоеён минтақадаги ўн миллионлаб аҳоли қанчалар жабрзулм кўришини тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат. Ҳатто бир кишининг зўравонлик билан маҳв этилган ҳаётиёқ катта фожиа ва оғир жудоликдир. Бу ўринда эса ўн миллионлаб кишиларнинг тақдири ҳақида гап бормоқда... Энди-эндигина оёққа тураётган суверен давлатлар қанчалик орқага улоқтириб ташланишини ҳатто тасаввур этиш ҳам мушкул.

Тожикистоннинг ўзида турли уруғ-аймоқчилик гуруҳларининг сиёсий ва жанговар қарама-қаршиликлари аллақачон ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий ҳалокатга олиб келди. Тожикистон Республикаси ҳукуматининг маърузасида келтирилган ва 1993 йил бошларида Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тарқатилган рақамлар ва фактлар худди ана шундан далолат беради. Темир йўл ва автомобиллар маршрутларининг узоқ вақт қамал қилиб турилиши, зарур моддий-техник ресурсларнинг йўқлиги, шунингдек, миграция жараёнларининг кучайиши натижасида жумҳурият иқтисодиёти амалда фалаж ҳолатига тушиб қолди. Умумий иқтисодий зарар 200 миллиард сўмликдан ошиб кетди.

1992 йилда саноат ишлаб чиқариши кескин пасайиб кетди (пасайиш 23 фоизни ташкил этди), халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1991 йилнинг шу давридагига қараганда 24,5 фоизга қисқарди. Шиддатли жанглар бўлиб ўтган Қўрғонтепа вилоятининг аҳволи айниқса ачинарлидир. Бу ерда 1,5 миллиард сўмликдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмай қолди.

Ваҳшиёна вайрон этишлар ва ёнғинлар натижасида Қўрғонтепа тўқимачилик ва ип йиғириш фабрикаси, Нурек тикувчилик фабрикаси жуда кучли зиён кўрди. 300 тонна пахта толаси, 70 тоннага яқин ип, кўплаб асбоб-ускуналар алангада куйиб кул бўлди.

Жумҳуриятнинг транспорт хўжалигига жиддий зиён етказилди. Жумладан, 5 мингга яқин автомобиллар олиб қочилди ва яксон қилинди, 26 та юк ва пассажир ташувчи вагонлар ишдан чиқарилди. Бу соҳа бўйича етказилган умумий зарари 4 миллиард сўмликка яқиндир.

Жумҳуриятнинг қишлоқ хўжалик мажмуи ўнглаб бўлмас талафот кўрди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмай қолганлиги ва асосий фондлар барбод этилганлиги сабабли кўрилган зарар қарийб 29 миллиард сўмни ташкил этди. Собиқ Қўрғонтепа вилоятида паррандачилик тармоғи батамом йўқ қилинди, қорамол ва қўй-эчки туёғи кескин камайиб кетди. Бу тармоқни 1992 йил бошларидаги даражада тиклаш учун камида миллиард сўм талаб этилади.

Сиёсий гуруҳлар ўртасида бўлган жанговар ҳаракатлар чоғида нафақат одамларнинг ўзлари азият чекдилар, балки уларнинг уй-жойлари ҳам вайрон бўлди. Ҳукуматнинг ҳисоб-китоб маълумотларига қараганда, ўт қўйилган уйларнинг умумий сатҳи 600 минг квадрат километрни ташкил этади.

Фуқаролар уруши миграция жараёнларини кескин кучайтириб юборди. Республикада расмий равишда 537 минг қочоқ рўйхатга олинган. Фақат Душанбенинг ўзидагина қочоқлар салкам 120 минг кишини ташкил этади. Ноилож қолган кишилар оммавий равишда Тожикистон ҳудудидан ташқарига кўчиб кетдилар. Кўчиб кетган кадрлар ўрнида ишлайдиган янги кадрларни тайёрлаш учун камида 3 миллиард сўм маблағ сарфланиши ҳисоблаб чиқилган.

Албатта, ушбу саховатли ўлкани тарк этган кишиларнинг қийматини ва баҳосини арифметика усулида ҳисоблаб чиқиш куфроналик бўлур эди. Ўйга толамиз. Зеро бу ердан кўчиб кетганларнинг ҳеч бири бир йил бурун бу ҳақда ўйламаган ҳам эди. Ҳар бири ўзининг шу заминдаги мўъжазгина, шахсий инсоний бахт-иқболи тўғрисида орзу қилар, истиқболни кўзлаб қандайдир режалар тузар эди. Қолаверса, конкрет инсон ташвишлари билан кимнинг нечоғлик иши бор. Сиёсатчилар бурунгидек жаҳоншумул миқёсда, кенг кўламда фикр юритадилар — борди-ю манфаатлар тўғрисида гапирсалар ҳам бутун халқ манфаатларидан оғиз кўпиртирадилар. Улар шу ўринда халқ, гарчи унинг номи билан иш кўришни жуда хуш кўрсалар-да, бу — бир мавҳум категория, тушунча эканлигини, у ўзига миллионлаб индивидуалликни, жонли шахсларни бирлаштириб туришини унутиб қўядилар.

Жумҳурият кўрган зарарнинг миқдори ва кўламини аниқлаш давом этяпти. Бугун шу нарса аёнки, Тожикистон халқ хўжалигини тиклаш вазифаларини удалашга қодир эмас ва шу боис фақат МДҲ давлатлари, бошқа тараққийпарвар мамлакатлар, халқаро ташкилотларнинг мададига умид боғлаши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси бир фожиали занжирнинг ҳалқаларидир. Ўта шошилиш, тезкор чора-тадбирларсиз тоғли ўлкада вазиятни барқарорлаштиришнинг иложи йўқ. Ҳамон жумҳуриятда отишмалар эшитилиб турибди. Фақат Душанбенинг ўзида ислом ақидапарастларининг ўттизга яқин қуроли гуруҳлари ўз ишини қилиб юрибди. Улар қонуний ҳокимиятнинг тарафдорларини ўлдирмоқдалар ва гаровга олмақдалар, тинч аҳолига тажовуз қилмоқдалар. Бу "чаққон отрядлар"ни аниқлаш жуда мураккаб. Жангарилар галдаги хунрезликларни амалга ошириб, панапастқам жойларга бекиниб оладилар. Энг ёмони, улар "халқ фронтчилари" ниқоби остида усталик билан иш кўрмоқдалар.

Лекин нима бўлганда ҳам, Тожикистондаги ақидапарастлик, қўрқитиш тактикасига қарамай, ўз илдизига ўзи болта урди. Ҳатто Ислом уйғониш партиясининг ашаддий тарафдорлари ҳам эндиликда ўз-ўзларига: "Беғуноҳ кишиларнинг қони кимга керак бўлган эди, бундай қурбонлар нима учун керак эди?" — деган саволни бермоқда.

Мухолафат раҳбарлари ўзларини қон билан булғадилар. Уларнинг Тожикистонда яна кенг қўллаб-қувватланишига ишонч кам. Бугунги кунда ушбу мутаассиблик ҳаракатига шубҳасиз, янги етакчилар керак бўлади. Ва аллақачон ўшаларни — янги, ҳали доғ тушмаган "тўлқин"ни тайёрлашмоқда. Ҳозир сиёсий уфқда уларнинг қоматлари кўзга ташланиб қолди. Уларнинг бири — Ҳожи Саид Қиёмуддин Ғозий Тожикистонга танилган шоир, "тожик миллатининг мумтозлиги" тўғрисидаги назариянинг ашаддий тарафдорларидан бири. У мухолафатни фаол қўллаб-қувватлади, унинг ғояларини тарғиб қилди. Ахир Демократик партия раҳбарларидан бири шоирни бежиз қўйидагича таърифламаган: "Юзлаб йиллар олдин қадимги Римда дунёда тенги йўқ Цицерон яшаб ўтган эди. Сўнг унинг ўхшаши Шаҳидон майдонида пайдо бўлди. Унинг исми — Ҳожи Саид Қиёмуддин Ғозий!"

Юксак эҳтирослиги, сўзамоллиги, оломонни маҳлиё қилиш маҳорати учун уни "халқ генерали" деб аташарди. Ақидапарастликнинг воизига бу хуш ёқарди. У ҳозир Афғонистонда, минглаб қочоқлар — тожиклар орасида "тушунтириш" ишларини олиб бормоқда.

Зиёлилар сафларида "буюк тожик давлатини" барпо этиш ғоясини тарғиб қилувчи бошқа мафкурачилар ўсиб вояга етди. Улар орасида Додожон Атовуллаев, Салими Аюбзод ва "миллат онаси" Сожидаи Мирзо ҳам бор. Улар оммавий ахборот воситалари орқали халқни "уйғонишга" даъват этдилар, Демократик партия ва Ислому уйғониш партияси фаолиятини жонбозлик билан тушунтириб бордилар. Улар ёшлар қалбига миллатчиликнинг заҳарли уруғларини сепган эдилар ва бу уруғлар ҳозирдаёқ қонли қирғин бўлиб униб чиқди.

Минг йил олдин буюк тожик шоири Фирдавсий шундай деб ёзган эди:

Занжирнинг охириги ҳалқаси инсон,
У — калит, бандларни очади осон.
Сарвдек тик бошини кўтармиш мағрур,
Борлиғи — яхши сўз, ақлу тафаккур.
Ақл бирла идрок фақат унга ёр,
Бутун тилсиз олам фармониға зор.

Инсоннинг юксак ўрни ва бурчлари тўғрисида айtilган ғоят гўзал ва умрибоқий сўзлар. Бизнинг давримизда эса ақидапарастлар миллионлаб кишиларни ўзларига бўйсундиришни, Тожикистоннинг қадимий заминида "Эрон типдаги давлат" барпо этиб, кишиларни мутаассиблар мафкурасининг унсиз қулларига айлантиришни истаб қолган эдилар. Ҳозирча бу ишни амалга оширишга муяссар бўлолмадилар. Соғлом кучларнинг тўла ғалабаси тўғрисида гапиришга ҳам ҳали унча тўғри келмайди. Бахтга қарши, Шаҳидон майдонидаги фожиаларнинг қонли акс садоси тагин қайтарилади. Чунки ақидапарастлар ўзларининг маккор ниятларидан воз кечгилари йўқ.

Оддий одамлар билан уларнинг сариқ чақалик иши йўқ. Улар учун ҳокимият керак. Ана шу мақсад йўлида улар ҳамма нарсага тайёр. Шунинг учун фақат кучларни жипслаштирибгина Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлаш, бу заминда тинчлик ва осойишталик ҳукмронлик қилишига эришиш мумкин.

ХОТИМА ЎРНИДА

...Назаримизда шу билан нуқта қўйса бўладигандек туюлган эди. Лекин бунга ҳали эрта. Тожикистондаги фуқаролар уруши, турли маълумотларга қараганда, 50—70 минг кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ўлдирилган кишиларнинг сонини ҳозирча ҳеч ким аниқ айтолмайди. Жумҳуриятда жуда катта миқдорда қурол-яроғ, яъни 20 мингдан 80 минггача "милтиқ" тўпланиб қолди. Гарчи ҳозирги пайтда ҳукумат қўшинлари қурол-яроқларни тортиб олаётган бўлса-да, гарчи бу борада жуда қаттиқ қарорлар чиққан эрса-да, "замбараклар"ни топширишга уринишмаяпти. "Калашников"нинг вазифаси эса ҳали ҳам ўша — одам ўлдириш!

Ушбу китобда Тожикистондаги даҳшатли фожиага нималар сабаб бўлганлиги хусусидаги савол бир неча бор тилга олинди. Қонли фуқаролар урушига олиб келган шарт-шароитлар тўғрисида анча батафсил ҳикоя қилиб берилди. Лекин бари бир, воқеаларнинг тадрижий ривожига қарамай, фуқаролар урушининг олдини олиш мумкин эди.

Бугунги кунда ҳар бир суверен давлат ўзининг ривожланиш йўлини танлаб олмақда. Бу йўл халқнинг орзу-умидларига монанд бўлиши, унинг тарихига, ўзига хос жиҳатларига ва маҳаллий шароитларга таяниши керак. Китобда тасвирланган воқеалар шуни кўрсатадики, бу борада қатъият ва ҳушёрлик зарурдир. Сиёсий лўттибозларнинг ногорасига ўйнаш ярамайди, чунки улар шахсий нафсониятларини қондириш йўлида мамлакатни кўзланган мақсаддан чалғитишга, халқни ғам-алам ва жудоликларга гирифтор этишга қодирдилар.

Иқтисодиёт доимо сиёсатдан устун туриши лозим, у мафкурадан холи бўлиши керак. Бахтга қарши, Тожикистонда бундай бўлмади. Турли-туман гуруҳларнинг сиёсий иззатталабликлари ҳамма нарсдан юқори бўлиб чиқди ва пировард натижада қиргинбаронга ўт пуркади.

Ақидапарастлар маккорона ниятларини амалга ошириш учун ёш мустақил давлат тарихидаги мураккаб даврни, яъни эски тузум устунлари қулаб тушиб, янгисининг қурилиши эндигина бошланаётган даврни танлаб олдилар. Халқ раҳбарликни ишониб топширган ҳукумат эса синовларга бардош бера олмади, ўзининг буткул нотавонлигини, уқувсизлигини кўрсатди. У вазиятни ўз назорати остига ололмади, ён беришлар ва мурасачилик йўлидан борди, тушкунликда қолиб мухолафат томонидан улоқтириб ташланди.

Тоғли ўлкадаги қонли воқеалар яна бир карра шуни яққол кўрсатдики, яхши, демократик қонунларни яратишнинг ўзи камлик қилади. Биринчи навбатда, барча фуқароларнинг ана шу қонунларга қатъий риоя қилишига эришиш лозим. Бунинг учун эса қаттиққўл, ўзига ишонган ҳокимият зарур. Қонунсизлик Тожикистонда ўзбошимчалikka, бегуноҳ кишиларнинг ҳалокатига олиб келди.

Баландпарвоз шиорларни илгари суриб, одамларнинг энг нозик ҳис-туйғулари билан ўйнашган ақидапарастлар уларни ҳаётий муаммолардан четга тортдилар, қурол-яроғ олишга мажбур этдилар. Давлат тузилмалари собитқадам, вазмин ва пухта ўйланган ижтимоий сиёсат юритганларида эди, қонли фожиалар юз бермаслиги ҳам мумкин эди. Одамларга мақсад ноаниқ эди, уларнинг турмуши борган сари оғирлашиб борарди. Сиёсий лўттибозлар айна шу нарсдан дарҳол фойдаланиб қолдилар...

Тожикистондаги воқеалар шу нарсани яққол намоиш қилдики, Марказий Осиё минтақасида бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич, кўкларга кўтариб мақталган "сакрашлар" сиз ва "пойгалар" сиз амалга оширилиши лозим. Ақидапарастлар эса инқилобий мақсадга мувофиқлик тамайли бўйича ва қонли террор ёрдамида қадимги заминда "Эрон типидagi давлат" барпо этишни истаган эдилар. Улар бу ниятларига эриша олмади. Зеро бундай бўлиши мумкин эмасди ҳам. Халқ мутаассиблар ортидан эргашмай қўйди. Бироқ озодлик тожиклар учун ғоят қимматга тушди.

Тожикистон фожиаси миллионлаб кишилар учун ҳам, ҳар биримиз учун ҳам даҳшатли ва огоҳлантирувчи сабоқ бўлиб хизмат қилиши лозим. Бинобарин, яхши хотима билан тугайдиган сўнгги саҳифа битилишига ҳали эрта. Воқелик шунақа!

МУНДАРИЖА

МУҲТАРАМ КИТОБХОН!

3

ҚАРАМА-ҚАРШИ ТУРИШ:
ТАСОДИФМИ ЁКИ ҚОНУНИЯТМИ?..

7

ҚОНГА БЎЯЛГАН "ТИНЧ" МИТИНГ

35

МИЛЛАТ ФОЖИАСИ, МАМЛАКАТ ФОЖИАСИ...

45

ТОЖИКИСТОН ФОЖИАСИ ТАСВИРИ

84

ФАҚАТ КУЧЛИ ҲОКИМИЯТГИНА ТЕЛБАЛИКНИ
ТЎХТАТИБ ҚОЛИШГА ҚОДИР

97

Ё ТУБСИЗ ЖАРЛИК, ЁХУД НУРЛИ
ЧЎҚҚИ! ЎЗГА ЙЎЛ ЙУҚ!

115

ХОТИМА ЎРНИДА

131

Массово-политическое издание

Гапур Хайдаров, Максуджон Иномов

ТАДЖИКИСТАН:
трагедия и боль народа

На узбекском языке

Муҳаррирлар: В. Абдувалиев,
Ш. Мансуров, К. Бўронов
Бадий муҳаррир О. Соибназаров
Техник муҳаррир С. Собирова
Мусаҳҳиҳлар: Ҳ. Абдуқодирова,
М. Раҳимбекова, М. Йўлдошева

Теришга берилди 29.04.93. Босишга рухсат этилди
03.05.93. Гарнитура Таймс. Бичими 84×108¹/₃₂.
Рангли босма. Шартли босма табоқ 7,14.
Нашриёт-ҳисоб тобоги 7,24. Жами нусха 100 000.
Буюртма №452 Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 94—93.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир"
жамияти техникавий ва программавий воситалар
базасида тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитаси ижарадаги Тошкент полиграфия
комбинатида босилди. 700129, Тошкент, Навоий
кўчаси, 30.